

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336.221 (575.1)

ҒИЁСОВ АЗИЗБЕК АЪЗАМОВИЧ

ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ СОЛИҚ ҚАРЗДОРЛИГИНИ
КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Илмий даражасини олиш учун тайёрланган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: Тошматов Шухрат Амонович
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

Тошкент – 2020

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I СОЛИҚ ҚАРЗДОРЛИГИ ЮЗАГА КЕЛИШИНИНГ ИЛМИЙ- БОБ. НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	12
1.1-§ Солиқ қарздорлигининг юзага келишига доир илмий-назарий қарашлар.....	12
1.2-§ Солиқ қарздорлиги тушунчаси ва унинг моҳияти	28
1.3-§ Юридик шахсларнинг солиқ қарздорлиги пайдо бўлиш сабаблари ва таснифланиши.....	40
Биринчи боб бўйича хулоса.....	54
II ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ ҚАРЗДОРЛИГИНИНГ БОБ. АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ	56
2.1-§ Юридик шахсларнинг солиқ қарздорлигини камайтиришга оид хукуқий асослари.....	56
2.2-§ Юридик шахсларнинг солиқ қарздорлигини ундириш механизми ва уни амалдаги ҳолати таҳлили.....	73
2.3-§ Юридик шахсларнинг солиқ қарздорлигини камайтиришнинг ўзига хос хусусиятлатлари.....	93
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	107
III СОЛИҚ ҚАРЗДОРЛИГИНИ КАМАЙТИРИШНИНГ БОБ. САМАРАЛИ ЙЎЛЛАРИ	109
3.1-§ Солиқ қарздорлигини камайтиришга доир илғор хориж тажрибаси ва улардан фойдаланиш йўналишлари	109
3.2-§ Солиқ қарздорлигини камайтириш усулларини такомиллаштириш.....	125
Учинчи боб бўйича хулоса.....	141
ХУЛОСА	143
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	147
ИЛОВАЛАР	153

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатларида солиқ қарзи салбий иқтисодий омил сифатида қаралиб, унинг йилдан-йилга ўсиб бораётган мутлақ қиймати молиявий ресурслар ва ижтимоий дастурларни ҳал қилиш имкониятини чекловчи жиддий муаммога айланмоқда. Хусусан, «Дания, Швеция, Швейцария, Ирландия, АҚШ, Канада, Япония, Россия ва Қозоғистон каби мамлакатларда бунга алоҳида эътибор қаратилмоқда»¹. Масалан, «солиқлар бўйича қарздорликларнинг хорижий давлатлардаги ҳолатлари ўрганилганда, 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра Россия Федерациясида 1,9 трлн. рубль ёки ЯИМга нисбатан 0,2 фоизни² ва Қозоғистон Республикасининг солиқ қарздорлиги 0,4 трлн. тенге ёки ЯИМга нисбатан 0,5 фоизни³ ташкил этган». Солиқ қарздорлигининг келиб чиқиш муаммоларини ўрганган ҳолда уларни бартараф этиш орқали солиқ қарзини камайтириш танланган мавзунинг долзарблигини асослайди.

Сўнгги йилларда ривожланган давлатларда ва етакчи халқаро молия институтлари, илмий тадқиқот марказлари томонидан солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш масалалари, хусусан, солиқ тизими самарадорлигини таъминлаш, бевосита ва билвосита солиқлар нисбатини оптималлаштириш, солиққа тортишнинг мақбул даражасини аниқлаш, яширин иқтисодиётни солиққа жалб қилиш, солиқ юқини пасайтириш, солиқ қарздорлигини камайтириш механизмларини такомиллаштириш ҳамда солиқларнинг ўз муддатида тўланмаганлиги учун пенялар ҳисоблаш механизми ва миқдорининг оптимал вариантларини ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда солиқ қарздорлигининг камайиш тенденциясига қарамай, уни кўпайтиришга олиб келадиган омиллар, хусусан, солиқ қарздорлигини ҳисобдан чиқариш тартибини қўллаш маълум даражада солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятлари бажарилишини кечиктириш ёки

¹ OECD Science, Technology and Industry Scoreboard 2017, OECD Publishing

² www.rg.ru. Интернет манбаси

³ www.24.kz. Интернет манбаси

қарздорликни тўлашдан қочиш ҳолатлари сақланиб қолмоқда. «Янги таҳрирдаги Солиқ кодексида мамлакат тараққиётининг таянчи бўлган инсофли, ҳалол солиқ тўловчиларни рағбатлантириш, яширин фаолият юритадиганларни эса жазолаш кўзда тутилиши шарт»⁴. Шу сабабли, солиқ қарздорлигини бартараф этиш йўллариини такомиллаштиришга эътибор бериш давлат солиқ хизмати идораларининг муҳим вазифаси сифатида белгилаб қўйилган. Мазкур ҳолат, амалга оширилаётган солиқ соҳасидаги ислохотлар, жумладан, солиқ юқини пасайтириш орқали юридик шахслар томонидан солиқларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини рағбатлантириш, солиқ қарзлари юзага келиши сабабларини аниқлаш ҳамда олдини олиш ва мавжуд қарздорликларни ундириш механизмини такомиллаштириш юзасидан тадқиқотлар олиб бориш заруриятини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги, 2019 йил 27 июндаги ПФ-5755-сон «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 26 сентябрдаги ПФ-5837-сон «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3802-сон «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги, 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, мазкур соҳага оид бошқа

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь // <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyasi-28-12-2018>.

меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодий ислохотлар шароитида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш тизимини ислоҳ қилиш ва солиқ сиёсатини тўғри шакллантириш, юридик шахсларда солиқлар бўйича қарздорликнинг вужудга келиши ва уларни ундириш билан боғлиқ муаммоларнинг назарий жиҳатлари бўйича бир қанча хорижий ва республикамиз олимлари томонидан изланиш ва тадқиқотлар олиб борилган.

Хорижлик иқтисодчи олимлардан У.Петти, А.Смит солиқ қарздорлиги келиб чиқишининг асосий сабаблардан бири ҳисобланган солиқ юки бўйича, П.Жуков, А.Матюшин, А.Малько, А.Хомма, Г.Морозова, А.Треушников, И.Жалонкина, А.Писарева, А.Кузнецов, В.Угрын, М.Фильо, П.Курбанова, Г.Менкью, Д.Черник, И.Майбуров, Т.Аушев, Е.Мигашкина, О.Бондарь, О.Абдурахманов ва бошқалар солиқ қарздорлиги маъмуриятчилиги муаммолари юзасидан тадқиқотлар олиб боришган⁵.

⁵ Бекон Ф. Сочинения в двух томах. Т. 2. – М.: “Мысль” (Филосовское наследие), 1978. – 575 с. <http://filosf.historic.ru/books/item/f00/s00/z0000455/index/shtml/>; Черник Д.Г. Налоги: учеб. пособие. 2-изд – М.: Финансы и статистика, 1996. – С.16; Антология экономической классики. В 2-х томах. Т. I. (У.Петти, А.Смит, Д.Рикардо) Пред. И.А.Столярова. – М.: МП “ЭКОНОВ”, 1991.–С.27; Матюшин А.В. Законодательство зарубежных стран о совершенствовании процедуры взыскания налоговой задолженности. Налоговые и таможенные проблемы. Бизнес в законе. – М., – 2009. – №1. – С. 116-121; Малько А.В. Теория государства и права. – М.: Юрист. 1997. – С. 17; Морозова И.Б., Треушников А.М. Исполнительное производство: учебно-практическое пособие. – М., 2007. – С. 109; Жалонкина И. Модернизация механизмов взыскания налоговой задолженности в Российской Федерации. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – М., 2012.–С.14; Писарева А.С. Повышение налоговой культуры и ее актуальность в увеличении уровня выполнения налоговых обязательств // Государственное и муниципальное управление // Ученые записки СЗАГС. – 2009. – № 4. – С. 90-98; Морозова Г.В. Повышение налоговой культуры населения как способ борьбы с налоговыми правонарушениями // Российское предпринимательство. – 2009.– №3-2 (131).– С. 118–123; Кузнецов А.Л. Налоговая политика и налоговые органы: реальное состояние, проблемы, перспективы [Электронный ресурс]. 2016–Режим доступа: <http://vasilievaa.narod.ru/zhurnal/>; Угрын В.В. ва Фильо М.М. Мировой опыт эффективного обеспечения минимизации налогового долга и возможности его применения в Украине; Курбанова П.М.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар ва мутахассислардан Ш.Гатаулин, Қ.Яхёев, Ш.Тошматов, А.Тангрикулов, И.Ниязметов, Р.Гулямов, К.Джураева, К.Толипов, М.Мирзаев, Р.Абдукаримов, Р.Назирова, А.Мусаев ва бошқалар томонидан иқтисодиётда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликнинг пайдо бўлиши ҳамда уни камайтиришга доир тадқиқотлар амалга оширилган⁶.

Жумладан, И.Ниязметов томонидан солиқ қарздорлигини пайдо бўлишига бевосита солиқ тўловчиларнинг зиммасидаги солиқнинг юки таъсир этиши тадқиқ этилган.

Мазкур тадқиқот ишларида юридик шахсларнинг белгиланган муддатларда солиқларни тўлаш мажбуриятларини бажармаслиги оқибатида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик ортиб кетишининг ҳуқуқий, услубий жиҳатлари ҳамда амалий муаммолари алоҳида ва яхлит илмий тадқиқот объекти сифатида комплекс ўрганилмаган. Бу эса мазкур мавзунинг тадқиқ этиш заруриятини келтириб чиқаради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳудудий тузилмалар

Совершенствование механизма администрирования налоговой задолженности: дисс. на соиск. уч. степ.к.э.н. – Махачкала: Дагестанский государственный университет, 2015. – С. 161; Менкью Н. Г. Принципы экономикс. – СПб: Питер ком, 1999. – 784 с; Черника Д. Налоги: учеб. пособие / Под ред. 2003. 2-е изд; Майбууров И.А. и др. Налоги и налогообложение. Учебник. 6-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2015. – С. 487; Аушев Т.А. Организационно-экономические предпосылки возникновения налоговой задолженности и пути ее сокращения: Дис. канд. экон. наук: 08.00.10: – Москва, 2004. – С.195; Мигашкина Е.С. Налоговые системы зарубежных стран. – М.: МГУУ Правительства Москвы, 2005. – С. 192 – 193; Бондарь О. А. Совокупная налоговая задолженность: понятие, структура и принципы ее снижения / О.А. Бондарь // Актуальные вопросы экономики и управления: материалы междунар. заоч. науч. конф. г. Москва, апрель 2011 г. – М., 2011. Т. 1. – С. 64-67; Абдурахманов О.К. Налоговые системы зарубежных стран: промышленно развитые страны, развивающиеся страны, налоговые «оазисы». – М.: Палеотип, 2005. – С. 246.

⁶ Гатаулин Ш.К. Налоги и налогообложение. Учебное пособие. Издательский дом «Мир экономики и права» – Т., 1996. – С. 303; Яхёев К. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Дарслик. Қайта ишланган. ТМИ. Фан ва технологиялар маркази. – Т., 2003. – 247 б; Гулямов Р, Джураева К, Толипов К, Мирзаев М, Абдукаримов Р, Назирова Р, Мусаев А. Теневая экономика: причины существования, меры по сокращению // Экономическое обозрение. – Ташкент, 2004 – С. 12-19; Японияда солиқ тизими // Иқтисодиёт ва таълим. Молия ва солиқлар. – 2018. – №4. – Б. 173-180.

бошқарувининг институционал механизмини такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳа (2018-2020 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юридик шахсларнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликларини камайтиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

солиқ қарзини ундиришнинг назарий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш;

солиқлар бўйича қарздорликнинг юзага келиш сабаблари ва уларни ундиришдаги мавжуд муаммоларни аниқлаш;

солиқ қарзларининг ҳосил бўлиши сабаблари ва ундириш ҳолатини таҳлил қилиш;

солиқлар бўйича қарздорликни камайтиришнинг илғор хориж тажрибасидан фойдаланиш имкониятларини тадқиқ этиш;

солиқ қарздорлигини ундириш механизмини жадаллаштиришга тўсик бўлувчи муаммоларни тадқиқ этиш ва уларни бартараф этиш бўйича илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги бўлган юридик шахслар ҳамда солиқ қарзларини бюджетга ундириш механизми ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни Давлат бюджетига ундиришда юридик шахслар ва бюджет ўртасида юзага келадиган молиявий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида иқтисодий, мантиқий, илмий абстракциялаш, қиёсий таҳлил, динамикада ўрганиш, маълумотларни гуруҳлаш, индукция, дедукция ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қўшилган қиймат солиғи ва ягона ижтимоий тўлов ставкаларини пасайтириш орқали юридик шахсларнинг солиқ қарздорлигини камайтириш асосланган;

солиқларни муддатида тўланмаганлик учун пеня миқдори

қарздорликнинг ҳосил бўлиши сабаблари ҳамда тўлов интизомини мустақкамлашга таъсир даражасидан келиб чиққан ҳолда табақалаштирилган;

солиқ қарздорлигини солиқ тўловчининг мол-мулки ҳисобидан суд тартибида ундиришнинг амалдаги механизмини, солиқ тўловчи қарздорликни тан олган тақдирда, унинг мулки ҳисобидан ундиришни солиқ органи раҳбарининг қарори асосида амалга ошириш таклифи асосланган;

муддатида тўланмаган солиқлар учун амалдаги табақалаштирилган пеня миқдорини инфляция омилини ҳисобга олган ҳолда Марказий банкнинг шу даврда амалда бўлган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиқиб белгилаш таклифи асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

юридик шахсларнинг мавжуд солиқ қарздорлиги келиб чиқиши сабаблари аниқланиб, қўшилган қиймат солиғи ва ягона ижтимоий тўловлар ставкаларини пасайтириш таклифи ишлаб чиқилган;

юридик шахслар томонидан солиқ мажбуриятларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида, муддатида тўланмаган солиқлар учун пеня миқдорини омилли табақалаштириш таклифи асосланган;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиқ қарздорлиги тан олинганда давлат солиқ хизмати органи қарори асосида улар мол-мулкини хатлаш ва қарздорликни ундириш учун мажбурий ижро бюросига юборилиши ва низоли ҳолатларда суд орқали ҳал қилиш механизмининг жорий этилиши асосланган;

давлат солиқ хизмати органи инкассо топшириқномаларини автоматик равишда шакллантириш ва онлайн режимда банк муассасаларига жўнатилишини таъминловчи янги тизим жорий этиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга

мувофиқлиги, фойдаланилган таҳлилий материаллар ва статистик маълумотларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, халқаро молия институтлари ва хорижий давлатларнинг расмий манбаларидан олинганлиги, тадқиқотлар аниқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги ҳамда ишлаб чиқилган таклифларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация иши натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатида белгиланган асосий йўналишларни рўёбга чиқаришда солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларига риоя қилишлари учун имконият яратиш ва ҳосил бўлаётган солиқ қарздорлигининг пайдо бўлишининг олдини олиш орқали камайтиришга қаратилган механизмларни такомиллаштириш юзасидан илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шакллантирилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ қарздорлиги келиб чиқиш манбаларини таҳлил қилган ҳолда уларни ундириш босқичларидаги муаммоларни бартараф этиш орқали камайтиришга доир амалий чора-тадбирлар ва йўл хариталарини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлигини белгилайди, шунингдек, тадқиқот натижаларидан олий ўқув юртиларида «Солиқ маъмурчилиги» фанининг ўқув дастурларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юридик шахсларнинг солиқ қарздорлигини камайтириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

солиқ қарздорлиги юқори бўлган қўшилган қиймат солиғи ва ягона ижтимоий тўлов ставкаларини пасайтириш орқали қарздорлик пайдо бўлишининг олдини олиш юзасидан таклифлар Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2019 йил 26 сентябрдаги ПФ-5837-сон Фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 22 октябрдаги 16-30325-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида, корхоналар ихтиёрида қолган маблағлар ҳисобига тўлов қобилияти ошади ва қарздорликнинг келиб чиқиши бартараф этилган;

солиқларни муддатида тўланмаганлиги учун пеня миқдори қарздорликнинг ҳосил бўлиши сабаблари ҳамда тўлов интизомини мустаҳкамлашга таъсири даражасидан келиб чиққан ҳолда табақалаштириш бўйича таклиф Ўзбекистон Республиканинг 2018 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-508-сон Қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 22 октябрдаги 16-30325-сон маълумотномаси). Натижада, қарздорликнинг пайдо бўлиши сабабларидан келиб чиқиб пеня миқдорини табақалаштириш орқали тўлов интизومي янада мустаҳкамланган;

солиқ тўловчи томонидан солиқ қарздорлиги тан олинган тақдирда, солиқ органининг қарори асосида мулки ҳисобидан солиқ қарзинининг ундирилиши бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси янги таҳриридаги Солиқ кодексининг 123-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 1 февралдаги 12-03383-сон маълумотномаси). Натижада, солиқ тўловчиларнинг қарздорликларини мол-мулк ҳисобидан ундириш механизми янада такомиллашган;

солиқларни тўлаш муддати кечиктирилгани учун ҳисобланадиган пенянинг фоиз ставкаси Марказий банкнинг шу даврда амалда бўлган қайта молиялаштириш ставкасининг уч юздан бирига тенг фоизларда белгиланиши юзасидан берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси янги таҳриридаги Солиқ кодексининг 110-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 1 февралдаги 12-03383-сон маълумотномаси). Натижада, пеня миқдорини мамлакатда инфляция кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиқиб бирхиллаштириш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та, жумладан, 2 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган маҳаллий илмий нашрларда 3 та, нуфузли хорижий журналларда 1 та илмий мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, саккизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация асосий матнининг ҳажми 146 бетни ташкил этган.

I БОБ. СОЛИҚ ҚАРЗДОРЛИГИНИ ЮЗАГА КЕЛИШИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Солиқ қарздорлигининг юзага келишига доир илмий-назарий қарашлар

Давлатчилик пайдо бўлган илк даврларда солиқлардан фақатгина давлат даромадларини шакллантиришнинг муҳим ва доимий манбаи сифатида фойдаланилган бўлса, ҳозирга келиб солиқлар иқтисодиётни тартибга солишнинг асосий унсури бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Солиқлар бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг ўз функцияларини амалга оширишда асосий восита бўлиб ҳисобланади. Солиқларнинг ўз вақтида ва тўла ҳажмда ундирилиши мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини ҳамда мудофаа қудратининг ошишини таъминлайди.

Шунингдек, бюджетга ҳисобланган солиқларнинг ўз вақтида тўлиқ ундирилишини республика ва маҳаллий ҳокимият органлари зиммасидаги ички ва ташқи мажбуриятларнинг бажарилишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Солиқлар пайдо бўлган даврларданоқ жамиятда солиққа тортишнинг мақбул даражасини белгилаш ва бу орқали давлат ҳамда солиқ тўловчилар манфаатларининг ўзаро уйғунлигига эришиш билан бирга солиқ қарздорлигини ҳосил бўлишини олдини олиш муаммоси долзарб бўлиб келган⁷.

Мазкур тадқиқот ишини амалга ошириш жараёнида тадқиқотчи ва олимлар томонидан мавзуга оид қатор фикрлар, мулоҳазалар ва мунозаралар билдирилганлиги кузатилди.

Солиқлар хазина сиёсатининг бир қисми сифатида намоён бўлишини П.Самуэльсон аниқ ифодалаб берган. К.Макконнелл билан С.Брюнинг ҳудди шунга ўхшаш нуқтаи назари уларнинг “Экономикс”⁸ номли асарида белгилаб берилган, шу билан бирга амалга оширилиши мумкин бўлган хазина сиёсати иқтисодиётни барқарорлаштириш учун ҳал этиладиган вазифаларидан келиб

⁷ Ниязметов И.М. Солиқ юкини оптималлаштириш: назария, услубият ва амлаиёт –Тошкент, 2016. Б.7.

⁸ Кэмпбелл Р. Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Пер. 16-го англ. изд. – М.: “ИНФРА”, 2006. – 940 б.

чиқиб, ҳам рағбатлантирувчи сиёсат, ҳам тўсқинлик қилувчи сиёсат сифатида каралади. “Хазина сиёсатининг асосий мақсади, - деб ёзишади улар, - ишсизлик ва инфляцияни тугатишдан иборатдир. Таназзул даврида кун тартибида рағбатлантирувчи хазина сиёсати тўғрисидаги масала пайдо бўлади. У қуйидагиларни ўз ичига олади: 1-давлат харажатларининг кўпайиши, ёки 2 - солиқларнинг пасайиши, ёхуд 1 ва 2 ни бирга қўшиб олиб бориш ва аксинча, агар иқтисодиётда ортиқча талаб туфайли пайдо бўлган инфляция содир бўлса, бунга тўсқинлик қилувчи хазина сиёсати мос келади. Тўсқинлик қилувчи хазина сиёсати қуйидагиларни ўз ичига олади: 1 - ҳукумат харажатларининг камайиши, ёки 2 - солиқларнинг кўпайиши, ёхуд 1 ва 2 нинг бирга қўшиб олиб борилиши. Хазина сиёсати, башарти иқтисодиёт олдида инфляция устидан назорат қилиш муаммоси турадиган бўлса, ҳукумат бюджетининг ижобий қолдиғига таяниши лозим”⁹.

Жумладан, инглиз файласуфи Ф.Беконнинг “халқнинг розилиги билан ундириладиган солиқлар унинг мағрурлигини пасайтирмайди. Халқнинг розилиги билан ёки унинг розилигисиз йиғим ҳамён учун фарқсиз бўлиши мумкин, аммо халқ руҳиятига таъсири бир хил эмас”¹⁰, деган фикрларини замонавий талқинидан тушуниш мумкинки, агар солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар халқни розилигисиз жорий қилинган бўлса, солиқ қарздорлигини пайдо бўлишига ёки умуман солиқдан қочишга олиб келади.

У.Петтининг фикрларига кўра, “... меъёрдан ортиқча солиқ аҳолининг хатто табиий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган предметларга бўлган ҳаддан зиёд ва чидаб бўлмайдиган заруратини келтириб чиқаради. Бундай солиқ кишиларни ўғрилик ва фирибгарликка мажбур этади”¹¹. Олимнинг фикридан келиб чиққан ҳолда бу каби ортиқча солиқ меъёри солиқларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини ва солиқ бўйича қарздорликларни вужудга келтиришга сабаб бўлиши муқарар.

⁹ К.Макконель, С.Брю «Экономикс» М. 1972 й. 249-стр.

¹⁰ Бекон Ф. Сочинения в двух томах. Т. 2. – М.: “Масль” (Филосовское наследие), 1978.–575 с. <http://filosf.historic.ru/books/item/f00/s00/z0000455/index/shtml/>.

¹¹ Антология экономической классики. В 2-х томах. Т. I. (У.Петти, А.Смит, Д.Рикардо) Пред. И.А.Столярова – М.: МП “ЭКОНОВ”, 1991.–С.27.

И.Ниязметовнинг фикрича, “Давлат ўз хазинаси даромадларини максималлаштиришга ҳаракат қилса, солиқ тўловчилар аксинча ўз солиқ мажбуриятларини минималлаштиришга, солиқ юки уларнинг имкониятларини чеклаб қўймаслигига уринадилар. Солиқ ундиришда давлатнинг “адолатлилиги” сусайиб боргани сайин, солиқ тўловчиларнинг “ростгўйлиги” ҳам камайиб бораверади”¹². Ўз навбатида, солиқларни ундириш механизмидаги, уни тартибга солувчи солиққа оид қонун ҳужжатларидаги номувофиқликлар, зиддиятлар, ноаниқликлар солиқ тўловчилар томонидан мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишида фаоллигини ҳамда мазкур қонунларга бўлган ишончларини пасайтиради.

Солиққа тортишнинг мураккаблигига асосий сабабларидан бири сифатида, У.Петти, халқнинг солиқ тўлашни истамаслиги, деб ҳисоблайди. Бу эса, солиқларни ундиришда давлат томонидан ортиқча сарф-харажатлар ва қаттиқ жазо чоралари қўлланилишига олиб келади¹³.

Солиққа тортишни оптималлаштиришнинг илмий-назарий асослари шаклланишида А.Смит солиқ муносабатларини тўғри ташкил этиш солиққа тортишни такомиллаштиришга хизмат қилган қуйидаги тўртта “олтин тамойил”ни илгари сурган: адолат (тенглик), аниқлик, қулайлик ва тежамлилик (арзонлилик)¹⁴.

Замонавий шароитда Ўзбекистон солиқ тизими самарадорлигини ошириш масалалари муҳим аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, бу борада И.Ниязметов томонидан солиқ тизимининг самарадорлиги солиқ тизимига қўйиладиган асосий фундаментал талаблардан бири эканлиги илмий асосланиб, икки муҳим жиҳати келтирилди¹⁵:

¹² Ниязметов И.М. Солиқ юкини оптималлаштириш: назария, услубият ва амалиёт. –Тошкент, 2016. Б.9.

¹³ Афанасьев В.С. Возникновение классической буржуазной политической экономии (Уильям Петти). – М.:Соцэкгиз, 1960.– С.20-21.

¹⁴ The Wealth of Nations, Book V, Chapter II, Part II. (An electronic classics series publication).

¹⁵ Ниязметов И.М. Ўзбекистон солиқ тизими: муаммолар ва такомиллаштириш йўллари. Монография. – Тошкент: “Молия”, 2017. - 195 б.

биринчидан, солиқ ундириш ёки солиққа тортиш жараёнлари давлат ва солиқ тўловчилар учун имкон қадар арзон, яъни кам харажат бўлиши ҳамда ортиқча оврагарчиликларга олиб келмаслиги даркор;

иккинчидан, давлат солиқ механизми воситасида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни автоматик тарзда самарали тартибга солиб бориш имкониятига эга бўлиши керак. Яъни, солиқ воситасида давлат молиявий маблағлар, ишлаб чиқариш омиллари ҳамда меҳнат ва табиий ресурсларни самарали бошқара олиши лозим.

Черник¹⁶, Аронов ва Кашинлар¹⁷ ўзларининг тадқиқотларида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг хориж ва Россия Федерациясида ундириш механизмини ўрганган ҳолда солиқ тўлашдан бош тортган солиқ тўловчилар билан ишлаш сиёсати, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, келгусида ҳар бир солиқ тўловчи ўз хоҳиши билан солиқ тўлаш мажбурияти бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқишган ҳамда ушбу тавсияларни солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш соҳасида қўллаб уни исботлашган ва бир қатор амалий чораларни амалга оширишган.

И.Горский солиқ тўлашдан бош тортган солиқ тўловчилар билан ишлаш сиёсати бўйича Россия мисолида тадқиқотлар олиб борган¹⁸. Бунда:

- солиқларни муддатида тўлаши ёки олдиндан тўлаб қўйилиши;

- солиқ хизмати органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларни камерал назорат қилиш натижасида банклардан ташқари айланмаларининг бўлмаслиги;

- даромадларни яшириш ҳолатларининг йўқлиги каби ҳолатлари аниқланганда қуйидаги:

а) хўжалик юритувчи субъектлар томонидан йиллик тўлаган солиқларининг 3 фоиздан 7 фоизгача бўлган қисмини кейинги тўловлари ҳисобига олиш;

¹⁶ Черника Д. Налоги: учеб. пособие / Под ред.– 2-е. ИНФРА. 2003. Стр. 486

¹⁷ Аронов А ва Кашин В Налоги и налогообложение М. 2007.: Магистр. Стр. 178

¹⁸ Горский И. Налоги в экономической стратегии государства // Финансы. – М., 2001 Стр. 36-39.

б) йил якуни билан ўтказиладиган тадбирларда энг намунали (ватанпарвар) солиқ тўловчи сертификатини берилиши;

в) уларнинг фаолиятини даврий текширмаслик бўйича энгилликлар берилган.

Шу ўринда, солиқ қарзи муддатини фаолиятида молиявий қийинчиликларга дуч келган солиқ тўловчиларга қўшимча имкониятлар берилиши мавжуд қарздорликни умидли бўлишлигига, яъни тўлов қобилиятини тикланишига ва пировардида бюджетга ундирилишига эришиш мумкин.

И.Бланк томонидан олиб борилган тадқиқотларда юқоридаги каби энгилликлар бўлмас экан корхоналарнинг ўзаро ҳисоб китоблари ва солиқларнинг муддатида ундирилиши, янги корхоналарнинг ташкил этилиши ва уларнинг ундирилишидаги муаммоларнинг ечими йўқолиб борилиши ҳамда мазкур ҳолатларда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг муддатида тўланмаслигини ва солиқ қарзларининг ҳосил бўлишига қуйидаги омиллар таъсирида вужудга келишини назарий жиҳатдан асосланган.

Солиқ ставкаларининг юқорилиги натижасида молиявий муносабатда бўлган хўжалик субъектлари томонидан тўлов интизомига риоя қилмаслик ва бунинг оқибатида:

солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорликларнинг ошиб кетиши;

молиявий-хўжалик фаолиятини режалаштириш ва бу фаолиятни нотўғри бошқариш;

хўжалик субъектлари маҳсулотларига (бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар) истеъмол талабининг кескин ўзгариши;

хўжалик субъектлари маҳсулотларининг (бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар) сифати буюртмачининг ёки бозор талабига жавоб бермаслигини аниқлаган¹⁹.

¹⁹ Бланк И.А. “Финансовый менеджмент”, Ника-Центр Б.195. Киев. 2005

А.Смитни фикрига кўра солиқларни тўлаш учун шахс ўша тўловни каердан олишга эга бўлиши керак. Даромадларга эагина тўлаши ва барча даромадлар 3 манбадан пайдо бўлиши мумкин. Булар ер, капитал ва меҳнатдан, қолган барча даромад турлари иккиламчи ва охир оқибат юқорида номи келтирилган 3 турдан шаклланади²⁰.

Бунинг мазмуни шундан иборатки, амалиётда у ёки бу солиқни жорий этиш ва уни ундириш натижасида бюджетга бориб тушган маблағлардан амалдаги маблағларнинг ҳажми анча катта бўлган суммани ташкил этиши мумкин.

А.Исаев давлат қарзларини бошқариш билан боғлиқ илмий таҳлилида давлат ўз қарзларини қоплаш ва даромадини кенгайтириши учун аҳолининг имкониятидан келиб чиққан ҳолда солиқ тизимини ривожлантиришни таклиф этади²¹. Фикримизча, бунга энг аввало солиқ мажбуриятини бажаришда солиқ тўловчиларнинг тўлов интизомини шакллантиришдаги маданиятини юксалтириш орқали эришиш мумкин.

А.Лаффер солиққа тортиш меъёри хусусидаги назарияни ишлаб чиқиб, солиқ ставкаларининг маълум миқдоргача ошиб бориши бюджет даромадларининг кўпайишига хизмат қилади, лекин солиқ ставкалари меъёридан ошиб кетса, бюджет даромадлари аксинча камайиб боради, деган хулосага келган²². Шу ўринда таъкидлаш жоизки, солиқ ставкалари меъёридан ошиб бориши солиқ қарздорликларни юзага келиши ва уларни ортиб боришига ҳам сабаб бўлади.

Бу борада И.Ниязметов солиқ ставкалари меъёридан ошиб кетса бюджет даромадлари аксинча камайиб боради деган хулосага келган²³. Албатта, солиқ ставкаларининг меъёридан оширилиши ўз навбатида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан яратилган солиқ солиш базасини ҳам камайиб боришига олиб келади.

²⁰ Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. – М.: Дело, Витапресс. 1996. – Б.544.

²¹ Исаев А.А. Очерк теории и политики налогов. – М.: ЮрИнфоР-Пресс, 2004. – С.270.

²² Барулин С.В., Бекетова О.Н. Лафферовы эффекты в экономике современной России // Финансы. – М., 2003. - №4. – С.34-37.

²³ Ниязметов И.М. Солиқ юқини оптималлаштириш: назария, услубият ва амалиёт. –Тошкент, 2016. Б.141.

Солиқларнинг жорий этилиши ва уларни аниқ миқдорлари ҳақида фикр юритар эканмиз, бу борада А.Смит илгари сурган назарияга таянган ҳолда даромадларнинг қаердан ёки нима ҳисобидан олиншини инобатга олиб, А.Лаффер эгри чизигида оптимал нуқтани аниқлаган ҳолда солиқ ставкани пасайтириш орқали солиқ солиш базасини кенгайтириш ҳисобига солиқларни тўлаш учун қулай механизм яратиш орқали мажбуриятларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ ҳажмда бажарилиши таъминлаш мақсадида қўшимча кафолатларни жорий қилиш солиқ қарздорлигининг маълум миқдорда камайишига олиб келади, деб ҳисоблаймиз.

Т.Андреева томонидан солиқ тўловчилар томонидан солиқ интизомига риоя қилинмаслик сабаблари тадқиқ қилинган, солиққа оид билимларни оширишга оид усуллар таҳлил қилиниб, солиқ тўловчиларга давлат ҳамкори сифатида хизматни такомиллаштириш усуллари таклиф қилинган²⁴.

Г.Морозованинг фикрига кўра, солиқ маданияти – мамлакат маданиятининг умуммиллий қисми бўлиб, солиқ тизимида давлат ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро ҳаракатнинг бир-бирига тор доирада боғлиқлигидир. Солиқ саводхонлиги ва маданиятининг асосий элементи, бу тизимли таълим олиш, ривожланиш ва назорат қилишдан ташкил этадиган солиқ тўловчиларнинг ахлоқий ва молиявий қобилияти ҳамда имкониятлари солиқ интизومي ҳисобланади²⁵. Солиқ интизомини шакллантириш ва юксалтиришда биринчи навбатда солиқ тўловчилар томонидан тўланган солиқларни қандай мақсадларга сарфланишини солиқ тўловчиларга янада чуқурроқ ҳис эттириш даркор.

А.Кузнецовнинг²⁶ фикрига кўра, солиқ тўловчи давлатнинг ҳамкори, буни солиқ органлари ходимлари томонидан тушуниб етмасдан, ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг солиқ саводхонлиги ва маданиятини

²⁴ Андреева Т.С. Реформирование налоговой системы Латвии. Менеджмент и маркетинг: опыт и проблемы: сборник научных трудов. Под общей редакцией д.э.н., проф. И.Л. Акулича. Минск: А.Н. Вараксин, 2017. С. 8-15.

²⁵ Морозова Г.В. Повышение налоговой культуры населения как способ борьбы с налоговыми правонарушениями // Российское предпринимательство. – 2009. №3–2 (131). – С. 118–123.

²⁶ Кузнецов А.Л. Налоговая политика и налоговые органы: реальное состояние, проблемы, перспективы [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://vasilievaa.narod.ru/zhurnal/>.

ошириб бўлмайди. Бизнингча, буни нафақат солиқ органлари ходимлари, балки солиқ тўловчилар ҳам тушуниб етиши ва бу борадаги солиқ органлари ходимлари ўрни бекиёсдир.

Солиқ қарздорлигини келиб чиқишдаги асосий омиллардан бири, бу солиқ тўловчиларни ўз мажбуриятларини умуман ёки етарлича билмаслиги оқибати дейиш мумкин. Бу борада хорижий мамлакатлар, жумладан Шведцияда солиқ мажбуриятларини бажариш бўйича иборасини таъкидлаш жоиз деб ҳисоблаймиз. “Биз нега солиқларни тўламаслигимиз керак?” деган саволни ўзларига беришар экан, фарқли ўлароқ аксарият солиқ тўловчиларимиз “Биз нега солиқ тўлашимиз керак?” деган саволни беришади. Аксарият шведлар солиқларни муқаррар ёвузлик сифатида эмас, балки уларнинг бевосита вазифаси деб билишади. Улар солиқ йиғиш йўллар ёки мактабларни таъмирлаш, нафақахўрлар ва дори-дармонларга сарфланишини ва фақат мақсадлар учун ишлатилишини тушунадилар. Шведлар ўзларининг яхши солиқ тўловчилари эканликларидан фахрланишади. Бундан ташқари, мамлакатда компанияларнинг молиявий ва бухгалтерия ҳужжатларидан очиқ фойдаланиш имконияти мавжуд: бирор нарсани яширишга уриниш бефойда. Солиқ тўловчининг исмини ёки компаниянинг номини www.аллаболаг.се сайтига киритиш кифоя ва унинг қанча даромад олгани ва қанча солиқ тўлаганини кўриш мумкин²⁷. Бу ҳолатни икки хил талқин қилиш мумкин: биринчиси солиқ тўловчининг ўз мажбуриятларини билмаслиги бўлса, иккинчиси билиб тўриб амал қилмаслигидир.

Д.Касимов²⁸ ҳам оммавий солиқлардан бўйин товлашнинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборатлигини қайд этган:

- солиқ қонунчилигининг нобарқарорлиги;
- мамлакат аҳолисига маслаҳатлар ва ахборотлар бериш тизимининг етарли эмаслиги;

²⁷ <https://ru.sweden.se/ljudi/nalogi-v-shvecii-lyubov-s-obyazatelstvami/>

²⁸ Касимов Д.О. Институциональные основы формирования и развития налоговой культуры: Дис. ... канд. экон. наук: 08.00.10: утв. 13.06.2012. – М., - 168 с.

- солиқ органларига нисбатан фуқароларнинг ишончсизлиги;
- солиқ муносабатлари субъектлари ўртасидаги ўзаро ижтимоий масъулиятдаги муаммолар.

Д.Бондарев фикрига кўра, солиқ маданиятининг пайдо бўлиши синов ва хатолар усули йўли орқали бозор иқтисодиёти билан параллел амалга оширилган. Солиқларни тўлаш бўйича асосий тарғибот ишлари маърифатли эмас, балки солиқлар тўланмаган тақдирда жиноий жавобгарлик сиқуви билан тахдид характерга эга²⁹.

О.Калинкиннинг³⁰ фикрига кўра, солиқ маданияти даражасини оширишга йўналтирилган солиққа оид қонун ҳужжатлари нормаларини такомиллаштириш керак, бироқ бу ягона ҳам, мураккаб ҳам эмаслигини билдирган. Албатта, биринчи навбатда солиққа оид қонун ҳужжатларини, хусусан солиқ маъмурчилигига оид қонун ҳужжатларини ҳамда локал норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мувофиқлаштириш зарур.

Солиқ тўловчиларни солиқ маданиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар охириги вақтларда солиқ органи инсофли солиқ тўловчининг ишончли ҳамкорига айлантиришга оид қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда ва шу билан бирга қоидабузарлик ҳолатларни бартараф этишдан олдин уни келиб чиқишини олдини олишга қаратилган ҳамкорликни кучайтириш зарурдир.

Ш.Тўраев «хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юкини давлат бюджетига тўланган барча солиқлар ва ажратмалар миқдорининг хўжалик субъектининг қўшилган қиймати миқдорига нисбати орқали аниқлаш мақсадга мувофиқдир»³¹ деб ёзади. Бу таърифда тўланган ёки ҳисобланган солиқлар, қайси қўшилган қийматга, қайси давр учун каби масалалар очиб кўрсатилмаган. Таърифнинг мазмунидан ҳисобланган аммо, тўланмаган

²⁹ Бондарев Д.М. Роль налоговой культуры общества в формировании экономической политики. Белорусский государственный экономический университет. Библиотека. Belarus State Economic University. Library.

³⁰ Калинкин О.Г. Ижтимоий иқтисодий тезлаштириш манфаатларида РФ солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш. Автореферат диссертации к.э.н.- М.: РАГС при Президенте РФ 2010.

³¹ Тўраев Ш. «Хўжалик субъектларининг солиқ юкини оптималлаштириш масалалари». и.ф.н., илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. 2007.

солиқ қарздорлиги солиқ юкини ҳосил қилмайди деган хулосага келиш мумкин.

Ш.Тошматовнинг фикрига кўра, солиқ тўловчиларнинг тўлов интизомига риоя қилинишини таъминлаш чоралари амалга оширилиши зарур. Йирик солиқ қарзига эга корхоналарнинг қарздорлигини ундиришда мол-мулкни хатловлари бўйича мутасадди идоралар қарздорлик ундирув ижросини таъминлаш бўйича амалий чоралар кўрилиши зарур³².

Шунингдек, Ш.Тошматов солиқ қарздорлигини юзага келиш сабаблари ва уни бартараф этиш юзасидан “Солиқ юкини юқорилиги корхоналар учун қатор салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Бундай оқибатларга солиқ боқимандаларининг ошиши, хуфёна иқтисодиёт камровларининг кенгайиши, кредиторлик қарздорликларининг ошиши кабиларни келтириш мумкин..... солиққа тортиш тизими солиқ тўлашдан қонуний ва ноқонуний қочиш имкониятларини минималлаштириши лозим... кўшилган қиймат солиғи бўйича фоиз ставкасини 18 фоизга тушириш солиқ базасини кенгайтириб, солиқ тушумларини ортишига олиб келади... солиқ юкини камайтириш (қарздорликка йўл қўймаслик) мақсадида, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар учун ягона ер солиғи ўрнига, ягона бюджетдан ташқари жамғармага ажратма шаклида солиқ жорий этиш ва бунда бюджетдан ташқари ажратмаларни унификациялаш мақсадга мувофиқ бўлади”³³ деб таъкидлаб ўтган.

И.Ниязметов солиқ қарздорлигининг юзага келишини куйидагича изоҳлаган “ҚҚС, мулкый солиқлар ва сотиш ҳажмидан мажбурий ажратмалар юкининг асосан саноат корхоналари зиммасига юклатилганлиги солиқ юкининг нотекис жойлашувига, саноат корхоналари солиқ юкининг нисбатан оғир бўлишига сабаб бўлмоқда. Бу эса корхоналарда солиқ қарздорлиги

³² Тошматов Ш.А. Худудларда бюджет даромадларининг кўшимча манбаларини аниқлашда бошқарув кадрлари ролини ошириш. Ўзбекистоннинг жаҳон молия бозорига интеграциялашуви: инновациялар трансфери, халқаро стандартлар, рейтинглар ва индекслар” мавзусида республика илмий-амалий конференция тезислари тўплами. Тошкент: Молия, 2018. 303-305 б.

³³ Ниязметов И.М. Солиқ юкининг тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолиятига ва бюджет даромадларига таъсири таҳлили. Номзодлик иши. Автореферат -2008. 63-65 б.

муаммосини тугатишга йўл бермаяпти..... солиқ қарзларининг катта қисми умумбелгиланган солиқлар кесимига тўғри келади. Бу эса, солиқ юкининг умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчи корхоналар молиявий фаолиятига салбий таъсир кўрсатадиган даражада оғирлигидан далолат беради. Амалиёт таҳлилининг кўрсатишича, юқори солиқ қарзи ҚҚСга тўғри келади. Бунинг сабаби ҚҚС ставкасининг юқорилиги, ҚҚС тўлов занжирида узилишларнинг мавжудлиги, давлат ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб мукамал эмас”³⁴ лиги билан изоҳланган.

Шунингдек, И.Ниязметов томонидан қарздорлиги юқори бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш фондига нисбатан ягона ижтимоий тўловни регрессив ставкалар асосида ҳисоблаш тартибини жорий этилиши орқали иш берувчиларнинг ўз ходимлари даромадларини оширишга, хуфя иш ҳақларини эса ошқора беришга имкон яратиб, корхонанинг ҳам ишчиларнинг ҳам манфаатдорлиги оширилиши такидланган³⁵. Бироқ, ушбу таклифни жорий этилиши тадбиркорлик субъектлари томонидан бир ходимга меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ҳажмини ошириш орқали ягона ижтимоий тўловнинг регрессив ставкасини қўллаш мақсадила иш ўринларини камайтириб кўрсатишга олиб келади деб ўйлаймиз.

Солиқ қарзи турли йўллар билан ҳосил бўлиши мумкин. Солиқ қарзларини ҳосил бўлиши сабабларини турли иқтисодчи олимлар турлича тушунтиришади. Хусасан, мамлакатимизда солиқ қарзлари юзага келишига қуйидаги бир қатор омилларни сабаб бўлиши келтирилган.

Фикримизча, солиқ қарзининг ҳосил бўлиши, қуйидаги омиллар кетма-кетлиги асосида юзага келиши мумкин. Хусусан:

солиқ тўловчилар солиқ маданиятининг пастлиги ёки мажбуриятларини тўлиқ билмаслик;

³⁴ Тошматов Ш.. Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини кучайтириш муаммолари.- Докторлик иши. Автореферат. Т.: 2008. 157 б.

³⁵ Ниязметов И.М. Ўзбекистон солиқ тизими: муаммолар ва такомиллаштириш йўллари – Т.: “Молия”. 2017. Б.161-166

корхонада ҳисоб сиёсатининг сифатсизлиги ёки масъул ходимларини бу борадаги билим ва кўникмаларини етарли эмаслиги;

солиқ юкининг оғирлиги ёки солиқларни қасддан тўламасликка бўлган мойиллик;

корхоналар томонидан молиявий - хўжалик фаолиятни режалаштиришда хатоликка йўл қўйилиши ва режалаштирилган фаолиятни нотўғри бошқарилиши;

хўжалик субъектининг маҳсулотига (бажарилган иш ва хизматларга) истеъмол талабининг кескин ўзгариши;

корхонанинг молиявий ҳолатининг барқарор эмаслиги, шу жумладан дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ошиб бориши;

солиққа оид қонун ҳужжатларидаги нобарқарорлик.

О.Калачева томонидан солиққа оид ҳуқуқбузарликка қарши курашиш орқали аҳолининг солиқ маданиятини ошириш юзасидан тадқиқот олиб бориб, солиқ маданиятини оширишга тўсик бўлаётган омиллар ва асосий муаммоларни тадқиқ этган³⁶. Муаллифнинг тадқиқот натижаларини таҳлил қилар эканмиз, солиққа оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашишдан кўра уни олдини олиш солиқ маъмурчилигига қилинадиган харажатларни сезиларли даражада иқтисод қилишга ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ тушишини таъминлашда салмоқли натижаларга эришиш имкониятини беради.

А.Аронов ва В.Кашинларнинг³⁷ мулоҳазаларидан фарқли равишда И.Жалонкина³⁸ ўзининг Россия Федерациясида хўжалик юритувчи субъектларнинг дебитор ва кредитор қарзларини қисқартириш орқали солиқ қарзини ундириш механизмини модернизация қилиш бўйича олиб борган тадқиқотида улардан фарқли равишда солиқларни ундиришда кўп имтиёзлар

³⁶ Калачева О.С. Повышение налоговой культуры населения как способ борьбы с налоговыми правонарушениями в России. Бизнес. Образование. Право. Вестник волгоградского института бизнеса, №4 (37). Подписные индексы – 38683, Р8683.

³⁷ А. В. Аронов, В. А. Кашин. – М.: Магистр, 2007. – 575 с.

³⁸ Жалонкина И. “Модернизация механизмов взыскания налоговой задолженности в Российской Федерации”. автореферат диссертации на и соискание ученой степени кандидата экономических наук 2012. С.14.

бериш, уларни назорат қилишни камайтириш, ёки солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш, ёки солиқ тўловларини кечиктириш, пеня ҳисоблашни тўхтатиш каби енгилликлар бериш хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятини амалга оширишига таъсири йўқлигини (ёки камлигини) бир нечта солиқ турлари миқёсида исботлашга ҳаракат қилган.

Аммо, И.Жалонкиннинг фикрларидан бутунлай бошқача таклиф билан Ш.Тошматов корхоналарни ривожлантиришда солиқларнинг роли тўғрисидаги китобида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини рағбатлантириш ҳамда уларнинг дебитор ва кредитор қарзларини қисқартириш ва уларни фаоллигини ошириш орқали ундириш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий тавсиялар берган³⁹.

Фикримизча, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўлган қарздорликни дебиторлари ҳисобидан ундириш механизми амалиётда қўл келаётганлиги билан биргаликда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида иқтисодий муносабатларни солиқлар орқали тартибга солинишига эришилади.

Шу билан бирга, И.Жалонкина⁴⁰ томонидан Россия Федерацияси солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида гаров ва кафилликнинг қўлланилиши қарздорни солиқларни тўлаш мажбуриятини ўз вақтида ва лозим даражада бажаришга ундайди ва агар улар нотўғри бажарилган бўлса, солиқ органлари ўз талабларини гаровга қўйилган мол-мулк ҳисобидан ёки учинчи шахслар - кафиллар ҳисобидан қондирилиши тўғрисида тўхталиб ўтилган.

Шундай экан, амалиётда солиқ қарздорлигини тўлаш муддатларини кечиктириш ёки қарздорликни бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятларини инобатга олинадиган бўлса, солиқ мажбуриятини тўғри бажарилишини таъминловчи

³⁹ Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқларнинг роли – Т.: Фан ва технология. 2008. Б.204

⁴⁰ Жалонкина И. “Модернизация механизмов взыскания налоговой задолженности в Российской Федерации”. автореферат диссертации на и соискание ученой степени кандидата экономических наук 2012. С.16.

кўшимча кафолатлар киритилиши ҳисобланган солиқларни ўз вақтида тўланишига ва ниҳоят қарздорликни камайишига олиб келиши мумкин.

Бироқ, юқорида қайд этилган меъёрларни тўлиқ амалиётда ишлаб кетиши ўз навбатида солиқ соҳасида қўлланилиш мумкин бўлган гаров ва кафиллик тўғрисида фуқаролик қонунчилиги меъёрларини етарли эмаслиги сабаб бўлиши мумкин.

А.Смитнинг қуйидаги фикри ҳам солиқларнинг бюджетга ўз вақтида тушумини таъминлашнинг моҳиятини очиб беришга хизмат қилади: “ҳар қандай солиқ шундай ўйланиши ва ишлаб чиқилиши лозимки, унинг халқлар ҳамёнидан ундирилиши давлат хазинасига бориб тушиши лозим бўлган даражасига нисбатан, албатта, камроқ бўлиши керак”⁴¹.

Бизнинг фикримизча, бундай вазият вужудга келишининг бир неча сабаблари мавжуддир. Уларни қисқача тарзда қуйидагича ифодалашимиз мумкин:

- солиқни ундириш жуда кўп ходимларнинг меҳнатини талаб қилиб, ундирилган солиқ суммаларининг маълум бир қисми шу ходимларнинг иш ҳақи харажатларига сарф қилиниши мумкин;

- жорий этилаётган ва ундирилаётган солиқ аҳоли томонидан меҳнатнинг сарфланишини мураккаблаштириши, кўп кишиларни иш билан таъминлаш ва ҳаёт кечириш имконини берадиган фаолият тури билан шуғулланишга тўсқинлик қилиши мумкин. Солиқлар одамларни тўлашга мажбур этиб, бу солиқ уларга тегишли тўловларни амалга ошириш имконини бераётган айрим фондларнинг ҳажмини қисқартириши ёки уларни батамом йўқ қилиб юбориши ҳам мумкин;

- пухта ўйланмасдан жорий этилган солиқни ундириш билан боғлиқ бўлган ишлар бу солиқни тўлашдан бўйин товлаган шахсларнинг мол-мулкини мусодара қилишга ёки бошқа тегишли чораларнинг кўрилишига олиб келиши мумкин.

⁴¹ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.: Соцэкгиз, Т.2. -1935.С.343.

Бу борада инглиз файласуфи Ф.Бэконнинг “халқнинг розилиги билан ундириладиган солиқлар унинг мағрурлигини пасайтирмайди. Халқнинг розилиги билан ёки унинг розилигисиз йиғим ҳамён учун фарқсиз бўлиши мумкин, аммо халқ руҳиятига таъсири бир хил эмас”⁴² деган фикрлари замонавий талқинидан иккита хулоса чиқариш мумкин:

- тўловчилар розилиги билан жорий қилинган солиқлар уларнинг имкониятлари ҳисобга олинганлигидан далолат беради;

- тўловчиларнинг имкониятлари ҳисобга олинмаган ҳолда киритилган солиқлар уларни солиқдан қочишга мойил қилади.

Бундан ташқари, Ш.Тўраев ва А.Эгамбердиевлар томонидан қайд этиб ўтилган “солиқларни ундиришнинг зарурлиги”, “солиқларнинг ўз вақтида ундирилиши” ва “солиқларнинг ўз вақтида бюджет ихтиёрига ўтказилиши” билан боғлиқ бўлган жараёнларни алоҳида-алоҳида эмас, балки бир-бири билан узвий боғлиқликдаги жараён сифатида қарамоқ лозимдир деган фикрни илгари сурган.

Шунингдек, И.Ниязметов томонидан тайёрланган илмий мақоласида тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимининг такомиллашгани ва хўжалик субъектларини текширишлар сони камайгани уларнинг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун жавобгарликлар эркинлаштирилганлигини келтириб ўтган⁴³. Шу билан бирга солиқ юкини камайтириш бўйича қилинган ишларни келтириб ўтган.

Бундан шуни айтиш мумкинки, солиқ юкининг камайиши, солиқ қарзининг пайдо бўлиши ва ўсишини олдини олиш ва бюджетга тўловлар бўйича тушумларнинг кўпайишини таъминлашга қаратилганлигини изоҳлаган.

О.Гайбуллаевнинг тадқиқотида жамланган бюджетдаги солиқ тушумларининг ЯИМга нисбатан улушининг камайиши давлат томонидан иқтисодий фискал тартибга солишнинг юмшатирилганлиги кўрсаткичи бўла

⁴² Бэкон Ф. “Политический биография” № 9. 1980. -С.22-24.

⁴³ Ниязметов И.М. Солиқ механизмини такомиллаштириш// Бозор, пул ва кредит. –Тошкент, 2005. №5-Б.35-38

олмайди. Чунки, бунда квазифискал солиқлар ҳамда тўланиши лозим бўлгани ҳолда, тўланмаган солиқлар ҳисобга олинмайди деган фикрларни илгари сурган⁴⁴.

О.Иминов томонидан ўтказилган тадқиқотда “давлат энг аввало, солиқ юкини ўз зиммасига олади, сўнгра эса ҳар бир солиқ тўловчининг жамиятдаги ўрнини эътиборга олиб, ўз улушини тақсимлаб беради” - деган фикрни илгари сурган⁴⁵.

И.Ниязметов монографиясида аксинча, давлат солиқларни императив тарзда мажбурийлик асосида киритиш орқали солиқ тўловчиларга солиқ тўлаш мажбуриятини юклайди. Бунда ҳеч қанақасига давлат солиқ юкини ўз зиммасига олмайди ҳамда ҳеч қайси маконда ва замонда давлат солиққа тортиш мақсадларида ҳар бир алоҳида солиқ тўловчининг жамиятдаги ўрнини эътиборга ололмайди. Боиси, бунинг амалда иложи йўқ деган фикрни илгари сурган⁴⁶.

Фикримизча, давлат томонидан мақсадли субсидиялар, солиқ имтиёзлари ва бошқа енгилликлар тақдим этиш йўли билан ёқилғи-энергетика комплекси тармоқлари узоқ йиллар давомида қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Ушбу мақсадларга ҳар йили Давлат бюджетидан катта миқдордаги маблағлар давлатнинг квазифискал харажатлари деб юритилувчи шаклда ажратилиб келиняпти.

Лекин жаҳон тажрибаси кўрсатишича, муайян тоифадаги корхоналарни доимий равишда дотация бериш орқали қўллаб-қувватлаш ҳамда нарх сиёсатини шакллантиришнинг бозор механизмларига тўғридан-тўғри аралашуви, уларнинг фаолияти самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади, пировардида шундай иқтисодий ва ижтимоий оқибатлар келиб чиқадики, бундан бутун жамият азият чекади.

⁴⁴ Гайбуллаев О.З. Солиқ юкини баҳолашни такомиллаштириш масалалари: и.ф.н илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Автореф.-Тошкент, 2004.-Б.11.

⁴⁵ Иминов О., Тўраев Ш. Солиқ сиёсатини оптималлаштириш масалалари// Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида солиқларнинг рағбатлантирувчилик ролини янада ошириш йўллари: Республика илмий-амалий конференция материаллари, Тошкент, 2014.-Б.42-44.

⁴⁶ Ниязметов И.М. Ўзбекистон солиқ тизими: муаммолар ва такомиллаштириш йўллари. Монография. – Тошкент: “Молия”, 2017. – Б.31.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсади қайсидир муайян тармоқ ёки компанияни қўллаб-қувватлаш эмас, балки бозор иқтисодиёти тамойилларини ҳисобга олиб рақобатдош нархлар асосида аҳоли ва иқтисодиётни талабини қондиришдан иборатдир.

Иқтисодиётни солиқлар воситасида тартибга солишнинг қуйидаги алоҳида жиҳатларини келтириш мумкин. Солиқ юки даражасининг иқтисодий фаолиққа тескари мутаносиблиги солиқлар воситасида иқтисодиётни тартибга солишда турли хил самарали механизмлардан фойдаланиш имконини беради.

Солиқ қарздорлигини бартараф этишда солиқ тўловчиларнинг солиқ маданиятини янада ошириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш, солиқларни имкон қадар унификациялаш қаторида солиқ тўловчиларнинг қонун билан белгилаб қўйилган мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида бажаришлари бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш баробарида таъсирчан солиқ назоратини ташкил этишни назарда тутувчи механизмларни жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

1.2. Солиқ қарздорлиги тушунчаси ва унинг моҳияти

Жаҳон иқтисодий ривожланишида солиқ соҳасида турли хил фикрлар мавжуд бўлиши билан бирга, солиқ маъмурчилиги ва уни талқин этиш хусусида ҳам турли хил фикрлар мавжуд. Иқтисодий адабиётларда солиқ маъмурчилигининг моҳиятини англаш бўйича бир-биридан фарқланувчи қарашлар мавжуд. Масалан, инглиз олимаси О.Ногинанинг фикрига кўра, солиқ маъмурчилиги солиқларни ундириш билан боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуидир. Бошқа бир гуруҳ иқтисодчилар, хусусан америкалик олим А.Тейт солиқ маъмурчилигини барча солиқларни минимал харажат қилиб максимал даражада йиғиб олишга қаратилган тадбирларнинг йиғиндиси сифатида қарайдилар.

Айрим мутахассислар солиқ маъмурчилигининг кўринишларидан бири солиқ органларининг ҳуқуқий муносабатлари билан боғлиқ фаолиятидир деб

ҳисоблайдилар. Умуман олганда, солиқ маъмурчилигини солиқ соҳасида ўзига хос бошқариш механизми сифатида ҳам қараш мумкин. Шу сабабли, солиқ маъмурчилигининг муҳим элементларидан бири солиқ назорати ҳисобланади. Ўз навбатида солиқ назорати солиқлар ва йиғимларни бюджетга ўз вақтида ва тўлиқ тушишини назорат қилишни аниқлатади.

Солиқларни ундириш – энг қадимги вазифалардан ва давлатчилик мавжудлигининг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Солиқлар таълим, кам таъминланганларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, муҳофаза салоҳиятини таъмилаш, инфратузилмани яратиш ва ривожлантиришни молиялаштиришнинг иқтисодий манбаси бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон давлатчилигининг таркиб топиши шароитида солиқларни ундиришнинг аҳамияти ниҳоятда юқори бўлди – ёш мустақил давлатнинг айнан шунга боғлиқ бўлиб қолган эди.

Мамлакатда давлат қурилиши, мустақил иқтисодий ва ижтимоий сиёсат олиб борилиши, ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун маблағ керак эди. Бу ўринда ўз ўзига таянишга тўғри келган–70 йилдан ортиқ ҳукмронлик қилган собиқ иттифоқ давлатининг бюджет маблағларини шакллантириш ва тақсимлаш тизими қулаган эди. Молиявий захираларга бўлган эҳтиёжни миллий манбалар ҳисобидан таъминлаш зарур бўлган. Маъмурий-режали бошқарув шароитида ҳозиргига ўхшаш солиқ тизими мавжуд бўлмаган.

Давлат хўжалик фаолиятини бошқаришнинг солиқ дастакларига муҳтожлик сезмаган. У барча асосий иқтисодий кўрсаткичлар иш ҳақи, ишлаб чиқариш ҳажмлари, нарх-наво, фойда даражасини қатъий назорат остига олган эди. Тармоқлар ва корхоналар бўйича ўрнатилган мажбурий тўловлар хўжалик механизмининг марказлаштирилган тизимига бириктирилган ва махсус вазифаларни бажариб келган эди.

Солиқ қонунчилигимиз бўйича солиқларни тўлаш мажбуриятини бажармаслик солиқ қарзини келтириб чиқарар экан. Умумий жиҳатдан олиб қаралса, солиқлар пайдо бўлиши биланок, солиқ қарзини ундириш муаммоси ҳам пайдо бўлган. Айрим олимларнинг фикрига кўра, солиқ тўловчиларнинг

солиқлар ва солиқ қарзини бир хил мазмунда тушуниши чалкашликларни юзага келтириб чиқаради. Ҳеч бир суд органи ёки солиқ органи солиқларни ундирмайди ёки олиб қўймайди. Фақатгина боқиманда (солиқ қарзи) ёки пеня жарималар ундирилади холос. Ҳар кимнинг ҳуқуқий онгига бунинг умумий жиҳатдан фарқини, яъни солиқлар тўланади, боқиманда (солиқ қарзи) ундирилади деган тушунчани сингдириш лозим. Ҳаттоки, боқиманда ҳам ундирилмай, балки ихтиёрий равишда тўланиши мумкин. Айнан шу хулоса нафақат қонунчиликда белгилаб қўйилса, балки фуқароларнинг ҳуқуқий онгида ҳам акс этсагина, солиқ тўловчилар учун солиқлар “эркинлик” белгиси сифатида намоён бўлади.⁴⁷

Солиқ қарзи тушунчасига иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан берилган таърифларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, А.Тангиркулов ва бошқаларнинг фикрига кўра, солиқ қарзи – солиқ қонунчилигида белгиланган муддатларда ва тўлиқ тўланмаган солиқ ва мажбурий тўловлар суммаларидир⁴⁸.

Айрим иқтисодий адабиётларда муаллифлар солиқ қарзини “умумий боқиманда (недоимка) сифатида қараса, бошқалар солиқлардан кредитор қарздорлик дея таърифлашади. Учинчи тоифа муаллифлар эса солиқ қарзини, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлик билан бирга ҳисоблашади. Бундан ташқари, юридик шахснинг солиқ қарзи бу – юридик шахс тан олган ёки суд томонидан қарор чиқарилган, қонунчиликда белгиланган муддатларда тўланмаган ва муддатида тўланмаганлиги учун ҳисобланиб тўланмаган пеня ва жарималар ҳисоби қўшилган суммага айтилади” деган фикрлар ҳам мавжуд.”⁴⁹.

Ҳозирги кунда боқиманда (недоимка) сўзи “бировнинг қарамоғида, боқимида (бўлмоқ)” маъносида ишлатилмоқда. Шу сабабли солиқ қонунчилигидан чиқариб ташланган. Асли арабча (боқий) ва форсча (монда)

⁴⁷ Соловьев В.А. О правовой природе налога. // «Журнал российского права», № 3, 2002. 76 с.

⁴⁸ Тангиркулов А. ва бошқалар. Солиқ ва мажбурий тўловлардан қарздорликни камайтириш. Ўқув қўлланма. – Т.: “Янги аср авлоди” нашриёти. 2010. Б.б.

⁴⁹ Пронин С. Б. Взыскание задолженностей по налогам с организаций -М. : Журн.» Горячая линия бухгалтера», 2006. 216 с.

унсурларидан иборат бу сўз “эски қарз, ундирилмаган солиқ” маъносида бўлиб, ўзбекча боқ (моқ) сўзига алоқаси йўқ⁵⁰.

Юридик шахс томонидан қаралса, иқтисодий моҳиятига кўра солиқ қарздорлигига – ҳисобланиб тўланмай қолган солиқлар ва мажбурий тўловларнинг барча суммаси киради. Чунки, юридик шахс ўз молиявий хўжалик фаолиятини бухгалтерия ҳисобига асосан юритади. Бухгалтерия ҳисобида солиқлар бўйича ҳисобларда қачон солиқ ҳисобланиб тўланмай турса, шу солиқ қарздорлиги ҳисобланади. Муддатида тўланмаганлиги учун пеня (устама жарима) ёки бошқа молиявий санкция суммалари солиқ қарзини ҳисобга олувчи ҳисобда акс эттирилсада, лекин давр харажатларида муддатида тўланмаган пеня, неустойка ва жарималар сифатида ҳисобга олиниб, юридик шахснинг тўғридан-тўғри зарарига боради. Ҳақиқатдан ҳам иқтисодий моҳиятига кўра, жарима ва молиявий санкциялар жазо тури ҳисобланади. Чунки ушбу жарима ёки молиявий санкцияни юзага келишига сабабчи, юридик шахс эмас балки, юридик шахснинг солиқ қонунчилигини бузган маълум бир масъул жисмоний шахсларидир. Қонунчиликда бу пеня ва молиявий санкциялар юридик шахс қарзи сифатида ҳисобга олиб келинмоқда.

Солиқ қарзи тушунчасини ўрганишда энг аввало қарз тушунчаси моҳиятини англаб етиш керак “Қарз–маълум муддат ўтгандан сўнг қайтариш шарти билан берилган ёки олинган нарса ҳамда бирор кимсанинг зиммасидаги вазифа, мажбурият, бурч” ҳисобланади.

Умуман олганда қарз – бу мажбуриятдир. Қарздорлик эса қарзларнинг йиғиндиси ёки бўлмаса мажбуриятлар йиғиндиси ҳисобланади. Қарздорлик тушунчаси замирида ётган мажбуриятнинг бажарилмаслиги эса шубҳасиз жавобгарликни келтириб чиқаради. Шу сабабли ҳам солиқ қарзи солиқ мажбурияти билан бевосита боғлиқ.

Мустақиллик қўлга киритилиши билан ўз солиқ тизимимизни шакллантириш ишлари бошланди. “Ўзбекистон Республикасининг давлат

⁵⁰ Қораев С. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси. 2006 йил 3-сон.

мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасида “Республика худудида олинадиган солиқлар ва йиғимлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ва маҳаллий бюджетларга тушиши” белгиланган⁵¹.

Жуда қисқа давр ичида иккита вазифани бирданига бажаришга тўғри келган. Биринчидан навқирон давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитларига мос келувчи солиқ тизимини шакллантириш, зарур ҳуқуқий иқтисодий ва сиёсий шароитларга мос келувчи солиқ тизимини шакллантириш, зарур ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш. Иккинчидан, солиқ маъмурчилигининг тегишли тизимини яратиш.

Мустақил Ўзбекистоннинг сал кам ўттиз йиллик илдам ривожланиши солиқ тизими давр синовлари муваффақиятли ўта олганлигини кўрсатади. Мустақил давлатни таркиб топтириш ва ривожлантиришнинг барча босқичларида солиқ тизими бюджетга зарур маблағларнинг келиб тушиши, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг таъминланиши бўйича олдида турган вазифаларни муваффақият билан ҳал қилиб келган. Миллий солиқ тизимининг ривожланишида учта асосий босқични ажратиб кўрсатса бўлади.

Солиқларни пайдо бўлиши билан ҳар доим солиқ қарзларни ҳосил қилинишига, яъни қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган пул маблағларини тўлиқ олинмаслигида ифодаланган.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида солиқ тизими шаклланди, Ўзбекистон Республикасида солиқ соҳасидаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар тизимлаштирилиб, Солиқ кодекси қабул қилинди, солиқларни бошқаришнинг замонавий методлари ва механизмлари жорий этилди, солиқ органлари ва солиқ назоратининг яхлит тизими яратилди.

Шу сабабли солиқ қарзларини бартараф этиш йўлларини такомиллаштиришга эътибор бериш давлат солиқ хизмати органларининг муҳим вазифаси сифатида белгилаб қўйилган.

⁵¹ Lex.uz расмий интернет сайти манбасидан олинган.

Солиқларнинг тўғри ҳисобланиши ва тўлиқ ундирилиши хўжалик юритувчи субъектларга қулай шарт-шароит яратиш ҳамда улар манфаатини қонуний ҳимоя қилиш учун ҳам хизмат қилади.

Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишлари⁵²:

иқтисодиётга солиқ юкининг даражасини камайтириш, шунингдек, солиқ солишнинг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизими бўйича солиқларни тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги солиқ юки даражасидаги номутаносибликларни бартараф этиш;

солиқларни унификация қилиш орқали уларнинг сонини оптималлаштириш, шунингдек, ўхшаш солиқ солиш базасига эга бўлган солиқларни бирлаштириш, солиқ ҳисоботларини қисқартириш ва соддалаштириш, давлат бюджети ва унинг даромадларини шакллантиришнинг мустаҳкамлигини таъминлаш;

солиқ қонунчилигини соддалаштириш, солиқ муносабатлари соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни бартараф этиш, инсофли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш;

солиқ солиш масалаларини тартибга соладиган ҳаволаки нормалар ва қонун ости ҳужжатларини максимал даражада чеклаган ҳолда, солиқ қонунчилигининг барқарорлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси нормаларининг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш, шу жумладан кодексда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларининг миқдорларини белгилаш;

солиқ назоратининг шакл ва механизмларини, шу жумладан, солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ тўловчиларни янада тўлиқ қамраб олиш ва ҳисобини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига такомиллаштириш, трансфер

⁵² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2018 й. www.lex.uz.

нархларни шакллантириш билан боғлиқ операцияларга солиқ солиш тартибини жорий этишдан иборатдир.

Юқорида қайд этилган йўналишлар солиқлар ва йиғимларнинг маъмуриятчилиги механизмларининг соддалаштириш оқибатида уларни йиғилувчанлик даражаси оширишга қаратилган. Солиқ йиғилувчанлик тушунчаси тухталадиган бўлсак, маълум бир муддат давомида ҳисобланган солиқларни ўз вақтида тўлиқ тўланиши тушунилади.

Солиқ тўловчи қонунчиликда белгиланган ўз мажбуриятларини бажармас экан, яъни ўз вақтида давлат рўйхатидан ўтган ҳолда фаолиятига оид солиқ ва мажбурий тўловларни тўғри ҳисобланиши ва ҳисобланган солиқларни ўз вақтида тўланмаслиги солиқ қарзини келтириб чиқаради.

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш орқали мажбуриятнинг бажарилиши жараёнида давлатга бирор наф келтириш сифатида баҳоланади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига “Солиқ тўловчининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келадиган мажбурияти солиқ мажбурияти” деб эътироф этилади.

Шунингдек, солиқ кодексига келтирилган солиқ қарзи тушунчаси – солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммаси, шу жумладан Солиқ кодексига белгиланган муддатида тўланмаган молиявий санкциялардан иборатлиги белгиланган⁵³.


Замон талабларидан келиб чиқадиган бўлсак, солиқ қарзларни қисқартиришнинг энг замонавий усули бу солиқларнинг йиғилувчанлик даражасини оширишга бориб тақалади. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда ҳисобланган солиқларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилиши муҳим аҳамият касб этади.

Турли тузилмалар ва ижро ҳокимияти органлари томонидан “солиқ бўйича қарздорлик” ва “солиқ қарзи” тушунчаларининг турлича талқин қилинишини таъкидлаш муҳимдир. Давлат солиқ хизмати органлари мутахассислари “қарздорлик” тушунчасини қарздорларнинг бюджет

⁵³ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 22-моддаси 2018. Lex.uz. интернет манбасидан олинган.

олдидаги бажарилмаган мажбуриятлари, шу жумладан, ҳисоб-китоб чоралари кўрилмаган солиқ ва унга нисбатан ҳисобланган жарималар, шунингдек “қарзлар” тушунчаси - қарздорлик бўйича ҳисоб-китоб чоралари кўрилган қарзлар, шунингдек солиқ ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарималар.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида солиқ тизими ва солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар ва янгиликларни тўлароқ етказиб бериш талабларидан келиб чиққан ҳолда амалдаги солиқ тизимини таҳлил қилиб, уни янада соддалаштириш, солиққа тортишнинг самарали тартибларини амалиётга татбиқ этиш давлат солиқ хизмати органларининг солиқ тўловчи юридик шахслар олдидаги муҳим вазифалари жумласига киради. Солиқ қарздорлиги хусусияти жиҳатидан қуйидагича таснифлаш мумкин (1.2-расм):



1.2-расм. Солиқ қарздорлигини таснифланиши⁵⁴

Одатий (табиий) солиқ қарздорлиги хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида товар ва хизматлар олди-сотди тизимининг камчиликлари натижасида юзага келиб, бунда ўзаро ҳисоб-китобларда маблағлар узлуксиз эмас, балки маълум бир интервал давомида айланади. Бунинг натижасида солиқ қарзини қоплашда қисқа даврли молиявий қийинчиликлар юзага келиши мумкин. Бундай турдаги солиқ қарздорлиги қисқа муддат ичида

⁵⁴ Олгов К.М. Налоговая задолженность: повышение эффективности администрирования. Журнал «Известия Российского государственного педагогического университета им. А.И. Герцена» 2005. Б 25-27.

солиқ тўловчилар томонидан тўлаб берилади ёки солиқ органи томонидан осон ундириб олинади.

Ассосиз (сабабсиз) солиқ қарздорлиги бу солиқ тўловчилар томонидан қасддан, била туриб тўлов интизомини бузиши натижасида юзага келган қарздорлик ҳисобланади.

Тўлов муддати узайтирилган солиқ қарздорлиги бу хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ ва тўловлардан ҳамда ҳисобланган пеня ва жарималардан қарздорликларини (қонун ва қонун ости меъёрий ҳужжатлар асосида махсус ваколатли органлар томонидан) тўлов муддати узайтирилган қисмидир.

Ундирув учун тўхтатилган (банд солинган) солиқ қарздорлиги бу солиқ қарзини ундириш бўйича ташқи бошқарувнинг таъминланиши ёки ундирув органлари (солиқ ва суд ижро) орқали ва бошқа қарорлар билан тақиқ орқали банд солинган солиқ қарздорлигидир.

Тўлов муддати ўтган солиқ қарздорлиги бу солиқ тўловчилар томонидан қасддан солиқ мажбуриятларини бажармаслиги ва солиқ қарздорлигини узоқ муддат давомида тўламаслиги, кредит ташкилотларининг касса қоидаларига риоя қилмай тўлов ҳужжатларини

муддатида ижро этмаслиги, солиқ органларининг солиқ қарзини ундириш бўйича маълум даражадаги ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги оқибатида юзага келадиган қарздорликдир.

Умидсиз солиқ қарздорлигига маълум ҳолатлар, шарт-шароитлар туфайли (солиқ тўловчининг ўлими, белгиланган манзилда йўқлиги, бедарак йўқолганлиги, тўлов қобилияти йўқлиги учун тугатилган) умуман ундириш имкони йўқ қарздорликлар киради.

Солиқ қарздорлигини тури бўйича қуйидагича таснифлаш мумкин:

Аниқланган (тасдиқланган) солиқ қарздорлиги – солиқ тўловчи томонидан тасдиқланган ва солиқ органи томонидан асосланган ҳамда ҳужжатларда қайд этилган солиқ қарздорлигидир.

Яширин (тасдиқланмаган) солиқ қарздорлиги солиқ ва тўловларни тўлиқ ҳисобланмаслиги ёки тўланмаслиги ҳамда солиқ ҳисоботларида акс эттирилмаслиги оқибатида келиб чиқади. Бу қарздорликнинг келиб чиқишига яна бир сабаб қилиб, аксарият солиқ тўловчилар томонидан бюджетга тўланиши лозим бўлган маблағларни вақтинчалик айланма маблағларни тўлдириш (кредитлаш) орқали бошқа йўналишларга сарфланишини келтириш мумкин. Ушбу қарздорлик маълум вақт ўтиши билан қопланиши ҳам мумкин албатта.

Солиқлар ва мажбурий тўловларнинг ўз муддатида ва тўлиқ ҳажмда тушиши давлат миқёсида амалга оширилаётган барча чора-тадбирларнинг, яъни бюджет ва мақсадли жамғармаларнинг харажат қисмини ўз вақтида молиялаштиришга хизмат қилади.

Солиқлар бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг ўз функцияларини амалга оширишда асосий восита бўлиб ҳисобланади. Солиқларнинг ўз вақтида ва тўла ҳажмда ундирилиши мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва мудофаа кудратининг ошишини таъминлайди.

Ўз навбатида, ушбу маблағларнинг муддатида ва тўлиқ ҳажмда тегишли бюджет ва мақсадли жамғармаларга келиб тушмаслиги, давлатнинг маълум давр учун белгиланган харажатларини амалга оширишига тўсқинлик қилиши мумкин.

Корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятини янада такомиллаштириш, уларга келажакда маъқул келадиган ҳамда бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тушумларни кўпайтириш имконини берадиган механизмни яратиш, корхоналарнинг инвестицион жозибadorлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тушумларни оширишда унга бевосита таъсир этувчи дебитор ва кредитор қарзлари ҳисобига ҳосил бўлган солиқ қарзини қисқартириш йўллари асосланмирилган таклифларни топиш ва улар

фаолятини ривожлантириш бўйича амалий маслаҳатлар ва аниқ ечимлар ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири саналади.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида солиқ тизими ва солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар ва янгиликларни тўлароқ етказиб бериш талабларидан келиб чиққан ҳолда амалдаги солиқ тизимини таҳлил қилиб, уни янада соддалаштириш, солиққа тортишнинг самарали тартибларини амалиётга татбиқ этиш давлат солиқ хизмати органларининг солиқ тўловчи жисмоний ва юридик шахслар олдидаги муҳим вазифалари жумласига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев иқтисодиёт тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишнинг аниқ ҳисоби ҳанузгача мавжуд эмаслиги, давлат идоралари ўртасида электрон ҳамкорлик ва маълумот алмашуви йўлга қўйилмагани, солиқ, божхона назорати тизими етарлича тартибга солилмагани, қарздорликни ундириш тизими самарасизлиги, мазкур соҳада ўрнатилган жавобгарлик чоралари мансабдор шахслар ва фуқароларнинг тўлов интизомига сўзсиз риоя этиш борасидаги масъулятини ошириш учун етарли эмаслиги ушбу қарздорликлар келиб чиқишининг асл сабаблари ҳисобланишини айтиб ўтганлар⁵⁵.

Бу борада соҳибқирон Амир Темур бобомиз “Темур тузуклари” асаридан кўйидагича мисолларни “Амр этдимки, раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақлансинлар. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш (давлат) хазинасининг камбағаллашувига олиб келади.

Хазинанинг камайиб қолиши эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг кучсизланишига

⁵⁵ Мирзиёев Ш.М. Иқтисодиёт тармоқларида ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш, дебитор, кредитор ва бюджет олдидаги қарздорликларни камайтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар таҳлилига бағишланган йиғилиш. 2018 йил 17 апрель. uza.uz – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг расмий сайти.

олиб боради.” дея таъкидланган бўлиб, солиқларни ундиришдаги тартиб таомилларни амалга оширишда ҳам эҳтиёткорона ёндашилган.

Хусусан, “Амр қилдимки, ҳосил пишиб етилмасдан бурун раиятдан молу жиҳот олинмасин. Ҳосил етилишига қараб, солиқни учга бўлиб олсинлар. Агар раият солиқ тўпловчи бормасдан, солиқни ўзи келтириб берса, у ҳолда у ерга солиқ тўпловчи юбормасинлар. Агарда солиқчини юборишга мажбур бўлсалар, солиқларни буйруқ бериш ва яхши сўз билан олсинлар; калтак ишлатиб, ишни уриш-сўкишгача олиб бормасинлар. Уларни боғлаб, занжир билан кишанламасинлар” келтириш мумкин⁵⁶.

Бугунги кунда корхоналарнинг солиқ қарзларининг сурункали равишда ундирилмасдан қолаётганлиги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджет тушумларига ўзининг таъсирини кўрсатмоқда.

Замон талабларидан келиб чиқадиган бўлсак, солиқ қарзларни қисқартиришнинг энг замонавий усули бу солиқларнинг йиғувчанлик даражасини оширишга бориб тақалади. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда ҳисобланган солиқларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилиши муҳим аҳамият касб этади. Солиқ қарзларни қисқартириш орқали солиқ тушумларини ортиши ҳамда бюджет даромадларининг сезиларли даражада ўсиши мумкин.

Солиқ тўловчилар томонидан солиқлар ва мажбурий тўловларни ўз муддатида ва тўлиқ ҳажмда тўламасликлари натижасида қарздорлик юзага келади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни камайтириш ва ушбу қарздорликларни юзага келишини олдини олиш учун давлат солиқ хизмати идоралари ҳамда банк муассасаси ходимларидан етарли даражада оқилона иш ташкил этилиши, бу борадаги механизмларни илғор хориж тажрибасига таянган ҳолда такомиллаштириб бориш зарурати талаб этилади.

⁵⁶ Алихонтўра Соғуний ва Хабибулла Кароматов таржимаси, Бўрибой Аҳмедов ва Ашраф Аҳмедов томонидан тайёрланган “Темур тузуклари”, 143 б.

1.3. Юридик шахсларнинг солиқ қарздорлиги пайдо бўлиш сабаблари ва таснифланиши

XX асрнинг 90-йиллари бошларида Ўзбекистонда миллий солиқ тизимининг қонунчилик базаси жадал шакллана бошлади. Шунини таъкидлаш керакки, солиқ базаси муҳим, аммо ўзаро боғлиқ бўлмаган принциплар асосида қурилган бўлиб, устувор масала сифатида бюджетнинг манфаатларини ҳисобга олгани ҳолда солиқ тизимининг асосий йўналиши фискал эди. Бундан ташқари, солиқ қонунчилигини тез-тез ўзгартирилиши одатий ҳол бўлиб, солиқларни тўлашдан бўйин товлашга ва хуфиёна иқтисодиётнинг ўсишига олиб келди.

Солиқларни тизимлаштиришда, солиқ имтиёзларини соддалаштиришда ва солиқларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини минималлаштиришда солиқ қонунчилигига бўлган ёндашувларни тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлиги аён бўлади.

2000 йилнинг бошидан солиқ соҳасида мамлакат сиёсатидаги институционал ислохотларга мослаштирилган солиқ соҳасида сифатли ўзгаришлар рўй берди. Ушбу ўзгаришларнинг стратегик йўналиши бутун солиқ тизимининг самарадорлигини ошириш мақсадига йўналтирилган бўлиб, бу солиқ юкининг изчил пасайиши ва солиқ маъмуриятчилигининг самарали тизимини шакллантиришни назарда тутди.

Юридик шахсларнинг солиқ қарздорлиги, маълум давр оралиғидаги таъсир этиш даражасига боғлиқ равишда, бир қанча сабаблар туфайли юзага келади. Шунга кўра солиқ қарздорлигини юзага келиш сабабини таҳлил қилиш нафақат солиқ қарзини ўсиш суръатларини таснифлашга балки, уларни бартараф этиш учун чора-тадбирларни белгилашга имкон яратади. Албатта ушбу чора-тадбирлар натижаси солиқ қарздорлигини батамом тугатишга олиб келмасда, бироқ айнан шу чора-тадбирлар билан солиқ қарздорлигини ундирувчи органларнинг ҳатти-ҳаракатлари уйғунлиги остида солиқ қарздорлигини маълум даражада қисқартириш имконияти юзага келиши мумкин.

Хорижлик айрим олимларнинг фикрича қуйидаги омиллар таъсири остида солиқ қарздорлиги пайдо бўлиши мумкин⁵⁷:

- ижтимоий-сиёсий ва тарихий – бу ҳолат айрим гуруҳлар ёки ҳудудларда сиёсий бошқарувга норозиликларни пайдо бўлиши, солиқ маданиятининг пастлиги ва бошқа ижтимоий ҳолатлар билан изоҳланади;

- ташкилий-ҳуқуқий – бу ҳолат солиқ маъмурчилиги ва ҳуқуқий базанинг такомиллашмаганлиги, солиқ юқини оғирлиги ёки бир хилда тақсимланмаганлиги билан изоҳланади;

- иқтисодий – бу ҳолат умумий жиҳатдан иқтисодий ҳолатдаги ўзгариш билан изоҳланади.

Бу асосан 2 гуруҳга бўлинади:

Биринчи гуруҳ – умумий иқтисодиётдаги тизимнинг беқарорлиги. Етарли даражадаги пул массасининг йўқлиги, инфляция даражасининг юқорилиги, ишлаб чиқаришнинг пасайиши, харид қобилиятининг пасайиши билан изоҳланади;

Иккинчи гуруҳ – ўзига хос хусусиятга эга бўлган ишлаб чиқариш ва товарлар олди-сотдисига боғлиқ бўлган ҳолатлар ҳамда фақат айрим хўжалик юритувчи субъектларга тааллуқли бўлган техник-ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолатлар.

Хориж олимларининг фикри бўйича юридик шахсларнинг солиқ қарздорлигини пайдо бўлишини уч гуруҳга бўлиб ўрганиш лозим. Бунда, биринчи навбатга иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий характердаги ва маъмурий руҳий сабабларни келтирилган (1.3-расм).

⁵⁷ Подколзин А.Г. журнал «Российское предпринимательство» №2 (74) 2006 г. Б.52-55.



1.3-расм. Солиқ қарздорлигининг пайдо бўлишига сабаблар⁵⁸

Биринчи навбатда иқтисодий характердаги сабабларга алоҳида эътибор қаратсак. Бу гуруҳга 3 турдаги (1.4-расм) сабабни киритиш мумкин.



1.4-расм. Иқтисодий характернинг турлари⁵⁹

Макроиқтисодий сабаблар жумласига мамлакат иқтисодиётини беқарорлиги (инқироз), мамлакат ва унинг ичидаги ҳудудларнинг даромад олиш бўйича иқтисодий соҳаларини бир хилда ривожланмаслиги, аксарият юридик шахсларнинг ишлаб чиқаришдаги рентабеллик даражасини тушиб кетиши натижасида солиқ ва тўловларни тўлай олмаслиги, оғир молиявий ҳолатнинг юзага келиши, умумий тўлов интизомини қониқарсиз даражада эканлигини келтириш мумкин.

⁵⁸ Пронин С.Б., Пронин М.С. Взыскание задолженностей по налогам с организаций. // Тематический спецвыпуск журнала «Горячая линия бухгалтера». – 2006 г. Б. 26

⁵⁹ Пронин С.Б., Пронин М.С. Взыскание задолженностей по налогам с организаций. // Тематический спецвыпуск журнала «Горячая линия бухгалтера». – 2006 г. Б. 33

Ички (тармоқ) соҳавий сабабларга иқтисодийнинг етакчи соҳаларида янги инновацион сиёсатни юритилмаслигини келтириш мумкин. Бунинг натижасида эса шу соҳадаги ишлаб чиқариш янги жиҳозлар билан модернизация қилинмай қолади ва ишлаб чиқарилаётган товар (иш ва хизматлар) бозорда ўз ўрни хамда харидорларини йўқотади. Шу сабабли ушбу соҳа инқирозга юз тутди ва ҳисобланган солиқларни тўлай олмаслиги қарздорликни келиб чиқишига сабаб бўлади.

Микроиқтисодий сабабларга юридик шахсларни бошқаришда ички раҳбарликни қониқарсизлиги, маркетингни яхши ўзлаштирмаслик, ҳамкорларни танлай билмаслик ва молия хўжалик фаолияти бўйича бухгалтерия хамда солиқ ҳисобининг паст даражада юритилиши, кучсиз молиявий назоратнинг ўрнатилганлигини келтириш мумкин. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнес субъектларининг иқтисодиётдаги ўрни юқори бўлиб бормоқда. Шу билан бирга улар томонидан фойдани максималлаштириш нуқтаи назаридан солиқ тўловларини режалаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Бунинг учун улар мустақил равишда солиқ базасини турли йўллар билан камайтиришни кўзламоқдалар. Албатта бу масалада маълум ҳақ эвазига “солиқ маслаҳати” ёки “аудитор” ташкилотлари хизматларидан фойдаланувчи, йирик айланма маблағига эга субъектлар хам топилади. Аксарият ҳолларда эса кичик бизнес субъектлари мустақил равишда бу ишларни амалга ошириб, натижада кўпол хатоликларга йўл қўяди. Йўл қўйилган хатоликлар солиқ текширувларида аниқланиб, уларга нисбатан қўшимча солиқлар ҳисобланиб, жарималар қўлланилади.

Ташкилий-ҳуқуқий характердаги сабабларни икки турга бўлиб ўрганилади. Ҳуқуқий базанинг мукамал эмаслиги натижасида солиқ қарзини мажбурий ундириш бўйича судларга киритиладиган даъволарнинг кўрмай қолдирилиши ёки қонунчиликдаги бошқа бўшлиқлар туфайли солиқ қарзини ундириш жараёнини тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Солиқ қарзини ундириш тузилмасини мукамаллашмаганлиги қуйидаги сифатлар билан изоҳлаш мумкин деб ўйлаймиз. Солиқ қарзини ундириш тузилмаси:

a) ташкилотларидаги ходимлар сонининг камлиги;

b) ташкилотларнинг қуйи тузилмалари, ҳудудлардаги бўлим ва ташкилотларидаги ходимларнинг билим ва касб маҳорати ҳамда меҳнат унумдорлигини пастлиги, меҳнат интизомига тўлиқ риоя этилмаслиги;

c) ташкилотларнинг ўзаро ҳал этилмаган муаммолари мавжудлиги;

d) техник ва технологик жиҳатдан яхши жиҳозланмаганлиги;

Ташкилий-ҳуқуқий характердаги сабабларнинг айрим кўринишлари

Республикамизнинг ўтган йиллардаги солиқ соҳасида юз берган кўплаб ўзгаришларида намоён бўлади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида давлат солиқ хизмати органлари томонидан юридик шахслар солиқ қарздорлигини банкдаги ҳисоб рақамларига инкассо топшириқномаси қўйиш орқали мажбурий ундириб олиш, мол-мулки хатлови орқали солиқ қарзини қоплаш механизмлари бевосита солиқ органлари томонидан амалга оширилган бўлса, бу жараён ҳам босқичма-босқич либераллаштирилиб ҳозирги кунда жаҳон андозаларига тенглаштирилиб борилмоқда.

Маънавий-руҳий характердаги сабаблар эса 2 турга бўлиб ўрганилади.

Солиқ маданиятининг пастлиги (йўқлиги). Жамиятдаги айрим юридик шахсларнинг раҳбар ва мансабдор шахсларининг фикрича, “солиқларни тўлиқ ҳамда ўз вақтида тўлаш” ва “муваффақиятли бизнес” тушунчалари бир бирига тескари ҳисобланади. Айнан шу турдаги солиқ тўловчилар солиқ органи томонидан текширилиб, уларга нисбатан қаттиқ жазо чоралари кўрилади ва жарималар қўлланилади.

Солиқ қарзини ундириш муқаррарлигини тушиниб етмаслик. Ўтказилган текширувлар натижасида қўлланилган жарима ва қўшимча ҳисобланган солиқлар, ёки бўлмаса, текширувгача бўлган муддатда яширилган, тўлашдан қочилган, муддатида тўланмаган солиқлар давлат бюджетига бир кун келиб ундириб олинishi муқаррардир. Юридик

шахсларга банкротлик аломатлари қўлланилган тақдирда ҳам субсидиар жавобгарлик чоралари мавжудлигини унутмаслик лозим бўлади.

Фикримизча, солиқ қарзини пайдо бўлиши – хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобланган солиқлари бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ўз вақтида тўланиши лозим бўлган пул маблағларининг муддатидан ўтиб тўланиши ёки умуман тўланмаслиги сабаб бўлади.

Солиқ қарздорликларининг пайдо бўлишининг энг асосий сабабларидан бири бу солиқ тўловчиларнинг молиявий аҳволи танглашишидир. Корхоналарнинг молиявий ҳолати ёмонлашувига эса юқори солиққа тортиш даражаси (солиқ юки) бевосита ҳамда билвосита таъсир қилади.


Бунга таъсир этувчи омил бўлиш мумкин улар қуйидагилар:

- ўзаро молиявий – хўжалик муносабатда бўлган хўжалик субъектлари томонидан тўлов интизомига риоя қилмаслик ва бунинг оқибатида дебиторлик, кредиторлик қарзларини ошиб кетиши;

- хўжалик субъектнинг маҳсулотига (бажарилган иш ва хизматларга) истеъмол талабининг кескин ўзгариши;

- ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (бажарилган иш ва хизматларнинг) сифати буюртмачини ёки бозорни талабига жавоб бермаслиги;

- солиқ тўловчи томонидан бюджет олдида солиқ қарзини вужудга келишининг энг асосий сабабларидан бири - корхонанинг молиявий ҳолатининг барқарор эмаслиги, шу жумладан дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ошиб боришидир.



1.5-расм. Солиқ қарздорлиги пайдо бўлиши сабаблари⁶⁰

Республикаимиз айрим олимлари фикрича, солиқ қарзларининг назарий жиҳатдан вужудга келиш 1.5-расмда келтирилган⁶¹. Мазкур келтирилган фикрларга албатта қўшилаемиз. Бироқ ҳар бир давлат ва жамиятнинг ўз тарихи, келиб чиқиши, стратегик жойлашган ўрни, менталитети, демографик таркиби ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Давлатдаги сиёсий беқарорликлар унинг иқтисодиётини издан чиқариши турган гап. Қолаверса, иқтисодиётнинг цикларида “иқтисодий тушиш” ёки инқироз даврида ҳам солиқ қарздорлигини ўсиш эҳтимоли катта бўлади.

Макро ва микро даражада бозордаги талаб ва таклифдаги ўзгаришлар ҳам солиқ қарздорлигини ўсиш ва камайишига кескин таъсир қилади. Бу эса кейинги кетма-кетликда валюта курсидаги ўзгаришлар ва тўлов тизимидаги юзага келадиган камчиликлар билан ҳам баҳоланади.

Тадбиркорлик фаолияти юритишни яхши билмаслик ва корпоратив солиқ менежментини тушунмаслик, тадбиркорлардаги уқувсизлик ва билимсизлик туфайли ҳам солиқ қарздорлиги пайдо бўлиши мумкин албатта.

Солиқ қонунчилигидаги ҳамда солиқларни ҳисоблаш ва ундириш механизмидаги бўшлиқларнинг мавжудлиги, солиқ маданияти паст бўлган солиқ тўловчилар учун ҳам анча қўл келади.

⁶⁰ Адабаиётлар, хориж тажрибаси ва амалий таҳлиллар асосида муаллиф томонидан тузилган.

⁶¹ Тангриқулов А, Хомма А, Тошматов Ш, Норқўзиев И, Розиков Н. Солиқ қарзи ва уни ундириш. Ўқув қўлланмаси. – Т.: ”Янги аср авлоди” нашриёти – 2010.(51-б)



1.6-расм. Солиқ қарздорлиги пайдо бўлиши сабаблари⁶²

Амалиётдан келиб чиқиб, фикримизча, Республикамиздаги юридик шахсларнинг солиқ қарздорлигини юзага келишини қуйидаги сабаблар билан боғлаш мумкин:

- солиқ ҳисоботини топшириб солиқ мажбуриятларини умуман бажарилмаслиги (хуфиёна фаолият ва бошқалар) натижасида;
- солиқ текширувлари натижасида қўшимча солиқ ҳисоблаш ёки молиявий жарималар қўллаш натижасида (хуфиёна корхона);
- солиқ мажбуриятларини кечиктириб бажарилиши натижасида;
- юқори турувчи ташкилотлар томонидан маблағлар ўз вақтида молиялаштирилмаслиги натижасида;
- фермер хўжаликларининг етказиб берган ҳосили бўйича тўловлар мавсумий амалга оширилиши натижасида.

⁶² Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари ва амалий таҳлиллар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Бу борада В.Иванов ва В.Выскребцевлар томонидан ўтказилган ўрганишлар шуни кўрсатадики, солиқ қарзини ҳосил бўлиши ва банкротлик аломатларини келтириб чиқарувчи омиллар бўлиб, корхона фаолиятдан қисқа муддатда юқори даромад олиш учун молиявий пул оқимларни бошқаришдаги хавфларнинг ошишига олиб келиши ҳисобланган. Бу ҳолатда, кўпинча тадбиркорлик субъектлари солиқ қонунларини бузишлари оқибатида солиқ қарзларини шакллантирилиши кузатилган⁶³.

Солиқ қарзи юзага келиш омиллар қуйидагилар:

- хўжалик юритувчи субъектлар хуфёна фаолият мақсадида ташкил этилганлиги;
- солиқ маданиятининг пастлиги ёки мажбуриятни тўлиқ билмаслик;
- корхонада ҳисобнинг сифатсизлиги ёки унинг масъул шахсларини етарли билим ва кўникмага эга эмаслиги (тажрибасизлиги);
- солиқ юқини оғирлиги ёки қасддан солиқ тўламаслик;
- корхонанинг дебитор ва кредитор қарздорликлари бўйича тўлов муддатини ўтиши ҳамда ҳисоб рақамда маблағнинг етарли эмаслиги;
- солиқ маъмуриятчилиги ҳамда солиқ қонунчилигидаги камчиликлар;
- бошқа Форс-мажор ҳолатлар ҳамда солиқ тўловчи (масъул шахс)нинг ҳаёти билан боғлиқ ўзгаришлар (касаллик, ўлим ва ҳ.к.)

Айниқса, муддати ўтган қарзлар ҳажмининг ортиб кетиши сотилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича ўзаро ҳисоб-китобига таъсир этибгина қолмай, макро даражада, яъни мамлакат иқтисодий барқарорлигига путур етказувчи омил эканлиги янада хавфлидир.

Шу сабабли ҳам бугунги кунда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни кескин камайтириш, айниқса юқорида қайд этилган микро даражадаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари суммасини қисқартириш орқали солиқ қарздорлигини камайтириш юзасидан кўплаб амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

⁶³ Иванов В.Н., Выскребцев В.А. Правовые основы антикризисного управления в предпринимательской деятельности. Практическое пособие. –М.: 1999. –С.16.

Бунга яққол мисол қилиб, жорий йил 17 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида иқтисодиёт тармоқларида ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш, дебитор, кредитор ва бюджет олдидаги қарздорликларни камайтириш бўйича кўрилаётган чоратadbирлар таҳлилига бағишлаб ўтказилган йиғилиш, мазкур соҳадаги қатор муаммоларни амалий ечимларини топишда янги бир босқичга чиққанлигини эътироф этиш мумкин⁶⁴. Йиғилишда давлатимиз раҳбари узоқ йиллардан бери ҳисоб-китоб тизимига эътибор қаратилмай келингани, иқтисодиёт тармоқларида пул оқимлари самарасиз бошқарилгани ва номутаносиб тақсимлангани оқибатида қарздорлик ҳолатлари кўпайиб кетганини таъкидлади.

Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқларида назорат ва ҳисобга олиш механизмларини янада такомиллаштириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, жавобгарликни кучайтириш, ижро иши юритишнинг самарадорлигини тубдан ошириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилаётганлиги айтиб ўтилди.

И.Ниязметов томонидан тайёрланган монографиясида макроиқтисодий солиқ юки кўрсаткичи орқали, айниқса солиқ йиғувчанлиги паст ва солиқ қарздорлиги муаммоси мавжуд мамлакатларда, алоҳида тадбиркорлик субъектлари зиммасига тушаётган солиқ юкига баҳо бериб бўлмаслигининг сабабларини гуруҳлашга ҳаракат қилган⁶⁵.

Бунда қуйидагиларни изоҳлаган:

Биринчидан, хўжалик тизимида ўзаро дебиторлик ва кредиторлик қарзлари мавжуд бўлган ҳамда бюджетга тўловлар интизоми бузилган шароитда хўжалик субъектларида ҳисоблаб чиқилган солиқларнинг бир қисми шу ҳисобот йилида тўланмасдан қарз сифатида кейинги даврларга ўтиш ҳолатлари кўп кузатилади. Бунда солиқ даври учун ҳисобланган

⁶⁴ www.uza.uz – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг расмий сайти манбасидан олинган.

⁶⁵ Ниязметов И.М. Солиқ юкини оптималлаштириш. –Тошкент, Молия. 2016. Б.27-28.

солиқларнинг жорий йилда ундирилган қисмигина шу ҳисобот даврида яратилган ЯИМга нисбатланади.

Иккинчидан, жорий йилдаги солиқ тушумларининг маълум бир қисми (i) олдинги ҳисобот йили учун ҳисоблаб чиқилган солиқларнинг тўлов муддати жорий йилда келадиган ва шу йили ундирилган қисми, (ii) аввалги йиллардан тўланмасдан келаётган солиқ қарзларининг шу йилда ундириб олинган қисми ҳисобига шаклланади.

Учинчидан, солиқ қонунчилигига кўра, солиқ тўловчилар 5 йиллик даъво муддати даврида ўз солиқларини бюджет фойдасига қайта ҳисоблаб чиқишлари мумкин, шунингдек солиқ идоралари томонидан олдинги йиллар бўйича ўтказилган текширувларда ҳам солиқлар қўшимча ҳисобланиши мумкин. Демак, ўтган даврлар бўйича қўшимча ҳисобланган суммаларнинг жорий йилда ундириб олинган қисми таркибан жорий йилдаги ЯИМга тааллуқли эмаслигини илгари сурган.


Солиқ ва мажбурий тўловларни тўлаш бўйича белгиланган муддатларнинг тиғизлиги, айрим солиқ турлари бўйича бўнак ва жорий тўловларнинг мавжудлиги корхона айланма маблағларининг бюджетга тез-тез олиб қўйилишига, корхона молиявий фаолиятига сезиларли халақит беришига, корхонанинг пеня тўлашига, унинг бюджет ва бошқа корхоналар олдида кредиторлик қарзи юзага келишига ва охир оқибат корхона молиявий хўжалик фаолиятининг издан чиқиб, боқимандалар юзага келишига сабаб бўлади.

Тадқиқот жараёнида солиқ қарздорлигини келиб чиқиш сабабларини ва уларни ундирилишининг назарий ёндашувлардан ҳамда амалиётда учраётган муаммолардан келиб чиқиб, солиқ қарздорлигини охириги беш йиллик ҳажмини ўзгариш тенденциялари ўрганиб чиқилди.

Республикамизнинг охириги ўн йил давомидаги ЯИМнинг ўсиши йиллик ўртача 5-8%ни, ЯИМга нисбатан умумий солиқ юки (солиқ ва мажбурий ажратмалар билан бирга) эса ўртача 20-22% ни ташкил этган.

Солиқ ва бошқа мажбурий тўлов қарздорликларининг мамлакат ЯИМга нисбатан таққосланганда, кўрсаткичларни йилдан-йилга пасайишини кузатиш мумкин.

Жумладан, 2014 йилда 4,8 фоизни, 2015 йилда 0,3 фоизли пунктга камайиб 4,5 фоизни, 2016 йилда 0,2 фоизли пунктга ортиб 4,7 фоизни, 2017 йилда 2,3 фоизли пунктга камайдани ҳолда 2,4 фоизни ва 2018 йилда 1,2 фоизни ташкил этиб, 2014 йилга нисбатан 4 баробарга камайганлигини 1.6-расмда кўриш мумкин. Шунингдек, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик тушумга нисбатан таққосланганда, бу борада ҳам кўрсаткичларни йилдан-йилга камайганлигини, масалан 2014 йилда 22,8 фоизни, 2015 йилда 16,2 фоизни, 2016 йилда бу кўрсаткич 1,6 фоизга ортиб 17,8 фоизни, 2017 йилда 13,3 фоизни ва 2018 йилда 9,9 фоизни ташкил этиб, 2014 йилга нисбатан 2,3 баробарга камайганлиги маълум бўлди (1.8-расм).




1.8-расм. Солиқ қарздорлигининг ЯИМдаги улуши динамикаси⁶⁶

Кўриб турганимиздек, республикадаги иқтисодиётнинг ўсиши солиқ қарздорлигини умумий иқтисодиётдаги улушини камайтириб бормоқда. Демак, макроиқтисодий ўзгаришлар солиқ қарзини пайдо бўлиши ва ўзгаришига таъсир этишидан далолат бермоқда.

⁶⁶ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси расмий сайтлари маълумотлари асосида тайёрланган.

Бунда, солиқ қарздорлигини мамлакат ЯИМга ва жами солиқлар бўйича тушумига нисбатан таъсири, қарздорликни солиқлар кесимида, мажбурий ундирилган солиқ қарздорликларни солиқ тушумдаги улушини, шунингдек солиқ қарздорликни ҳудудлар ва мониторингдаги вазирликлар таркибидаги корхоналар, вазирлиги бўлмаган корхона ва ташкилотлар, фермер хўжаликлари ва бошқа корхоналар кесимида ўрганишлар ўтказилди.

Республика бўйича солиқ қарздорлигини ва солиқ тушумлари динамикасини йиллар давомидаги шаклланиб борганлиги 1.9-расмда акс эттирилган. Бунда, солиқ тушумлари йилдан-йилга ўсиб бориш ва 2018 йилдаги кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 2 баробардан ортганлигини кўрсатса, солиқ қарздорлиги 2014-2016 йилларда ортгани ҳолда 2017-2018 йилларда солиқ қарздорлигининг камайиши кузатилган.



1.9-расм. Солиқ тушумлари ва солиқ қарздорлиги динамикаси⁶⁷, (млрд.сўм)


Агар солиқ қарздорлигининг кечилиши инobatга олинмайдиган бўлса, солиқ тушумлари билан мутаносиб равишда солиқ қарздорликни ортиб бориши кузатишимиз мумкин.

Фикримизча, бу борада олиб борилган ўрганишлар мамлакатда ўтказилаётган барча соҳалар каби иқтисодий-ижтимоий, шунингдек солиқ

⁶⁷ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

соҳасидаги ислоҳотлар билан бирга, айрим қўштирноқ ичидаги тадбиркорлик субъектларни томонидан солиқ юки оғирлиги баҳонасида қонунчилик билан белгилаб кўйилган ўз солиқ мажбуриятларини бажармасликлари ва охир оқибат хуфиёна фаолият юритишни афзал кўришлари билан боғлаш мумкин.

Республика бўйича солиқ қарздорлиги ўтган йилларга нисбатан ортиб борганлиги, жумладан 2014 йилда - 9,1 фоизга, 2015 йилда - 11 фоизга, 2016 йилда - 20,2 фоизга, 2017 йилда давлат солиқ органлари томонидан 56,4 фоизга 2018 йилда ўтган 2017 йилга нисбатан 16,5 фоизга камайтирилганлиги кузатилди (1.10-расм).



2013 йил = 100 фоиз.

1.10-расм. Солиқ қарзини ўтган даврларга нисбатан ўзгариши⁶⁸

Қарздорликнинг 2017 йилдан бошлаб кескин камайишига иккита омил сабаб бўлган. Биринчиси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг валюта соҳасини тартибга солишнинг бозор механизмларини жорий қилиш, республика экспорт салоҳиятини оширишни рағбатлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи ва ички бозордаги рақобатдошлигини ошириш, мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш

⁶⁸ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

мақсадида қабул қилинган 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли Фармони⁶⁹ асосан миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини белгилашда фақатгина бозор механизмларини қўллаш орқали субъектларнинг тўлов қобилияти ортганлиги бўлса, иккинчиси Ҳукумат даражасида солиқ қарздорлигини кечиш ёки давлат солиқ хизмати органлари томонидан даъво қилинган солиқ қарздорликларни ҳисобдан чиқарилиши ҳисобига камайган.

Солиқлар бўйича қарздорлик миқдорларининг ошиб кетиши давлат бюджети ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар молиявий фаолиятига салбий таъсири, шунингдек солиқларни тўлаш бўйича асосий қарздорлар гуруҳи таҳлил қилинди. Солиқ қарзларини ҳисобдан чиқариш тартиб-қоидалари маълум бир даражада солиқ тўловчиларга солиқларни тўлашдан бош тортишнинг турли схемаларини қўллаш имконини бериб, улар солиқ мажбуриятларини бажариш муддатини узайтиришни ва солиқ қарзини кўпайтиришни рағбатлантиради⁷⁰.

Бу амалиёт охир-оқибат рақобатнинг заифлашига ва солиқ қонунчилигини қатъий амалга оширишнинг афзалликларини йўқотилишига олиб келади.

Биринчи боб бўйича хулоса

1. Ўзбекистонда солиқ тўловчилар томонидан солиқларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини рағбатлантириш, солиқ қарзлари юзага келишини олдини олиш, мавжуд солиқ қарзларини кам харажат қилиб тўлиқ ундириб олиш орқали бюджетга тушумлар тушишини таъминлаш ҳамда солиқларнинг йиғилувчанлик даражасини ошириш тизимини такомиллаштириш масалаларида мавжуд муаммолар устида тадқиқотлар олиб бориш заруриятини белгилаб беради.

⁶⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5177-сон Фармони. www.lex.uz.

⁷⁰ Ғиёсов А.А. /Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича қарздорликларни келиб чиқиши таҳлили./“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2019 йил.

2. Бюджетга ҳисобланган солиқларнинг ўз вақтида тўлиқ ундирилишини республика ва маҳаллий ҳокимият органлари зиммасидаги ички ва ташқи мажбуриятларнинг бажарилишида муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабли солиқ қарзларини бартараф этиш йўлларини такомиллаштиришга эътибор бериш ДСХО муҳим вазифаси сифатида белгилаб қўйилган.

3. Солиқларнинг тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларга ўз мажбуриятларини бажаришга кафолатлар тарзида қулай шарт-шароит яратиш ҳамда улар манфаатини қонуний ҳимоя қилиш учун ҳам хизмат қилади.

4. Солиқ тушумларини оширишда унга бевосита таъсир этувчи корхоналар ўртасида дебитор ва кредитор қарзлар ҳисобига ҳосил бўлган солиқ қарзини қисқартириш йўлларини топиш ва уларга маъқул келадиган ҳамда фаолиятини ривожлантириш бўйича амалий маслаҳатлар ва аниқ ечимлар ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири саналади.

II. БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ ҚАРЗДОРЛИГИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Юридик шахсларнинг солиқ қарздорлигини камайтиришга оид ҳуқуқий асослари

Республикамизнинг солиқ қонунчилиги мустақилликка эришилган дастлабки даврлардан бошлаб такомиллашиб келмоқда. Солиқ қонунчилигида солиқ қарздорлигини ундиришга оид ҳуқуқий асослар бирданига эмас, аста-секинлик билан қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг бир қисми ёки элементи сифатида, айримларида термин сифатида шаклланиб ундан сўнг ягона ҳуқуқий база сифатида ташкил топди. Солиқ қарзини ундиришнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, кодекслари, Президентимиз фармон ва қарорлари, ҳукумат ва бошқа вазирликларнинг меъёрий ҳужжатларида ўз аксини топган.

Солиқларни ундиришнинг ҳуқуқий асосларини кўриб чиқишда албатта аввало Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги белгиланган меъёрларни эътироф этишимиз зарур. Хусусан, Конституциянинг 51-моддасида “Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурлиги” белгиланган⁷¹. Шунингдек, Конституциянинг 78-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш⁷², 100-моддасида эса Маҳаллий давлат ҳокимият органлари ихтиёрига маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш ваколати белгиланган⁷³. Бундан

⁷¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Иккинчи бўлим. Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, XI боб. Фуқароларнинг бурчлари, 51-модда. Lex.uz расмий интернет сайти манбасидан олинган.

⁷² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Бешинчи бўлим. Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши, XVIII боб. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, 78-модда. Lex.uz расмий интернет сайти манбасидан олинган.

⁷³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Бешинчи бўлим. Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши, XXI боб. Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари, 100-модда. Lex.uz расмий интернет сайти манбасидан олинган.

ташқари, Конституциянинг 123-моддасида солиқларни жорий қилишга фақат Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳақлилиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилиниши⁷⁴ алоҳида назарда тутилган. Бу каби нормалар шак-шубҳасиз солиқларни ундиришнинг асосий ҳуқуқий асослари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни билан белгиланган давлат солиқ хизмати органларининг ҳуқуқларидан бири, солиқ қарзини мажбурий ундириш юзасидан кўриладиган чоралар тўғрисида талабнома юбориш ваколати ҳисобланади⁷⁵. Ўз навбатида, солиқ органига қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ қарзи суммасини сўзсиз ундириши ҳамда ундирувни солиқ тўловчига унинг дебиторларидан ўтказилиши лозим бўлган суммага қаратиш мажбуриятлари ҳам юклатилган⁷⁶.

2001 йил 29 августда “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинган. Ушбу қонун билан солиқ органи томонидан қарздорнинг мол мулки ҳисобидан солиқ қарзини ундириш бўйича Иқтисодий судга киритилган ҳужжатларнинг кейинги босқичдаги мажбурий ундирув ижроси Суд ижро департаментига юклатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунида давлат солиқ хизмати органлари:

давлат солиқ хизмати органларининг маълумотлар базасида қарздор солиқ тўловчи тўғрисида мавжуд бўлган ахборотни Мажбурий ижро бюросининг ёзма сўровига кўра уч кунлик муддатда тақдим этиши;

⁷⁴ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Бешинчи бўлим. Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши, XXV боб. Молия ва кредит, 123-модда. Lex.uz расмий интернет сайти манбасидан олинган.

⁷⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати тўғрисида қонун. 5-моддасининг 12-банди. Lex.uz расмий интернет сайти манбасидан олинган.

⁷⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати тўғрисида қонун. 6-моддасининг 19-20 бандлари. Lex.uz расмий интернет сайти манбасидан олинган.

реализация қилинмаган мол-мулкнинг арзонлаштирилишида қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда иштирок этиши белгиланган⁷⁷.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда “Солиқ олинадиган фойдани ёки бошқа объектларни қасдан яшириш (камайтириб кўрсатиш) ёхуд солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан қасдан бўйин товлаш”⁷⁸ каби меъёрнинг белгиланганлиги солиқ қарзини вужудга келишини олдини олишда муҳим дастак бўлиб хизмат қилиниши ҳам таъкидлаб ўтишимиз зарур.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексда “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича боқимондаларни ундиришни ташкилотлар ва фуқароларнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида талаблар белгилаб қўйилган”⁷⁹.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексда “Фуқаролардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни ундириш тўғрисида талаб арз қилинган тақдирда Суд буйруғи чиқаришга сабаб бўлиши назарда тутилган”⁸⁰.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги 258-II-сонли Қонунининг 7-боб 65-моддасида қарздорнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан ушлаб қолинадиган суммалар миқдори солиқлар ушлаб қолингандан кейин қолган суммадан ҳисоблаб чиқарилиши

⁷⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги 258-II-сонли Қонуни. 2-Боб. Ижро иши юритишда иштирок этувчи шахслар, 21-модда. Суд ижрочиларининг давлат органлари, кредит ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлиги. 29.08.2001 йил.

⁷⁸ Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Иккинчи бўлим Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик, Махсус қисм, XIII боб. Савдо, тадбиркорлик ва молия соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик, 174-модда. Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш. Lex.uz

⁷⁹ Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси, II Бўлим. Биринчи инстанция хўжалик судида иш юритиш, 14-Боб. Суд буйруғи, 103-модда. Суд буйруғи бериш бўйича талаблар.

⁸⁰ Ўзбекистон республикасининг фуқаролик процессуал кодекси, 1-Кичик бўлим. Буйруқ тартибида иш юритиш 18-Боб. Суд буйруғи, 171-модда. Суд буйруғини бериш бўйича талаблар.

белгиланганлиги⁸¹ ҳам солиқларни ўз вақтида ундирилишида муҳим норма ҳисобланади.

Бундан ташқари, қуйидагилар солиқларни ундиришнинг ҳуқуқий асослари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 223-И-сонли Қонуни. *(солиқ қарзи ундирувини муассис, таъсисчилар мол-мулкига қаратишда);*

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрдаги “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги 310-И-сонли Қонуни *(солиқ қарзи ундирувини масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар таъсисчиларининг мол-мулкига қаратишда);*

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги 602-И-сонли Қонуни *(солиқ қарзи ундирувини фермер хўжалиги раҳбарининг мол-мулкига қаратишда);*

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Хусусий корхона тўғрисида”ги 558-И-сонли Қонуни *(солиқ қарзи ундирувини хусусий корхона, фирма раҳбарининг мол-мулкига қаратишда);*

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январдаги ЎРҚ-461-сон Қонуни билан тасдиқланган Иқтисодий процессуал кодекси *(юридик шахсларнинг солиқ қарзини мажбурий ундирувга қаратишда).*

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 18 майдаги 57-ҚБ-сон ва 2018 йил 21 майдаги 239-сон қўшма буйруғи *(қарздорларнинг солиқ қарзини мол-мулки ҳисобидан мажбурий ундиришда);*

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2011 йил 27 апрелдаги 10-сонли ва

⁸¹ Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги 258-И-сонли Қонуни. 29.08.2001 йил.

2011-15-сонли кўшма буйруғи (*солиқ мажбуриятни бажармаган солиқ тўловчиларга нисбатан чоралар кўришида*).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сонли Фармони билан тасдиқланган мамлакатимизнинг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясида кўрсатилган асосий йўналишлар Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган энг муҳим вазифаларнинг ҳуқуқий асослари бўлди⁸². Мазкур Фармонда дастлаб мамлакатимизда солиқ соҳасида бир маромда иқтисодий ўсишга, ишбилармонлик ва инвестициявий фаолликни оширишга, соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга, шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлиги зарурий даражасини таъминлашга тўсқинлик қилаётган тизимли муаммолар, жумладан, умумбелгиланган солиқларни тўловчилар учун солиқ юки даражасининг юқорилиги, шунингдек, солиқ солишнинг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизимида солиқларни тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги солиқ юки фарқининг сезиларли даражадалиги белгиланган.

Солиқ ва тўловларнинг ўз вақтида ҳамда тўлиқ ҳажмда келиб тушишини таъминлаш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, шу билан бирга юридик шахсларнинг бюджет олдидаги мажбуриятларини бажаришда уларнинг масъулиятини ошириш мақсадида 1996 йил 9 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-1504-сон Фармони⁸³ қабул қилинган.

Корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, етказиб берилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва хизматлар учун истеъмолчиларнинг ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишларини таъминлаш, халқ хўжалигида тўлов интизомининг аҳволи учун раҳбарларнинг масъулиятини

⁸² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сонли Фармони билан тасдиқланган.

⁸³ Lex.uz. расмий интернет сайти манбасидан олинган.

ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги “Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-1154-Фармони⁸⁴ қабул қилинган.

Умидсиз солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 24 октябрдаги “Умидсиз солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 307-сонли қарори⁸⁵ қабул қилинган.

Бундан ташқари, солиқларни ундиришнинг ҳуқуқий асослари таркибига Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунини⁸⁶ киритсак муболаға бўлмайди, чунки бу Қонун солиқ қарзни қисқартиришда муҳим ва зарур меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Мазкур Қонунга мувофиқ ҳамда корпоратив бошқарув сифатини яхшилаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий аҳволи барқарорлиги юзасидан уларнинг раҳбарлари ва мулкдорларининг масъулиятини ошириш, шунингдек сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келинган ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 14 августдаги “Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 224-сонли қарори⁸⁷ қабул қилинган.

Солиқларни ундиришнинг навбатдаги ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 9 октябрдаги 1724-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга пеня ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш

⁸⁴ Lex.uz. расмий интернет сайти манбасидан олинган.

⁸⁵ Lex.uz. расмий интернет сайти манбасидан олинган.

⁸⁶ Lex.uz. расмий интернет сайти манбасидан олинган.

⁸⁷ Lex.uz. расмий интернет сайти манбасидан олинган.

ҳақида”ги⁸⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг қарори ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида⁸⁹ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўтказишга доир тўлов топшириқномаларининг, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномаларининг банклар томонидан бажарилиши келтирилган бўлиб, бунда банклар:

солиқ тўловчининг солиқни ва (ёки) бошқа мажбурий тўловни ўтказишга доир тўлов топшириқномаларини, шунингдек тегишли ваколатли органнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қонун ҳужжатларида белгиланган навбат тартибида ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномаларини Солиқ кодексида белгиланган тартибда бажариши шартлиги;

солиқ тўловчининг ҳисобварағида пул маблағлари бўлган тақдирда, банклар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини ўтказиш тўлов топшириқномаларини ёки тегишли ваколатли органнинг уларни тегишли бюджетга ёки давлат мақсадли жамғармаларига ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномаларини бажаришни кечиктиришга ҳақли эмаслиги;

банкнинг айби билан солиқ тўловчининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини ўтказиш топшириқномаси, тегишли ваколатли органнинг уларни ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномаси бажарилмаган (бажарилиши кечиктирилган) тақдирда, банкдан ҳар бир кечиктирилган кун учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўтказилмаган суммасини 0,5 фоизи миқдорида белгиланган тартибда пеня ундирилиши белгиланган.

⁸⁸ Lex.uz. расмий интернет сайти манбасидан олинган.

⁸⁹ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 53-моддаси 2018. Lex.uz. расмий интернет сайти манбасидан олинган.

Солиқ кодексининг 9-бобида⁹⁰, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилган бўлиб, бунда:

солиқ мажбуриятларини бажариш муддатларини ўзгартириш ҳисобидан солиқ таътиллари тарзида берилади ва бунда солиқ тўловчига тўлаши керак бўлган тегишли солиқ тўловларини маълум бир муддат давомида камайтириш ва кейинчалик тўлаш имконияти тақдим этилиши;

солиқ қарзини бир йўла ёки босқичма-босқич тўлаган ҳолда тўлаш муддатини кейинроқ муддатга кўчириш тарзида берилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган томонидан охириг икки йил ичида солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажариб келган солиқ тўловчиларга вақтинчалик молиявий қийинчиликларга дуч келган инсофли солиқ тўловчиларга — солиқ таътили бериш тўғрисида тегишли қарор қабул қилинган кундан эътиборан йигирма тўрт ойгача ҳамда ягона солиқ тўловини тўловчиларга, бундан савдо ва умумий овқатланиш корхоналари мустасно, ягона солиқ тўловини тўлаш бўйича давлат рўйхатидан ўтган пайтдан эътиборан бир йилгача бўлган муддатга берилиши белгиланган.

Бундан ташқари, Солиқ кодексининг 11-бобида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятларини бажариш тартиблари ўз аксини топган⁹¹. Солиқ қарзини сўндириш босқичларини 2.1-расмда кўришимиз мумкин.

⁹⁰ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 9-боби 2018. Lex.uz. расмий интернет сайти манбасидан олинган

⁹¹ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 11-боби 2018. Lex.uz расмий интернет сайти манбасидан олинган.



2.1-Расм. Қарздорликни мажбурий ундириш босқичлари⁹²

Юридик шахслар, шунингдек тадбиркорлик фаолиятига доир қисм бўйича яқка тартибдаги тадбиркорларга - солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддати тугаганидан кейин уч иш кунидан кечиктирмасдан давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ қарзини тўлаш тўғрисидаги огоҳлантириш талабномаси юборилади.

Ўз навбатида давлат солиқ хизмати органи солиқ қарзи пайдо бўлган куннинг ўзида солиқ тўловчига солиқ қарзини узиши тўғрисидаги талабномани ёзиб бериши шарт.

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома солиқ тўловчига ёки унинг вакилига бу талабномани солиқ тўловчи олганлигини ва талабнома олинган санани тасдиқловчи усулда топширилиши лозим.

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома почта орқали буюртма хат билан юборилган тақдирда, у буюртма хат почта жўнатмаси топширилганлиги тўғрисидаги билдириш бланкасида кўрсатилган санада олинган деб ҳисобланади.

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабноманинг шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланиб, ёзма шаклда,

⁹² Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 11-боби 2018. Lex.uz расмий интернет сайти манбасидан олинган.

шу жумладан электрон шаклда расмийлаштирилади ва унда қуйидагилар кўрсатилиши керак⁹³:

1) солиқ тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми ёки тўлиқ номи; 2) солиқ тўловчининг идентификация рақами; 3) талабнома тузилган сана; 4) талабномани юбориш вақтида ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, пеня, жарималар бўйича қарз суммаси; 5) талабнома олинганидан сўнг солиқ мажбурияти бажарилмаган тақдирда қўлланиладиган мажбурий ундириш чоралари ва муддатлари; 6) дебиторлар билан ўзаро ҳисоб-китоблар солиштирма далолатномасини тақдим этиш тўғрисидаги кўрсатма.

Солиқ тўловчида солиқ тўловчининг шахсий кабинети мавжуд бўлган тақдирда, солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома унга солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилиши мумкин.

Талабнома солиқ тўловчи юридик шахс томонидан олинган кундан эътиборан уч кун ичида солиқ қарзи узилиши лозим, агар узилмаган тақдирда давлат солиқ хизмати органлари қуйидаги тартибда солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақларидан солиқ қарзини сўзсиз ундириш чораларини қўллаиди⁹⁴:

солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақларидан солиқ қарзини сўзсиз ундириш - солиқ қарзи суммасини ўтказиш тўғрисидаги инкассо топшириқномалари солиқ тўловчининг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатаётган банкка давлат солиқ хизмати органининг солиқ қарзи суммасини тегишли бюджетга ёки давлат мақсадли жамғармасига ўтказиш тўғрисидаги инкассо топшириқномасини солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддати туганидан кейин уч иш кунидан кечиктирмай тақдим этиш орқали амалга оширилади;

инкассо топшириқномаси тўлиқ ёки қисман бажарилмаган тақдирда, инкассо топшириқномаси олинган кундан эътиборан уч кунлик муддатда

⁹³ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 60-моддаси 2018. Lex.uz расмий интернет сайти манбасидан олинган.

⁹⁴ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 63-моддаси 2018. Lex.uz расмий интернет сайти манбасидан олинган.

унинг нусхаси банкнинг белгиси қўйилиб, давлат солиқ хизмати органига ва солиқ тўловчига юборилади;

агар инкассо топшириқномасини тақдим этиш пайтида солиқ тўловчи солиқ қарзининг суммасини ўтказиш учун тўлов топшириқномасини банкка топширган бўлса, банк тақдим этилган инкассо топшириқномасини солиқ тўловчининг тўлов топшириқномаси нусхасини илова қилган ҳолда давлат солиқ хизмати органига қайтаради;

солиқ қарзи суммасини ундириш солиқ тўловчининг барча банк ҳисобварақларида турган пул маблағларидан амалга оширилади, қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувга қаратиш мумкин бўлмаган ҳисобварақлар бундан мустасно.

Талабнома юридик шахс томонидан олинган кундан эътиборан ўн кун ичида юридик шахс солиқ қарзини узмаса ва юқорида назарда тутилган чораларни қўллаш натижасида солиқ қарзи узилмай қолса, давлат солиқ хизмати органлари ундирувни қуйидагича солиқ тўловчига унинг дебиторлари ўтказиши лозим бўлган суммаларга қаратади⁹⁵.

Бунда, қарздорнинг дебиторига инкассо топшириқномаси қўйиш орқали белгиланган муддат ичида солиқ қарзини узмаган юридик шахслар давлат солиқ хизмати органларига дебиторлар билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаларини ёхуд тўлов муддати ўтган дебиторлик қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида ёзма билдириш тақдим этиши шартлиги белгиланди. Демак:

- солиқ тўловчи дебитор билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасини тақдим этган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари ундирувни солиқ тўловчига унинг дебиторларидан ўтказилиши лозим бўлган суммага қаратади;

- дебиторлар ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаларига имзо қўйишни асоссиз рад этган тақдирда, солиқ тўловчи бир

⁹⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонунига асосан Солиқ кодекси б1-моддасининг биринчи қисмига киритилган ўзгартиришга мувофиқ. Lex.uz расмий интернет сайти манбасидан олинган.

томонлама имзоланган солиштирма далолатномаларни дебиторлик қарзи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиш ҳуқуқига эга;

- солиқ тўловчи бир томонлама имзоланган ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасини тақдим этган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчининг дебиторига унинг кредиторлик қарзи борлиги ҳақида имзолаш учун солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиштирма далолатномани ва кредиторлик қарзи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини илова қилган ҳолда ёзма билдириш юборади;

- солиқ тўловчининг дебитори ёзма билдириш олинган кундан эътиборан уч кунлик муддатда ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасини имзолаш ёки солиштирма далолатномада кўрсатилган қарзнинг мавжуд эмаслигини асослаган ҳолда рад жавобини тақдим этиши шарт. Агар солиқ тўловчининг дебитори томонидан тан олинган қарз суммаси солиштирма далолатномада кўрсатилганидан фарқ қилса, дебитор худди шу муддатда давлат солиқ хизмати органига ўзи тан олган суммани кўрсатган солиштирма далолатномани тақдим этиши шарт;

- солиқ тўловчи билан унинг дебитори ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасида Солиқ кодексининг 64-моддасида кўрсатилган маълумотлар бўлиши керак;

- солиқ тўловчи ва унинг дебитори ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома давлат солиқ хизмати органи томонидан юборилган санадан кейин келадиган санада тузилган бўлиши лозим;

- давлат солиқ хизмати органи ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси асосида дебиторларнинг банк ҳисобварақларига солиқ тўловчининг солиқ қарзи суммасини солиқ тўловчи олдидаги қарздан ошмайдиган миқдорда ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномасини тақдим этади.

Солиқ тўловчи томонидан бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлаш учун тўлов топшириқномасини хизмат кўрсатаётган банкка тақдим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим этмаслик, - мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, шунингдек ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, - мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади⁹⁶.

Солиқларнинг тўлаш муддатларини бузиш билан боғлиқ солиққа оид ҳуқуқбузарликни аниқлаш ва уларга барҳам бериш давлат солиқ хизмати томонидан солиқ назоратининг бюджет ва мақсадли жамғармаларига тушумларни ҳисобга олиш шаклида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан Солиқ кодекси⁹⁷га солиқ қарздорлигига солиқ органи томонидан ҳисобланадиган пеня ҳисоблаш тартиби ўзгартирилди. Бунда, тўловнинг белгиланган муддатидан кейинги кундан эътиборан муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун, тўлов куни ҳам шунга киради, пеня ҳисоблашга сабаб бўлиши белгиланди. Бунда бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ортиқча тўланган суммага тенг бўлган қарз суммасига пеня ҳисобланмайди. Пеня миқдори тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммасидан ошиб кетиши мумкин эмас. Пеня ундирилиши солиқ тўловчини солиқ мажбуриятларини бажаришдан озод қилинмаслиги белгиланган.

Кейинги босқичда ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш давлат солиқ хизмати органининг даъво аризаси асосида суд тартибида

⁹⁶ Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175-моддаси. Lex.uz расмий интернет сайти манбасидан олинган.

⁹⁷ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 120-моддаси. 2018. Lex.uz расмий интернет сайти манбасидан олинган.

амалга оширилади⁹⁸. Бунда, ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги даъво аризаси ёзма шаклда, шу жумладан электрон шаклда расмийлаштирилади, унда солиқ қарздорлиги ҳосил бўлган солиқ даври кўрсатилади ва солиқ тўловчи солиқ ҳисобига қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан имзоланади. Даъво аризасига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

солиқ қарзи борлиги тўғрисида солиқ тўловчининг мавжуд шахсий карточкаларидан кўчирма;

тўлов топшириқномалари, тўлов талабномалари ва инкассо топшириқномалари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома.

Ундирувни суд ҳужжатлари асосида солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат ижрочилари томонидан амалга оширилади. Солиқ қарзини ундириш учун давлат ижрочилари томонидан инкассо топшириқномалари қўйилаётганда давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ қарзининг шунга ўхшаш суммасига қўйилган инкассо топшириқномаларининг ижроси бекор қилинади⁹⁹.

Бироқ, суд ижроқиласи томонидан ижро ҳужжати мажбурий ижро этиш чоралари қўлланилганда қарздордан қуйидаги миқдорларда ижро йиғими ундирилиши белгиланган¹⁰⁰:

мулкий характерга эга бўлган ижро ҳужжатлари бўйича – жисмоний шахсдан ундирилаётган сумманинг 1 фоизи миқдорида, юридик шахсдан 2 фоизи миқдорида (мажбурий ижро ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида мол-мулк ундирувчига топширилган тақдирда – ушбу мол-мулкнинг қийматидан келиб чиққан ҳолда);

⁹⁸ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 65-моддаси. 2018. Lex.uz расмий интернет сайти манбасидан олинган.

⁹⁹ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 65-моддаси. 2018. Lex.uz расмий интернет сайти манбасидан олинган.

¹⁰⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 ноябрдаги ПҚ-722-сонли қарори 1-илоvasи “Ижро йиғимини ундириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисида” ги Низомнинг 1-банди. Lex.uz расмий интернет сайти манбасидан олинган.

мулкий характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари бўйича - жисмоний шахсдан энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида, юридик шахсдан энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунида давлат солиқ хизмати органлари¹⁰¹ бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатларининг мажбурий ижросини таъминлашда Мажбурий ижро бюросига ёрдам кўрсатади;

Мажбурий ижро бюросининг топшириғига кўра, қарздорнинг солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик ҳисоб-китобини амалга оширади ҳамда уларни Мажбурий ижро бюросига тақдим этади;

давлат солиқ хизмати органларининг маълумотлар базасида қарздор солиқ тўловчи тўғрисида мавжуд бўлган ахборотни Мажбурий ижро бюросининг ёзма сўровига кўра уч кунлик муддатда тақдим этади;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаётган қарздорнинг ҳисобга олинмаган даромадларини аниқлашда Мажбурий ижро бюросига кўмаклашади;

реализация қилинмаган мол-мулкнинг арзонлаштирилишида қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда иштирок этиши белгиланган.

Бугунги кунда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни ундириш механизмини босқичма-босқич ахборот коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда электрон тарзда амалга оширишга ўтказилмоқда.

Хусусан, хўжалик юритувчи субъектларни солиқ қарзи юзасидан туманлараро Иқтисодий судларига ариза ва даъво аризаларни киритиш бўйича EXSUD (<http://exsud.sud.uz/>) дастурий маҳсулида ёрдамида

¹⁰¹ Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида” Қонуни. Lex.uz расмий интернет сайти манбасидан олинган.

хужжатлар нусхаларини бириктирган ҳолда амалга ошириш тартиби жорий этилди.

Банклар давлат солиқ хизмати томонидан солиқ қарздорлиги суммаларини ундириш учун қўйилган инкассо топшириқномаларини Адлия вазирлигининг 2012 йил 15 мартдаги 2342-сон билан қайд этилган “Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома талабларига асосан ижро этадилар¹⁰².

Йўриқноманинг 11-бандида, мутаносиб равишда ҳисобдан чиқаришни амалга ошириш учун асос бўлиб қуйидаги ҳужжатлар хизмат қилиши белгиланган¹⁰³:

тўловчининг бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлари бўйича тўлов топшириқномалари;

давлат солиқ хизмати органларининг бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш борасидаги инкассо топшириқномалари;

божхона хизмати органлари томонидан муддатида тўланмаган божхона тўловларини ундириш борасида инкассо топшириқномалари;

давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг даромадларига (жарима ва молиявий санкциялар ҳамда бошқа шунга ўхшаш тўловлар кўринишидаги) ҳисобварақ эгасининг тўлов топшириқномалари;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва унинг ҳудудий тузилмалари томонидан қўйилган инкассо топшириқномалари ва бошқалар.

Инкассо топшириқномаси тўлиқ ёки қисман бажарилмаган тақдирда, инкассо топшириқномаси олинган кундан эътиборан уч кунлик муддатда

¹⁰² Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг 2012 йил 15 мартдаги 2342-сонли билан қайд этилган “Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома. www.lex.uz

¹⁰³ Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг 2012 йил 15 мартдаги 2342-сонли билан қайд этилган “Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома. www.lex.uz

унинг нухаси банкнинг белгиси қўйилиб, давлат солиқ хизмати органига ва солиқ тўловчига юборилади. Агар инкассо топшириқномасини тақдим этиш пайтида солиқ тўловчи солиқ қарзининг суммасини ўтказиш учун тўлов топшириқномасини банкка топширган бўлса, банк тақдим этилган инкассо топшириқномасини солиқ тўловчининг тўлов топшириқномаси нухасини илова қилган ҳолда давлат солиқ хизмати органига қайтаради.

Солиқ қарзи суммасини ундириш солиқ тўловчининг барча банк ҳисобварақларида турган пул маблағларидан амалга оширилади, қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирув қаратиш мумкин бўлмаган ҳисобварақлар бундан мустасно.

Мазкур Йўриқнома талаблари хўжалик юритувчи субъектларнинг ушбу Йўриқноманинг 1-иловасида келтирилган хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий ҳисобварағи очилган баланс ҳисобварағида “888” тартиб рақам билан очилган ҳисобварақ, мижозларнинг бошқа депозитлари - жамғарма – мақсадли, 22626 - корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари ва клиринг трансакциялар, шунингдек, Молия вазирлиги ҳузуридаги фондлар билан бўладиган клиринг трансакциялар бўйича очилган ҳисобварақларига нисбатан қўлланилмайди.

Бугунги кунда давлат солиқ хизмати органлари билан эллиқдан ортиқ солиқ мажбурияти юзага келганлиги тўғрисидаги маълумотлар электрон алмашиш тартиби белгиланган бўлсада, ушбу маълумотларни электрон алмашиш тизими деярлик мавжуд эмас. Маълумотлар асосан қоғоз ва электрон ҳужжат шаклида тақдим этилади ва давлат солиқ хизмати органлари томонидан маълумотлар базасига киритган ҳолда қайта ишланади.


Юридик шахслар солиқ қарздорлигини ундириш жараёнини меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинишини босқичма-босқич кўриб чиқар эканмиз, солиқ қарзини ундириш жараёнига тааллуқли қисмлари бўлган бошқа қонунчилик ҳужжатлари ҳам мавжуд. Ушбу ҳужжатлар солиқ қарзини мажбурий ундиришда амалга ошириладиган жараёнларни ҳуқуқий

жихатдан назорат қилишда фойдаланилади. Буларга мисол қилиб, Иқтисодий процессуал кодекси ва Жиноят кодексларини келтириш мумкин.

2.2. Юридик шахсларнинг солиқ қарздорлигини ундириш механизми ва уни амалдаги ҳолати таҳлили

Солиқ тўловчилар ўзларига юклатилган “солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ миқдорда тўлаш” мажбуриятларини тегишли равишда белгиланган муддатда ва тўлиқ амалга оширишлари шартлиги амалдаги қонунчиликда белгиланган.

Юридик шахсларнинг солиқ қарздорлигини ўзгариш динамикасида солиқ қарздорлигига эга юридик шахслар сонини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга (2.2-расм). 2015 йил 1 январь ҳолатига жами рўйхатдан ўтган юридик шахслар сони 561 минг тани ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2019 йил 1 январь ҳолатига 647,1 минг тани ташкил этган. Охириги 5 йил давомида рўйхатдан ўтган юридик шахслар сони қарийб 15%га ошган.



2.2-расм. Солиқ қарзига эга солиқ тўловчи юридик шахсларнинг рўйхатдан ўтган ва фаолият кўрсатаётганларга нисбати¹⁰⁴, (фоизда)

Шулардан фаолият кўрсатаётганлар сони 2015 йил 1 январь ҳолатига 302 минг тани ташкил этгани ҳолда 2019 йил 1 январь ҳолатига


¹⁰⁴ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

436,1 мингтани ёки 44 фоизга ортган. Умумий рўйхатдан ўтган юридик шахслардан 2015 йил 1 январь ҳолатига 101 мингтасида ёки 33,4 фоизида солиқ қарзи мавжуд бўлган бўлса, ушбу кўрсаткич 2019 йил 1 январь ҳолатига 207,2 мингтани ёки 47,5 фоизни ташкил этган.

Бу кўрсаткич ўтган 5 йил давомида 105%га ортган. Мазкур кўрсаткичларнинг таҳлил қилишда 2018 йил 1 январь ҳолатига рўйхатдан ўтган ва фаолият кўрсатаётганларга солиқ тўловчи юридик шахсларга нисбатан солиқ қарзига эга бўлган шахслар сони ўтган 2017 йилга нисбатан 13,5 фоизли ва 5,9 фоизли пунктга камайган бўлса, 2019 йил 1 январь ҳолатига 20 фоизли ва 16,4 фоизли пунктга ортганлигини кузатилди.

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликнинг сўнгги йиллардаги миқдори камайган бўлса, уларнинг сони кескин ортиб кетиши кузатилди ва бу ҳолат солиқ тўловчиларнинг қонун билан белгиланган мажбуриятларини етиб тушунмаслиги, шунингдек давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилаётган ҳисоботларидаги хатоликлар сабаб бўлмоқда.

Мажбурий ундирилган солиқ қарздорлигини солиқ тушумларидаги улуши 2.3-расмдаги диаграммада келтирилган рақамлар таҳлил қилинганда, 2014 йилда жами тушумдаги мажбурий ундирилган солиқ қарздорлиги 22,8 фоизни, 2015 йилда 16,2 фоизни, 2016 йилда 17,8 фоизни, 2017 йилда 13,3 фоизни ва 2018 йилда 9,9 фоизни ташкил этиб, 2014 йилга нисбатан 2,3 баробарга камайиб кетганлиги маълум бўлди. Бундан кўришимиз мумкинки, бир томондан ҳосил бўлаётган солиқ қарздорликлари бюджетга ундирилмасдан ҳисобдан чиқаришлиги бўлса, бошқа тарафдан маъмурчиликнинг солиқ қарзини ундириш борасида амалга оширилаётган ишларида муаммолар мавжудлиги сабаб бўлмоқда деб ҳисоблаймиз.



2.3-расм. Ундирилган солиқ қарздорлигининг солиқ тушумидаги улуши¹⁰⁵, (фоизда)

Юқорида қайд этилганидек, солиқ қарзини қонунчиликда белгиланган мажбурий ундириш босқичлари тартибида, яъни давлат солиқ хизмати органлари томонидан огоҳлантириш талабномаларини юбориш, солиқ тўловчининг банк ҳисоб рақамларига қўйилган инкассо топшириқномаси, дебиторлари мавжуд корхоналарнинг белгиланган тартибда расмийлаштирилган солиштирма далолатнома асосида банкдаги ҳисоб рақамига қўйилган инкассо топшириқномаси ва солиқ қарзини ундиришни даъво ариза орқали суд органлари буйруқларига мувофиқ ижро органлари томонидан ундирилиши белгиланган.

Огоҳлантириш талабномаларини юборишнинг 2014-2018 йиллардаги кўрсаткичлари ўрганилганда, талабнома суммаси йилдан-йилга камайган бўлса, сони бўйича ортиб бораётганлиги кузатилди. Бу ҳолатга икки омил, яъни ДСХОда мавжуд дастурий маҳсулнинг қарздор – номзодларга талабнома шакллантириш амали такомиллашгани ва солиқ тўловчиларни тўлов интизомига риоя этишлари ортиб борганлиги ҳисобига қарздорликнинг суммаси камайиб, сони жиҳатдан ортганлиги сабаб бўлган деб ҳисоблаймиз. (2.1-жадвал).

¹⁰⁵ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Корхоналарга берилган огоҳлантириш талабномалари¹⁰⁶

(01.01.2014 й. = 100%)

Йиллар	сони	%	суммаси	%
01.01.2015 й.	1 527 114,3	119,7	19 456,5	101,2
01.01.2016 й.	1 617 969,6	105,9	28 381,6	145,9
01.01.2017 й.	2 254 911,8	139,4	23 069,9	81,3
01.01.2018 й.	2 855 737,0	126,6	21 383,6	92,7
01.01.2019 й.	2 397 012,3	83,9	14 829,7	69,4

Шу билан бирга, талабномаларни Солиқ кодексида белгиланган 3 иш куни давомида юборишни амалга оширишнинг имкони мураккаблиги туфайли масъул ходимларни ўзларига юклатилган вазифаларни ўз вақтида тўлиқ бажара олмаслиги оқибатида сунъий равишда жавобгар бўлиб қолиш эҳтимоллари ҳам мавжуд.


Солиқ қарздорликнинг амалдаги қонунчиликка мувофиқ ундирилиши йиллар кесимида ва ундириш босқичлари таҳлил қилинганда, 2.4-расмда кўринишида қуйидагилар маълум бўлди.

Хусусан, давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларни банкдаги ҳисоб рақамларига қўйилган инкассо топшириқномалари орқали ундирилган маблағни жами мажбурий ундирилган суммадаги улуши 2018 йилда 2014 йилга нисбатан 3,3 баробардан ортиқ камайганлигини, дебиторларидан ва суд қарорлари асосида ундирилган маблағлар эса тегишлилигича 1,5 ва 1,9 баробарга ортганлигини кузатишимиз мумкин.

Мажбурий ундиришнинг инкассо топшириқномаси орқали амалга оширишнинг камайишига икки сабабни келтиришимиз мумкин: биринчиси солиқ тўловчилар томонидан тўлов интизомига риоя этишлари бўлса, иккинчиси ижро этилмаган ҳужжатларни кейинги босқичларда, яъни

¹⁰⁶ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

қарздорнинг дебитори ҳисобидан ёки суд тартибида ундирилиб, мазкур босқичлардаги ундиришнинг салмоғи ортганлигини кўрсатди.




2.4-расм. Қарздорликни мажбурий ундириш бўйича таҳлили¹⁰⁷, фоизда

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан тақдим этилган талабнома юборилгандан сўнг қарздорлик қопланмаса, қарздор корхоналарнинг банкдаги ҳисоб рақамларига қўйилган инкассо топшириқномаси ва улар орқали ундирилган солиқларни охириги олти йиллиги ўрганилганда куйидагилар аниқланди.

Кўриб турганимиздек, солиқ қарзини солиқ тўловчининг банк ҳисоб рақамларига қўйилган инкассо топшириқномалари асосида ундириш жуда ҳам ачинарли ҳолатда, яъни 2018 йил давомида қўйилган инкассо топшириқномаларнинг сони ва суммаси жиҳатдан ўрта ҳисобда 22,7 фоизигинаси ундирилиб, қолган 77,3 фоиз қисми кейинги мажбурий ундириш босқичига қолдирилмоқда.

¹⁰⁷ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Шунингдек, мажбурий ундирилган маблағнинг атиги 15,5 фоизини ташкил этган. Эътиборли жиҳати, 2013 йилдаги кўрсаткич 37,5 фоизни ташкил этиб, 2,4 баробарга камайиб кетганлигини кузатишимиз мумкин.



2.5-расм. 2013-2018 йилларда инкассо топшириқномалари асосида ундирилган солиқ қарзи бўйича маълумот¹⁰⁸, (фоизда)

Корхоналарнинг банкдаги асосий ҳисобварағига қўйилгани ҳолда бошқа бир банк муассасасидан очилган суб ҳисобрақамларини мавжудлиги ва пул айланмаларини улар орқали амалга оширилаётганлиги ҳамда солиқ тўловчиларни қонун ҳужжатларига асосан белгиланган солиқ мажбуриятларини бажармаганлиги учун вақтинча ҳисоб рақамлари тўхтатилганлигига қарамасдан, ҳисоб рақами жойлашган муассасага ҳисобдорликни ҳис қилинмаслиги ҳисобига бажарилмаганларига тўғри келади.

Инкассо топшириқномалар орқали солиқ қарздорлигини ундириш тизимини қисқариб кетишига сабаблардан асосийси қонунчиликка киритилган ўзгартиришдир. 2015 йил 1 январдан бошлаб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга солиқ тўловчи томонидан солиқларни тўлаш учун тўлов топшириқномасини хизмат кўрсатаётган банкка тақдим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим этмаслик, энг кам иш ҳақининг уч


¹⁰⁸ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

бараваридан беш бараваригача, ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган¹⁰⁹.

Бундан қуйидаги хулосага келиш мумкин: биринчиси, солиқ тўловчилар ихтиёрий равишда солиқларни тўлаётганлиги ва солиқ маданиятининг ривожланаётганлиги бўлса, иккинчиси инкассо топшириқномасини таъсир кучи камайиб, аксарият йирик маблағлар махсус ҳисоб рақамлардан тўлов топшириқномалари билан тўланаётганлигида деб билсак бўлади. Учинчиси эса тўлов интизоми бузилганлиги ва тўлов топшириқномасини муддатида тақдим этилмаганлиги учун қонун ҳужжатларида, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида нормалар аниқлаштирилиб, чораларнинг кучайтирилганлиги деб тушуниш мумкин.

Эътиболи жиҳати шундан иборатки, солиқ тўловчилар билан давлат солиқ хизмати органлари тўлов интизомига оид, хусусан, 2015 йил 1 январига қадар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг солиқ тўловчилар томонидан солиқларни тўлаш учун тўлов топшириқномасини хизмат кўрсатаётган банкка тақдим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим этмаслик учун жавобгарлик предмети аниқ кўрсатилмаганлиги сабабли низоли ва муаммоли ҳолатлар мавжуд бўлган. Масалан, киритилган ўзгартиришдан сўнг тўлов интизомини бузганлик учун жавобгарлик ҳолати ҳудудлар бўйича таҳлил қилинганда, Тошкент шаҳрида 2014 йилга нисбатан 2015 йилда 8 фоизли пунктга, Фарғона вилоятида 5 фоизли пунктга, Сурхондаё ва Қашқадрё вилоятларида 1 фоизли пунктга ортганлиги маълум бўлди (2.6-расм).

¹⁰⁹ Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 175-6-моддаси. Lex.uz.



2.6-расм. Тўлов интизоми бўйича жазоланганлар динамикаси¹¹⁰, фоизда

Тўлов интизомини бузганлик учун жавобгарлик ҳолатини аниқлашда кўпроқ солиқ тўловчини ҳисобланган солиқ бўйича тўлов топшириқномасини хизмат кўрсатувчи банк муассасасига тақдим этилганлигидан кўра давлат солиқ хизмати органларининг мавжуд солиқ қарзини мажбурий ундириш учун қўйилган ёки ундирилган инкассо топшириқномаси орқали ҳуқуқбузарлик ҳолати белгиланади.

Бу эса ўз навбатида, солиқ тўловчиларга давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ қарзини тўлаб қўйишлиги тўғрисидаги талабнома солиқларнинг тўлов муддатидан кейинги кундан бошлаб уч кунда юборилиши билан бирга худди шу вақтда солиқ тўловчининг банк ҳисоб рақамларига инкассо топшириқномасини қўйиш белгилаб қўйилганлиги бугунги кунда амалиётда солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари бажаришларини назорат қилиш ва мажбурий ундиришнинг босқичларини бажаришда кеч қолиш сингари муаммолар келиб чиқмоқда.

Ҳисобот даврининг якуни билан солиқ тўловчига муайян бир солиқ тури бўйича ҳисобланган солиқ суммаларини тўлаш мажбурияти юзага келади. Солиқ тўловчи томонидан шундай мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда

¹¹⁰ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

ДСХО солиқ қарзини сўзсиз ундириш бўйича қарздорнинг банк ҳисоб рақамига инкассо тўлов топшириқномаси юборади.


Ушбу жараён амалдаги тартиб бўйича бир нечта босқичлардан иборат:

1. Худудий давлат солиқ инспекцияларида қарздорлар номзодлари мавжуд дастурий маҳсулот ёрдамида инкассо тўлов топшириқномаларни тегишлилиги бўйича шакллантирилиб, Давлат солиқ қўмитасидаги маълумотлар базаси юборилади;

2. Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар базасидан инкассо топшириқномалари телекоммуникация каналлари орқали электрон ҳужжат тарзида Марказий банкка юборилади;

3. Марказий банк ўз навбатида инкассо тўлов топшириқномаларни тегишлилиги бўйича республика ва вилоятлар тижорат банклар орқали худудий филиалларига қайта тақсимлайди.

Мазкур жараёнда энг аввало тезкорлик хусусияти йўқолади, техник носозликлар сабабли инкассо тўлов топшириқномалар худудий банк муассасасига қадар етиб бормайди, ДСХО томонидан инкассо топшириқномасини юбориш вақти чегараланган бўлади (*банк куни 17:00 қадар бўлса инкассо 15:00 гача узатиш мумкин холос*).




2.7-расм. ДСХОнинг инкассо топшириқномасини юбориш механизми¹¹¹.

¹¹¹ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Солиқ тўловчилар томонидан тўлов интизомига риоя этишларини уларнинг солиқ мажбуриятлари бўлган солиқ ҳисоботларини тақдим этиш жараёнида давлат солиқ хизмати органлари томонидан назорат қилишнинг имкони мавжуд эмас.

Бу эса солиқ тўловчиларнинг ҳисоботларини хато топширишлари ёки тўлов интизомига риоя этишлари учун ўз вақтида хизмат кўрсатаётган банк муассасасига тақдим этмаслик оқибатида солиқ қарздорликларини пайдо бўлиши кузатилмоқда.

Солиқ қарзини мажбурий ундиришнинг кейинги босқичи бўлган дебиторлар ҳисобидан бўлиб, ундириш учун қўйилган инкассо талабномалари 2014 йил 1 январь ҳолатига сони 8,3 фоизга ортган бўлса, суммаси 59,2 фоизга бажарилмаганлиги, шунингдек 2015 йилнинг мос даврига 60 фоиз, 2016 йилнинг мос даврига 25 фоиз, 2017 йилнинг мос даврига 60 фоиздан ортиқ суммалар ижро этилмагани ҳолда 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига сони 37,3 фоизга ва суммаси 52,6 фоизга ҳамда 2019 йил 1 январь ҳолатига 7,4 фоизга ортиғи билан ижро этилган (2.9-расм)



2.9-расм. Дебитор инкассо ҳисобидан ундирилган солиқ қарзи¹¹², (фоизда)

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тушумларни оширишда солиқ тўловчи қарздор корхоналарнинг дебиторларига қўйилган инкассо

¹¹² Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.


топширикномаларининг миқдори таҳлил қилинганда, 2014 йилда 53,9 мингта, 2015 йилда 82,1 мингта, 2016 йилда 55,3 мингта, 2017 йилда 45,4 мингта ва 2018 йилда 41,9 мингта солиқ тўловчиларнинг солиқ қарзини уларнинг дебитор қарзларидан ундириш бўйича инкассо топширикномалари кўйилган бўлиб, ундирилган солиқларнинг биргина 2017 йил мисолида жами солиқ тушумларидаги улушини ойма ой давомида таҳлил қиладиган бўлсак, январь ойида дебитор қарз орқали ундирилган солиқлар жами солиқ тушумининг 4,6 фоизини ёки 166 млрд.сўмни ташкил этган¹¹³.

Худди шундай февралда 4,7 фоизни (197,5 млрд.сўм), мартда 8,1 фоизни (354 млрд.сўм), апрелда 8,5 фоизни (418 млрд.сўм), майда 7,1 фоизни (337 млрд.сўм), июнда 5,5 фоиз (276 млрд.сўм), июлда 5,6 фоизни (285 млрд.сўм), августда 1,8 фоиз (91,9 млрд.сўм), сентябрда 5,9 фоизни (298 млрд.сўм), октябрда 3,5 фоизни (192 млрд.сўм), ноябрда 4,5 фоизни (243 млрд.сўм), декабрда 2,5 фоизни (154 млрд.сўм) ташкил этган.

Таҳлил натижасидан кўринадикки, 2017 йил давомида март (8,1%), апрель (8,5%) ва май (7,1%) ойларида дебитор қарз орқали ундирилган солиқларнинг жами бюджетга тушган солиқлардаги улуши энг юқорилигининг сабаблари таҳлил қилинганда, улар томонидан давлат солиқ хизмати органларига йилда бир марта тақдим этиладиган йиллик баланс ҳисоботлари натижасида кўрсатилган дебитор қарзларига инкассо топширикномаларини кўйиш орқали ундириб олинган.

Мажбурий ундиришнинг кейинги босқичи бўлган солиқ маъмурчилигида солиқ қарздорлигини ундиришни суд тартиби бўлиб, бу борада амалга оширилган таҳлилни кўйидаги 2.10-расмда кўришимиз мумкин.

¹¹³ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.



2.10-расм. Даъволар ҳисобидан ундирилган солиқ қарзи¹¹⁴, (фоизда)

Эътиборли жиҳати, корхона - солиқ тўловчиларнинг тўлов интизоми даражаси, суд тизимининг паст самарадорлиги ва бошқа ижтимоий-иқтисодий сабаблар солиқ қарздорликларини ортиб кетишига олиб келди.

Хусусан, суд органларига солиқ қарзини мол-мулки ҳисобидан ундириш бўйича киритилган даъво аризаларининг ижроси охириги беш йилда ўртача 43 фоизни, жумладан 01.2014 й. ҳолатига 25,8 фоизни, 01.2015 й. 32,1 фоизни, 01.2016 й. 51,2 фоизни, 01.2017 й. 47,7 фоизни ва 01.2018 й. ҳолатига 57,8 фоизни ташкил этган¹¹⁵. Суд қарорлари асосида солиқ қарздорлиги давлат реестридан чиқарилганлигини кўришимиз мумкин.

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликлар ундирувини солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш давлат солиқ хизмати органининг даъво аризаси асосида суд тартибида амалга оширилади ва даъво баҳосининг 2 фоизи миқдорида, лекин энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда давлат божи ундирилиши белгиланган. Агар биргина 2018 йил бўйича таҳлил қилинадиган бўлсак, давлат солиқ хизмати органининг даъво аризаси асосида

¹¹⁴ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

¹¹⁵ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

суд тартибида ундирилган солиқ қарздорлиги суммасига нисбатан божлар 79,1 млрд.сўм ташкил қилган¹¹⁶.

Бундан ташқари, солиқ қарзини мажбурий ундириш юзасидан судларга даъво аризалар билан мурожаат қилишда идоралараро электрон ҳамкорлик ишлари, яъни солиқлар бўйича қарздорликларни мажбурий ундирувга қаратиш мақсадида суд тартибида ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш юзасидан Иқтисодий судларга тақдим этиладиган даъво аризаларни тўлиқ электрон шаклда тўғри-тўғри давлат солиқ органларидаги маълумотлар базасидан юбориш имконияти эга эмас.

Юридик шахсларнинг солиқ қарздорлигини мол-молки ҳисобидан ундиришда яна бир муаммолардан бири бу судларга даъво ариза киритиш учун солиқ органи томонидан қилинадиган “почта харажатлари”нинг етишмаслигидир. Амалиётда ҳар бир инспекция учун солиқ бошқармалари томонидан маълум бир лимитдаги сумма ажратилган ва бу учун махсус ҳисоб рақам очилган. Ушбу лимитдаги суммалар ДСИ томонидан почта харажатлари учун (ҳозирги кунда ҳар бир ҳужжатни судга бериш учун беш минг сўм) сарфланади.

Суд томонидан кўрилаётган иш ДСИ фойдасига ҳал этилса, қарздорнинг ҳисобидан почта харажати ундириб берилиши бўйича суд ҳужжатида кўрсатиб ўтилади. Ажратилган лимитдаги суммалар шу тартибда сарфланиб, ундирилиб маълум бир цикл остида ҳаракатлантирилади. Агарда почта харажатлари қарздорлар томонидан тўлиқ тўлаб берилмаса, кейинги босқичдаги судга бериладиган аризалар учун почта харажати топиш муаммога айланиб, солиқ органи томонидан белгиланган муддатларда Судга мурожаат қилинмай қолишига олиб келади.

Шу ўринда айтиш мумкинки, солиқ қарздорлигини муддати тўламаган юридик шахслар қандай қилиб почта харажатини тўлаб бериши мумкин.

¹¹⁶ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Тўғри бу битта суд хужати учун арзимаган сумма, аммо Республика бўйича йиғилса бу катта суммага (2.1-жадвал) айланади.

Фикримизча, солиқ органи томонидан судга мурожаат қилиш жараёнларини оптималлаштириш ва мавжуд харажатларни қисқартириш ҳамда судга мурожаат қилиш жараёнларини тезлаштириб солиқ қарздорлигини ундиришни такомиллаштириш мақсадида, Солиқ органи томонидан юридик шахсларнинг солиқ қарздорлигини мол мулкидан ундириш ва банкрот деб эътироф этиш юзасидан Судга мурожаатларини “почта харажати” тўлашдан озод қилиш лозим деб ўйлаймиз

2.1-жадвал

ДСХО томонидан судларга юборилган аризалар бўйича қилинган почта харажатлари тўғрисида маълумот¹¹⁷, минг сўмда

01.01.2018 йил ҳолатига юридик шахслардан ундирилмаган почта харажатлари қолдиғи		2018 йил давомида Хўжалик судига қилинган почта харажатлари				2018 йилда ундирилган почта харажатлари		01.01.2019 йил ҳолатига юридик шахслардан ундирилмаган почта харажатлари қолдиғи		Почта маркалари ва конвертлар учун қилинган харажатлар
		Ю.Ш. мол-мулкидан ундириш бўйича даъво ариза учун		Ю.Ш. банкрот деб эътироф этиш бўйича даъво ариза						
Сони	сумма	сони	сумма	сони	сумма	сони	сумма	сони	сумма	сумма
122396	521032	99426	435913	5999	38087	127349	584334	100472	410698	276529


Бундан ташқари, солиқ қарзини мажбурий ундириш юзасидан судларга даъво аризалар билан мурожаат қилишда идоралараро электрон ҳамкорлик ишлари, яъни солиқлар бўйича қарздорликларни мажбурий ундирувга қаратиш мақсадида суд тартибида ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш юзасидан Иқтисодий судларга тақдим этиладиган даъво аризаларни тўлиқ электрон шаклда тўғри-тўғри давлат солиқ органларидаги маълумотлар базасидан юбориш имконияти эга эмас.

Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича солиқ қарздорликларни мажбурий ундиришнинг босқичларидан бири – суд тартибида ундириш бўлиб, рақамларга мурожаат қилинганда, республика бўйича йиллар кесимида

¹¹⁷ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

судларда кўриб чиқилган ишларнинг ҳажмини мос даврларга нисбатан ўзгариш тенденцияларини кўришимиз мумкин (2.12-расм).

Масалан, 2014 йилда судларда кўриб чиқилган солиқ қарздорлиги бўйича ишларнинг сони ўтган 2013 йилга нисбатан 12,5 фоизга суммаси 3,4 фоизга камайганлиги, 2015 йилда сони 16,6 фоизга камайган бўлса, суммаси 2,6 фоизга ортганлиги, 2016 йилда сони 8,9 фоизга ва суммаси 7,5 фоизга камайганлиги ҳамда 2017 йилда сони 54,9 фоизга ортганлиги ва суммаси 11,5 фоизга камайганлиги кузатилди.



2.12-расм. Солиқ қарздорликлари бўйича судларда кўриб чиқилган ишларнинг ўтган йилларга нисбати¹¹⁸, фоизда

Мазкур кўрсаткич солиқ қарздорлигини мажбурий ундиришнинг дастлабки босқичлари, солиқ тўловчиларнинг мажбуриятларини бажаришлари, давлат солиқ хизмати органлари томонидан қўйиладиган инкассо топшириқномалари ҳамда солиқ қарзини дебиторлар ҳисобидан ундириш самарадорлиги пастлиги деб ҳисоблаймиз.

¹¹⁸ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Шунингдек, солиқ қарздорликлари бўйича судларда кўриб чиқилган ишларнинг сони йилдан-йилга ортиб бориши, биринчидан солиқ тўловчиларнинг тўлов қобилияти сусайиб бораётганлиги бўлса, иккинчидан мажбуриятларини бажаришлари учун амалдаги қонунчиликда қўшимча кафолатларни кўзда тутилмаганлиги сабаб бўлмоқда.

Бу ҳолат ўз навбатида давлат солиқ хизмати органлари ва суд органларининг ҳамкорликдаги солиқ қарзини мажбурий ундириш борасида олиб бораётган шунингдек, солиқ қарздорликлари бўйича судларда кўриб чиқилган ишларнинг ўтган йилларга нисбати ҳудудлар кесимида ўрганилганда, қуйидагилар маълум бўлди.

2.2-жадвал

Солиқ қарздорликлари бўйича судларда кўриб чиқилган ишларнинг ҳудудлар кесимида ўтган йилларга нисбати¹¹⁹, фоизда (2014 йил 1 январь маълумоти 100 фоиз олинган)

№	Ҳудуд номи	01.01.2015 й 01.01.2014 й		01.01.2016 й 01.01.2015 й		01.01.2017 й 01.01.2016 й		01.01.2018 й 01.01.2017 й	
		сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси
	Республика бўйича	87,5	96,6	83,4	102,6	91,1	92,5	154,9	88,5
1	Қорақалпоғистон	85,5	117,2	74,8	106,1	99,4	69,6	104,8	98,0
2	Андижон вил	109,5	78,7	63,2	67,6	125,0	67,7	369,0	55,8
3	Бухоро вил	87,6	88,2	90,4	177,3	77,2	124,2	91,1	86,6
4	Жиззах вил	104,0	128,4	99,1	87,6	84,4	70,6	277,3	207,5
5	Қашқадарё вил	97,8	122,3	69,2	123,3	81,0	142,7	110,0	94,1
6	Навоий вил	74,0	95,4	80,1	94,2	71,9	73,8	77,2	66,9
7	Наманган вил	102,2	76,2	109,5	84,1	49,9	39,9	152,6	88,1
8	Самарқанд вил	85,9	82,4	90,9	101,5	117,7	54,4	110,7	109,9
9	Сурхондарё вил	107,3	117,1	65,8	111,1	99,1	69,5	161,4	98,3
10	Сирдарё вил	69,7	151,9	82,5	130,7	92,4	71,5	128,9	66,3
11	Тошкент вил	75,1	74,8	96,7	172,9	108,9	105,0	148,7	82,4
12	Фарғона вил	49,8	77,8	119,7	187,1	90,3	90,1	75,2	90,3
13	Хоразм вил	99,2	97,2	81,3	93,7	76,7	47,4	106,9	103,4
14	Тошкент шаҳри	121,7	106,0	78,1	66,5	91,6	93,1	127,1	79,8

Хусусан, Жиззах, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида солиқ қарзи бўйича 2016 йилга нисбатан 2017 йилда судларда кўриб чиқилган ишларни

¹¹⁹ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

сони ҳамда суммалари ортган бўлса, сони жиҳатдан ортиб кетган Андижон вилоятида (269 фоизга), Сурхондарё вилоятида (61,4 фоизга), Наманган вилоятида (52,6 фоизга), Тошкент вилоятида 48,7 фоизга, Сирдарё вилоятида (28,9 фоизга), Тошкент шаҳрида (27,1 фоизга), Қорақалпоғистон Республикасида (4,8 фоизга) суммалари камайганлиги ҳамда Бухоро, Навоий ва Фарғона вилоятларида кўриб чиқилган ишларни сони ҳамда суммалари камайганлиги қайд этилди.

Агар хўжалик юритувчи субъектлар ўзи тақдим этган ҳисоботларга кўра солиқ қарзи келиб чиққан бўлса, солиқ қарзини тўлаш учун солиқ тўловчига огоҳлантириш талабномаси жўнатиш, солиқ қарзини ундириш учун иқтисодий судга ариза ёки даъво ариза киритилиши шарт бўлмаслиги лозим. Чунки солиқ тўловчи солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан бўлган қарздорлигини ўзи билиш керак, ҳисоботни ўзи тақдим этган ва бунинг натижасида солиқ қарзининг вужудга келиши низоли эмас.


Бунинг учун давлат солиқ хизматининг мансабдор вакили томонидан қабул қилинган қарор солиқ қарзини қарздорнинг мол-мулкидан ундириш, яъни унинг товар-моддий бойликларини хатлаш учун асос бўлиши лозим. Фақат ўртада низолар юзага келгандагина суд орқали ҳал қилиниши керак бўлади. Иқтисодий судга даъво ариза билан чиқилганда, суд одатда фақатгина ундирувчи солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисида қарор чиқариш билан чекланади (фақат шу учун давлат божи ҳисобланади).

Умидсиз деб топилган солиқ қарзи суммаларини мунтазам йилма-йил ҳисобдан чиқариш амалиёти йўлга қўйилган бўлиб, жумладан 01.01.2014 йил ҳолатига 35,3 фоизни, 01.01.2015 йил ҳолатига 39,3 фоизни, 01.01.2016 йил ҳолатига 27,4 фоизни, 01.01.2017 йил ҳолатига 39,3 ҳамда 01.01.2018 йил ҳолатига 36,4 фоизни ташкил этган. Бу эса ўз навбатида солиқ тушумларини ошириш орқали бюджетга белгиланган прогноз кўрсаткичларини бажаришда салбий таъсир кўрсатмоқда.

Даъволар ҳисобидан реестрдан чиқарилган солиқ қарзи¹²⁰, млн.сўм

Йиллар	Кирилган даъво		Реестрдан чиқарилди			Фарқи		
	сон	суммаси	сон	суммаси	%	сон	суммаси	%
01.01.2014	122316	8435992,1	4446	2 974 422,6	35,3	-117870	-5461569,5	64,7
01.01.2015	106973	8146164,3	6058	3 220 644,8	39,5	-100915	-4925519,5	60,5
01.01.2016	89196	8355464,3	5950	2 288 743,2	27,4	-83246	-6066721,1	72,6
01.01.2017	81284	7728415,0	10276	3 040 266,2	39,3	-71008	-4688148,8	60,7
01.01.2018	125935	6842363,0	10119	2 491 600,2	36,4	-115816	-4350762,8	63,6

Соҳалар бўйича солиқ қарздорлиги миқдорини ўзгариш тенденциясини ўтган йилларга нисбатан фарқи ўрганилганда, Ўзнефтегаз, Ўзкимёсаноат ва Ўздонмаҳсулот соҳаларида солиқ қарздорлик миқдорини камайиб борган бўлса, Ўзпахтасаноат, Ўзбекэнерго, Ўзагроماشсервис, фермер хўжаликлари ва бошқаларда 2016 йилда ўтган даврга нисбатан солиқ қарздорликлари камайган, лекин 2017-2018 йилларда ўтган даврларга нисбатан ортанлигини кузатиш мумкин.



2.11-расм. Вазирлик ва идораларнинг солиқ қарздорлигини йиллар кесимида жами қарздорликдаги улуши¹²¹, (фоизда)

¹²⁰ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

¹²¹ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Шу билан бирга, солиқ қарздорлиги “Ўзбекнефтегаз” АЖ, “Ўзкимёсаноат” АК, “Ўздонмаҳсулот” АК, ўтган йилларга нисбатан камайган бўлса, “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзпахтасаноат” АЖ, “Ўзагромашсервис” уюшмаси, “Ўзавтойўл” АЖ ва фермер хўжаликларида 2018 йил 1 январь ҳолатига камайган бўлиб, кўрсаткичлар 2019 йил 1 январь ҳолатига кескин равишда ортганлигини кузатишимиз мумкин. Ортганлик сабабини “Ўзбекэнерго” АЖ мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, асосий солиқ қарздорлигини ҳосил бўлиши истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергияси учун ўз вақтида тўловларни амалга амалга оширилмаганлиги, яъни дебиторларни муддати ўтиб кетиш ҳолатлари кузатилган.

Шу билан бирга, дебитор қарздорлик орқали ундирилган солиқ тушумларининг йилдан йилга камайиб бораётганлигини ҳам қуйидаги тармоқлардаги корхоналарда ҳам кузатиш мумкин.

Мазкур тармоқлардаги қарзларни ўз муддатида ундириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 17 апрель куни иқтисодиёт тармоқларида ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш, дебитор, кредитор ва бюджет олдидаги қарздорликларни камайтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар таҳлилига бағишланган йиғилишда¹²² давлатимиз раҳбари узоқ йиллардан бери ҳисоб-китоб тизимиغا эътибор қаратилмай келингани, иқтисодиёт тармоқларида пул оқимлари самарасиз бошқарилгани ва номутаносиб тақсимлангани оқибатида қарздорлик ҳолатлари кўпайиб кетганини таъкидлади.

Буни бартараф этиш бўйича сўнгги вақтларда қатор чоралар кўрилаётганлигини таъкидлади. Иқтисодиётнинг базавий тармоқлари молиявий ҳолатини яхшилаш мақсадида “Ўзбекнефтгаз” ва “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятларининг умидсиз дебитор қарзлари ҳисобдан чиқарилганлиги, “Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамиятининг кредитор қарздорликлари бюджет ссудалари орқали камайтирилганлигини келтириб ўтди.

¹²² Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги. www.uza.uz

Бирок, шунга қарамасдан, 2019 йил 1 март ҳолатига кўра, иқтисодиёт тармоқларида жами дебитор ва кредитор қарздорлик ўтган йилга нисбатан мос равишда 16 фоиз ва 13 фоизга ошганлиги, муддати ўтган дебитор қарздорлик йил бошига нисбатан 60 фоизга камайишига эришилган бўлса-да, ўтган йилги қарздорликдан 2,7 баробар кўп эканлигини танқид қилинган.

2.4-жадвал

Вазирлик ва идораларнинг солиқ қарздорликларини ўтган йилларга нисбатан ўзгариш тенденцияси¹²³ (фоизда)

(01.01.2013 йил=100 фоиз)

Вазирлик ва уюшмалар номи	Фарқ 2014- 2013	Фарқ 2015- 2014	Фарқ 2016- 2015	Фарқ 2017- 2016	Фарқ 2018- 2017
“Ўзбекнефтегаз” АЖ	73,3	149,6	134,4	49,8	27,1
“Ўзбекэнерго” АЖ	107,8	94,3	98,9	4,4	84,5
“Ўзкимёсаноат” АК	171,8	142,8	133,2	27,3	10,5
“Ўзпахтасаноат” АЖ	129,2	44,8	147,9	38,7	165,0
“Ўздонмахсулот” АК	114,3	101,3	109,9	100,5	42,8
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	118,2	126,5	48,0	58,3	123,7
“Ўзағромашсервис” уюшмаси	91,9	106,4	57,7	22,9	111,9
“Ўзавтойўл” АЖ	19,7	342,3	181,9	32,8	200,3
Фермер хўжаликлари	128,8	113,4	105,4	54,3	123,6
Бошқалар	148,3	132,5	126,3	98,7	104,5
Республика бўйича жами	109,1	110,6	120,3	63,9	83,5

Фермер хўжаликлари бир неча марта тугатилиши ва қайта ташкил этилиши ҳисобига тижорат банклари йўқотган ликвидликни қоплаш учун маблағ йўналтирилганлиги, монопол корхоналарнинг юқори ликвидли 27 турдаги маҳсулотларини фақат электрон биржа савдоси орқали ички бозорга сотиш механизмлари йўлга қўйилганлигини айтиб ўтдилар.

Жами дебитор қарздорликнинг салмоқли қисми ёқилғи-энергетика комплексига тўғри келаётганлиги, ушбу соҳадаги дебитор қарздорлик йил бошига нисбатан 16 фоизга ҳамда машинасозлик ва пахтани қайта ишлаш

¹²³ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

комплексида 13,7 фоизга, қурилиш ва транспорт масалалари комплексида 20 фоизга ошганлигини қайд этди.

Биргина “Ўзбекнефтгаз” ва “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятлари тизимида муддати ўтган дебитор қарздорлик 460 млрд. сўмга етган. “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятида 341 млрд. сўмлик муддати ўтган қарздорлик ҳосил бўлганлиги, “Ўзавтосаноат”, “Ўзбекистон темир йўллари”, “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамиятларида ҳам дебитор қарздорлик юқориликча қолаётганлигини айтиб ўтдилар.

Давлатимиз раҳбари фермер хўжаликларининг солиқ борасидаги қарздорлигини ҳам камайтириш зарурлигига эътибор қаратди. Чунки, машина-трактор парклари томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга оширишнинг жорий механизми таъсирида фермер хўжаликларининг “Ўзагросервис” акциядорлик жамияти олдидаги қарздорлиги ошиб бормоқда¹²⁴.

2.3. Юридик шахсларнинг солиқ қарздорлигини камайтиришнинг ўзига ҳос хусусиятларлари

Давлат бюджетининг шаклланишида юридик шахсларнинг солиқ қарздорлиги салбий таъсир кўрсатади. Шу билан биргаликда, амалиётда шундай ҳолатлар ҳам бўладики, солиқ тўловчи юридик шахслар субъектив ёки объектив сабабларга асосан белгиланган муддатларда тўланиши лозим бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўлов суммасини тўлаб бера олмаслиги солиққа тортиш режимлари ва тўловчиларнинг зиммасидаги солиқ юки миқдорини юқориликдан далолат беради.


Ўз навбатида, юқори ставкали солиқлар – айниқса қўшилган қиймат солиғи ва ягона ижтимоий тўлов боқимандалар юзага келишининг асосий сабабларидан ҳисобланади, чунки бундай солиқлар юки корхонанинг етарли айланма маблағлар билан фаолият юритишига имкон бермайди.

¹²⁴ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг расмий сайти. - www.uza.uz.

Шу ўринда, солиққа тортиш тамойилларини А.Смит ўзининг «Халқлар бойлигининг келиб чиқиш сабаблари ва табиати» номли китобида асослаб берган тўртинчи тамойилида “Ҳар бир солиқ шундай тарзда тузилиши керакки, бунда солиқ тўловчининг ҳамёнидан кетадиган пул давлат бюджетига келиб тушадиган маблағга нисбатан ортиқ бўлишига мумкин қадар йўл қўйилмасин” дея таъкидлаган¹²⁵.

Шу сабабли, солиқ қарздорлигини камайтиришга таъсир этадиган омилларни таҳлил қилиш орқали пайдо бўлишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликнинг бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар кесимида таҳлил қилганимизда бюджетдан бўлган қарздорликнинг миқдори ўрганилган 2014 йил 1 январдан 2019 йил январгача даврда 1,4 баробарга камайган бўлса, пенсия жамғармасидан 3 баробарга яқин ортганлиги маълум бўлди (2.13-расм).



2.13-расм. Солиқ қарздорлиги динамикаси¹²⁶, (фоизда)

¹²⁵ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.: Соцэкгиз, Т.2. 1935.

¹²⁶ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Бунга сабаб, иқтисодиётда солиқ юкини камайтириш асосан тадбиркорлик субъектлари учун тўғри солиқлар ставкаларини пасайтириш, иқтисодиётнинг стратегик аҳамиятга эга тармоқ ва соҳаларига солиқлардан имтиёзлар бериш ҳамда фискал аҳамияти катта бўлган асосий солиқлар базасидан айрим элементларни чиқариб ташлаш ҳисобига амалга оширилди. Сўнгги йиллардаги солиқ ислохотлари солиқ юкини мувофиқлаштириш, яъни унинг оғирлигини иқтисодий нофаол объектлар ва юқори рентабелли соҳаларга кўчиришга қаратилмоқда.

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни солиқ турлари кесимида таҳлил қилинганда, асосий қарздорлик тушуми юқори бўлган билвосита ва бевосита солиқ турлари ҳиссасига тўғри келиши ҳамда мазкур солиқ турлари бўйича солиқ тўловчилари бўлиб умумбелгиланган солиқ режимида бўлган корхоналар ва мониторингдаги низом жамғармасида давлат улуши бор вазирлик ҳамда улар таркибидаги корхоналарга тўғри келади.

Шу билан бирга, мол-мулк ва ресурслардан фойдаланганлик учун солиқлар бўйича қарздорликлар йилдан-йилга ўсиб бораётганлигини босқичма-босқич ресурслардан оқилона фойдаланиш мақсадида жорий этилаётган ресурс солиқларини кўлами кенгайиб, тўловчилар томонидан киритилаётган нормаларни ўз вақтида англаб етишмаётганликлари билан изоҳлаш мумкин.


Солиқ концепцияси жорий этилгандан кейин бевосита солиқлар улушининг ошганлигини кўришимиз мумкин, лекин қўшилган қиймат солиғи ставкалари ўзгармаган ҳолда ҳамда ҚҚС тўловчилар сонининг ошганлигига қарамасдан, билвосита солиқлар улушининг камайганлиги ушбу солиқларнинг ҳисоблаш механизми ва ставкаларида муаммолар мавжудлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июлдаги ПФ-5468-сонли Фармони билан тасдиқланган республикада солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясини қабул қилинишининг заруриятини

белгилаб берган долзарб муаммолар жумласига солиқ юки юқорилиги, тенг тақсимланмагани ва ставкаларни пасайтириш зарурлиги киритиш мумкин.

Солиқ концепцияси жорий этилгандан кейин бевосита солиқлар улушининг ошганлигини кўришимиз мумкин, лекин қўшилган қиймат солиғи ставкалари ўзгармаган ҳолда ҳамда ҚҚС тўловчилар сонининг ошганлигига қарамадан, билвосита солиқлар улушининг камайганлиги ушбу солиқларнинг ҳисоблаш механизми ва ставкаларида муаммолар мавжудлигини кўрсатади.

Бунга мисол тариқасида, 2018 йилда жами солиқ мажбуриятига эга фаолият кўрсатаётган юридик шахсларнинг сони 346,8 мингта ташкил этган ҳолда, шундан бор йўғи 6,9 мингтаси, яъни 2,1 фоизи қўшилган қиймат солиғи тўловчилар ҳисобланган. Лекин жами бюджет даромадларидаги қўшилган қиймат солиғи улушининг сўнгги 2014-2018 йиллардаги ўзгариш динамикасида 21,5-25,4 фоиз миқдорида бўлганлиги ёки ортиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин (2.14-расм).



2.14-расм. Давлат бюджети даромадларининг ўзгариш динамикаси¹²⁷,
фоизда


Ўз навбатида, айрим тоифадаги солиқ тўловчиларда юқори ставкали солиқлар - айниқса ҚҚС ва ягона ижтимоий тўлов бўйича боқимандаларни

¹²⁷ www.mf.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби

юзага келишининг асосий сабабларидан ҳисобланади, чунки бундай солиқлар юки корхонанинг етарли айланма маблағлар билан фаолият юритишига имкон бермайди ва энг асосий салбий оқибатларидан бири - бозор иқтисодиёти шароитда солиқ солишининг бошқа-бошқа режимларда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг тенг рақобатни йўқолишига олиб келади.

Солиқ юкини тадбиркорлик субъекти томонидан қўшилган қийматга нисбатан баҳолаш лозимлигини кўрадиган бўлсак, қўшилган қиймат тушунчасига К.Макконел ва С.Брюлар “фирма томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг бозор баҳосидан мол етказиб берувчилардан харид қилиниб, маҳсулотни ишлаб чиқариш учун истеъмол қилинган хомашё ва материаллар қиймати чегирилган қисм”¹²⁸ сифатида таъриф беришган.

Энг аввало ҳозирги кунда солиқ тури бўйича қарздорликнинг катта улушига эга бўлиб турган қўшилган қиймат солиғидан ва ягона ижтимоий тўловдан қарздорликни қисқартириш асосий муаммолардан биридир. Солиқлар бўйича қарздорликни солиқ турлари кесимида таҳлил қилинганда (2.15-расм), ҚҚС бўйича қарздорликнинг охириги беш йилдаги умумий қарздорликка нисбатан кўрсаткичлари ўртача 32 фоизни ташкил этган.



2.15-расм. Қарздорликнинг солиқ турлари бўйича динамикаси¹²⁹, фоизда

¹²⁸ Макконел К., Брю С. Экономикс: принципк, проблемк и политика. –М.:Республика, 1992–С.134.

¹²⁹ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

2019 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган жами юридик шахсларнинг сони 436,1 мингта ташкил этган ҳолда, шундан бор йўғи 10,4 мингтаси, яъни 2,4 фоиз қўшилган қиймат солиғи тўловчилар ҳисобланган. Лекин жами бюджет даромадларидаги қўшилган қиймат солиғининг улуши 25,4 фоизга тенг бўлган.

ҚҚС бўйича солиқ қарздорлиги 2019 йил 1 январь ҳолатига 0,7 трлн.сўмни ташкил этган ҳолда йиллик 20 фоизли ставкада (10,3 трлн. сўм) ҳисобланган солиқ 15 фоизли ставкада (7,7 трлн. сўм) ҳисобланган тақдирда 2,5 трлн. сўмга камайиши, ушбу маблағларни корхоналар ихтиёрида қолдирилиши уларни айланма маблағлари ва тўлов қобилиятини ошириб, қарздорликни келиб чиқишини бартараф этади.

2.5-жадвал

ҚҚС ставкаларининг қарздорликка таъсири таҳлили¹³⁰, млрд. сўм

Тўловчилар	Сони	Амалдаги ставкада ҳисобланган		Таклиф этилган ставкада ҳисобланган		Фарқи
		ставка	сумма	ставка	сумма	
ҚҚС тўловчилари	10 438	20%	10 259,3	15%	7694,3	-2 565

Қўшилган қиймат солиғи ставкасининг қарздорликка таъсири нуқтаи назаридан давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган «А» корxonанинг 2018 йилги фаолияти ўрганилганда, 2019 йил 1 январь ҳолатидаги қарздорликни амалдаги ставкасининг пасайтирилиши ҳисобига 42,4 фоизга камайтириш мумкинлиги маълум бўлди (2.6-жадвал).

2.6-жадвал


Қўшилган қиймат солиғи ставкасининг пасайиши таҳлили¹³¹, млн.сўм (Давлат улуши 50 фоиздан юқори «А» корxonанинг 2018 йилги фаолияти мисолида)

Қарздорлик 01.01.2018 й.	Ҳисобланди		Тўланди	Қарздорлик 01.01.2019 й.		Фарқи	
	20% ставкада	15% ставкада		20% ставкада	15% ставкада	Суммада	Фоизда
51 509,5	200 802,2	150 601,7	133 925,7	118 386,0	68 185,5	- 50 200,5	42,4

¹³⁰ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

¹³¹ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.


Қўшилган қиймат солиғи бўйича қарздорликнинг ҳудудлар кесимида сўнгги беш йиллик рақамларни таҳлили асосий қарздорликни улуши Тошкент шаҳар, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларига тўғри келиши кузатилиб, Тошкент шаҳар ва вилоятларида 2017 йилга нисбатан ўсганлиги маълум бўлди. ҚҚСнинг ҳудудлардаги улушларнинг юқорилиги асосан мониторингдаги вазирлик ва идораларга тўғри келади (2.16-расм).



**2.16-расм. Ҳудудларда ҚҚС бўйича қарздорликнинг динамикаси¹³²,
фоизда**

ҚҚС бўйича қарздорликнинг соҳалар кесимида ўрганадиган бўлсак, сўнгги йилларда “Ўзбекнефтгаз”нинг 25-45 фоиз, “Ўзбекэнерго” 2015 йилда 28 фоиздан 2018 йилда 4 фоизга, яъни 24 фоизли пунктга камайганлигини, шунингдек, “Ўзпахтасаноат” ва “Ўздонмахсулот” жамиятларида мазкур солиқ тури бўйича қарздорлик 10-16 фоизни ташкил этганини кузатишимиз мумкин. Ўз навбатида юқорида қайд этилган соҳалар асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан боғлиқлигидир (2.17-расм).

¹³² Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.



2.17-расм. Соҳаларда ҚҚС бўйича қарздорликнинг динамикаси¹³³, фоизда


Фикримизча, ушбу ҳолат хўжалик юритувчи субъектларнинг амалга ошираётган фаолиятларида солиқ механизмларидан самарали фойдаланмаслиги, бошқа рақобатчилар томонидан самарасиз бўлсада имтиёزلарни индивидуал тарзда фойдаланиши ва бунинг оқибатида соғлом рақобатни йўқотилиши охир-оқибатда талабни камайиши билан бирга қонунчиликда белгиланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўланмаслиги сабаб бўлади.

Тадқиқот жараёнида солиқ қарздорлигини келиб чиқиш сабабларини ва уларни ундирилишининг назарий ёндашувлардан ҳамда амалиётда учраётган муаммолардан келиб чиқиб, охириги беш йиллик ҳажмини ўзгариш тенденциялари ўрганиб чиқилди.

Сўнги йилларда миқдори ортиб борган юридик шахсларнинг бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар бўйича қарздорликлари ўрганилганда, пенсия жамғармасидан охириги олти йилда 11 фоиздан 33 фоизга ортганлиги, шу жумладан ягона ижтимоий тўлов бўйича қарздорликлар (2.18-расм) охириги тўрт йилда ўрта ҳисобда 55 фоизни ташкил этган.

¹³³ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Бундай қарздорликнинг келиб чиқиш сабаби ўрганилганда, ЯИТ юкининг юқорилигини келтиришимиз мумкин бўлади. Фикримизча, юридик шахслар зиммасида оғир юк бўлаётган ягона ижтимоий тўлов юкини камайтириш мақсадга мувофиқ.




2.18-расм. Пенсия жамғармаси қарздорлиги динамикаси¹³⁴, фоизда

Шунингдек, ягона ижтимоий тўлов бўйича қарздорлик ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, бу йўналишда ҳам йирик ҳажмда фаолият юритадиган вазирлик ва идораларнинг салмоқли корхоналари жойлашган ҳудудларга тўғри келишини кузатишимиз мумкин.

Бунда, нефтгаз соҳасида йирик корхонлар жойлашган Фарғона, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида 10-13 фоизни ташкил этган бўлса, корхоналар сони ва тегишлилигича меҳнат фаолиятини олиб бораётган меҳнатга лаёқатли аҳолининг сонидан келиб чиқадиган ҳудудлар, яъни Андижон, Самарқанд, Тошкент ва Наманган вилоятларида 6-10 фоизни ташкил этган (2.19-расм).

¹³⁴ Муаллиф томонидан Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.



2.19-расм. ЯИТ ҳудудлар бўйича динамикаси, фоизда¹³⁵

Меҳнатга ҳақ тулаш фонди базаси бўлган ягона ижтимоий тўлов 2018 йил кўрсаткичлари билан таққосланганда, давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган корхоналарнинг меҳнатга ҳақ тулаш фондига нисбатан 25 фоизли ставкада 2,1 трлн.сўм ягона ижтимоий тўлов, ставка 12 фоизга пасайтирилганда, меҳнатга ҳақ тулаш фондига нисбатан ЯИТ 1,02 трлн.сўмни ташкил этгани ҳолда бир йилда 1,1 трлн.сўмдан ортиқ корхоналар ихтиёрида қолиши ёки мазкур тўлов бўйича қарздорликларни камайиши ҳисоб-қитоб қилинди (2.7-жадвал).

2.7-жадвал

ЯИТ ставкасининг қарздорликка таъсири таҳлили¹³⁶, млрд. сўм

Тўловчилар	Сони	Амалдаги ставкада ҳисобланган		Таклиф этилган ставкада ҳисобланган		Фарқи	
		ставка	сумма	ставка	сумма	ставка	сумма
Давлат улуши 50% дан юқори корхоналар	966	25%	2 134,1	12%	1 024,4	-13%	-1 110

Ягона ижтимоий тўлов ставкасининг қарздорликка таъсири нуқтаи назаридан давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган «А» корxonанинг 2018

¹³⁵ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

¹³⁶ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

йилги фаолияти ўрганилганда, 2019 йил 1 январь ҳолатидаги қарздорликни амалдаги ставкасининг пасайтирилиши ҳисобига 96,7 фоизга камайтириш мумкинлиги маълум бўлди (2.8-жадвал).

2.8-жадвал

ЯИТ ставкасининг қарздорлик ҳажмига таъсири таҳлили¹³⁷, млн.сўм
(Давлат улуши 50 фоиздан юқори «А» корхонанинг 2018 йилги фаолияти мисолида)

Қарздорлик 01.01.2018 й.	Ҳисобланди		Тўланди	Қарздорлик 01.01.2019 й.		Фарқи	
	25% ставкада	12% ставкада		25% ставкада	12% ставкада	Суммада	Фоизда
67 669,6	150 208,2	72 099,9	142 257,7	75 620,1	-2 488,2	-73 131,9	96,7

Солиқ қарздорлигини келиб чиқиш сабабларидан бири солиқларни, шу жумладан белгиланган муддатида тўланмаган молиявий санкцияларни тўлов муддатидан кейинги кундан бошлаб ҳисобланадиган молиявий санкция – пеня миқдори ва уларни қўллаш механизмларидир. Тадқиқотда пеня миқдорини тўланмаган жорий солиқ ва текшириш натижаси бўйича ҳисобланган қўшимчалардан келиб чиқилиши ўрганилган (2.9-жадвал).

2.9-жадвал

Пеня миқдорини жорий солиқ ва текширишлар бўйича ҳисоб-китоби¹³⁸

Йиллар	Қарздорлик	Амалдаги меъёр			Таклиф этилаётган меъёр			Фарқи сумма (млн. сўм)	Марказий банк қайта- молиялаш ставкаси (йиллик)
		бир кун учун (фоиз)	бир йил учун (фоиз)	сумма (млн. сўм)	бир кун учун (фоиз)	йил учун (фоиз)	сумма (млн. сўм)		
Муддатида тўланмаган солиқлар бўйича қарздорлик (млн.сўм)									
01.01.2015	4 754 905	0,05	18,25	86 777,0	0,045	16,43	78 099,3	-8 677,7	10%
01.01.2016	5 720 795	0,05	18,25	104 404,5	0,045	16,43	93 964,1	-10 440,5	9%
01.01.2017	8 090 595	0,05	18,25	147 653,4	0,045	16,43	132 888,0	-14 765,3	9%
01.01.2018	5 284 806	0,033	12,05	63 655,5	0,045	16,43	86 802,9	23 147,5	11,5%
01.01.2019	4 230 113	0,033	12,05	50 951,7	0,045	16,43	69 479,6	18 527,9	14,5%
Текширишлар натижасида ҳосил бўлган солиқ қарзи (млн.сўм)									
01.01.2015	2 215 122,2	0,05	18,25	40 426,0	0,06	21,9	48 511,2	8 085,2	10%
01.01.2016	1 971 520,6	0,05	18,25	35 980,3	0,06	21,9	43 176,3	7 196,0	9%
01.01.2017	1 251 603,3	0,05	18,25	22 841,8	0,06	21,9	27 410,1	4 568,3	9%
01.01.2018	671 235,5	0,033	12,05	8 085,1	0,06	21,9	14 700,1	6 615,0	11,5%
01.01.2019	793 476,8	0,033	12,05	9 557,4	0,06	21,9	17 377,1	7 819,7	14,5%

¹³⁷ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

¹³⁸ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Бунда, 2014-2016 йилларда 0,05 фоиз миқдорида белгиланган пенянинг солиқлар рағбатлантирувчи функциясига салбий таъсир этганлиги таҳлил қилиниб, муддатида тўланмаган солиқлар бўйича ҳисобланадиган пенянинг йиллик миқдори Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасига нисбатан икки бараварга ортганлиги кузатилди (2014 йилда $18,25-10=8,25$ ёки 2015 йилда $18,25-9=9,25$).

Шунингдек, 2018 йилда текшириш натижаларига кўра, қўшимча ҳисобланган солиқлар ҳисобига ҳосил бўлган қарздорлик жами қарздорликка нисбатан ўртача 16 фоизни ташкил этганлиги ҳамда солиқ тўловчилар томонидан солиқларнинг ўз вақтида тўланмаслиги ҳисобига улардан фаолиятларини юритиш учун айланма маблағ сифатида фойдаланишлари ёки солиқ мажбуриятларини тўлиқ етиб тушунмаслиги оқибатида ушбу суммаларнинг бюджетга ўз вақтида келиб тушмаслиги тадқиқ этилган.

Жумладан, жадвалдаги маълумотлардан кўринадикки, солиқларнинг муддатида тўланмаганлиги учун 2017 йилдаги пенянинг йиллик миқдори Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан атиги 0,55 фоизга (12,05 - 11,5) юқорилиги ва 2018 йилдаги миқдорнинг 2,45 фоизга пастлиги таъсир чорасининг сусайишига олиб келган.

Жорий солиқ қарздорлиги ва молиявий санкциялар муддатида тўланмаганлиги учун пеня миқдори 2018 йил Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан пасайиб кетиши оқибатида таъсир чораси камайганлиги солиқ интизоми сусайишига олиб келди.

Шу сабабли, солиқ мажбуриятларини ўз вақтида бажариш, солиқ қарзини олдини олиш ва тўловчиларда тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш мақсадида пеня миқдорларини тўғридан-тўғри Маказий банкнинг мамлакатда инфляция даражасини ҳисобга олган ҳолда белгилаган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиқиш ва мазкур механизмнинг таъсирини оширган ҳолда оптималлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Солиқ тўловчи солиқларни тўлаш муддатини бузган тақдирда тўлаши лозим бўлган пеня ҳар бир кечиктирилган кун учун Марказий банкнинг шу

даврдда амалда бўлган қайта молиялаш ставкасининг уч юздан бирига тенг фоизларда белгиланиши бўйича таклифлар устама жарималарни таъсирчанлигини оширишга қаратилган. Масалан, солиқларни муддатида тўланмаганлиги учун пеня миқдорини айнан 300 кунга бўлинганлиги (МБҚМС 16% / 300 кунга=0,053%) амалдаги миқдор билан фарқли ўларок (0,053% x 365=19.4%) 3,4 фоизли пунктга таъсирчандир. Таъсир чораларнинг жуда ҳам ортиши солиқларнинг рағбатлантирувчи роли камайишига олиб келади (2.10-жадвал).

2.10-жадвал

Пеня миқдори бўйича ҳисоб-китоби¹³⁹, млрд.сўм

Қарздорлик тури	сон	Сумма	Ҳар бир кун учун фоиз	1 йил учун фоиз (365 кун)	МБҚМ ставкаси	МБҚМ ставкасининг 1/300	1 йил учун фоиз (365 кун)	МБ ставкасига нисбатан	
								Кунга	Йилга
Ставка			0,045	16,4	16	0,053	19,5	0,0095	3,4667
Асосий	74 233	1 326,5	596,9	217,9	212,2	707,5	258,2	126	45,9
Ставка			0,06	21,9	16	0,053	19,4	- 0,007	- 2,4
Текшириш натижасида	3 078	793,5	0,476	173,8	126,9	0,42	153,3	- 0,056	- 20,5

Давлатнинг иқтисодий таянчи бўлган солиқлар тушумини таъминлашда банкларнинг ўрни беқиёс. Тўғри банклар ўзларининг миқдорларидан солиқларни тўлашларида ёки уларнинг ҳисобварағидан мажбурий ундиришда давлат даромадлари нуқтаи-назаридан маъқулланса, аксинча солиқ тўловчилар томонидан норозиликлари орқали бошқа банкларга кўчиб юриш ҳолатлари кўпаяди.

Шунга кўра, бугунги кунда амалиётда солиқ қарздорлигини ундиришнинг дастлабки босқичларида кўрсаткичларнинг пастлиги эътироф этилиб, қарздор корхонанинг банкдаги ҳисоб рақамига ва дебиторлари ҳисобидан ундириш учун қўйилган инкассо топшириқномларни тўлиқ ижро

¹³⁹ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

этилмасдан ундиришнинг якуний босқичи суд тартибида мол-мулки ҳисобидан ундириш ҳисоб-китоб қилинди.

Ушбу якуний босқич жараёнида ҳам қатор камчиликлар туфайли, айниқса судларнинг мол-мулки ҳисобидан ундириш бўйича қарорлари Мажбурий ижро бюросининг ҳудудудий бўлимларида ижрочилар штат бирлиги етишмаслиги, иш юритувида ДСХО ижро ҳужжатидан ташқари бошқа ижро ҳужжатлар мавжудлиги ҳисобига солиқ қарздорлигини мол-мулкидан ундириш ижро ҳужжатлари етарли даражада ташкил этилмаслигини кўрсатмоқда.

Ҳусусан, суд ижро ҳужжатида қарздорнинг мол-мулкидан ундириш белгиланган бўлсада, давлат ижрочилари томонидан ундирув асосан қарздорнинг банк ҳисоб рақамидан амалга оширилмоқда (Мисол учун 2019 йилнинг 7 ойлик ундирув таҳлил қилинганда, ундирилган сумманинг 97,3 фоизи ҳисоб рақам орқали ва атиги 2,3 фоизи мулк сотуви ҳисобидан ундирилган ҳолос. Мазкур ундирилган солиқ қарзининг 82 фоизи вазирлик таркибига кирувчи йирик корхоналар солиқ қарзи бўлиб, Республикадан айнан йирик корхоналарнинг солиқ қарзи учун ажратилган пул маблағлари ҳисобидан келиб тушган суммаларга тўғри келади.

Давлат ижрочилари томонидан ижро ҳужжати бўйича қарздорнинг манзилига чиқиб ижро ҳаракатларини олиб бормасдан, ташқи манба (МИБнинг қарздорни мол мулкини электрон аниқлаш тизими) маълумотларидан фойдаланиб, қарздорнинг мол-мулки йўқлигини ваҳ қилиб 2001 йил 29 августда “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунинг 40-3-моддасига асосан ижросиз қайтаради (мисол учун 2019 йилнинг ўтган 7 ойи давомида 12 мингта 360,7 млрд. сўмлик суд ижро ҳужжатлари ижросиз қайтарилган).

Солиқ қарздорлигининг юридик шахслар молия-хўжалик фаолиятига салбий таъсирини камайтириш мақсадида ва солиқ тўловчи белгиланган муддатларда солиқларни тўлаш мажбуриятларини бажармаган бўлса, солиқ

қарзини ундиришнинг дастлабки босқичида ДСХО томонидан солиқ тўловчига солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома билан бир вақтда давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ қарзи белгиланган муддатда қопланмаган тақдирда ундирув қарздорнинг мол-мулкига қаратиладиган миқдордаги солиқ қарзи суммасини кўрсатган ҳолда гаров реестрига ёзув киритилиши ва ушбу ёзув солиқ қарзи тўлиқ қопланганидан ёки ҳисобдан чиқарилганидан кейин гаров реестридан ўчирилиши, юридик шахсларнинг солиқ қарздорлигини тўлашдан қочиш мақсадида мол-мулкларни сотиб юбориши ёки бошқа бир корхонага (таъсисчи битта) қўшилиб кетиши каби йўллардан фойдаланишига чек қўйилади.

Иккинчи боб бўйича хулоса.

1. Солиқ қарзини мажбурий ундиришнинг бугунги кундаги ҳолати таҳлил этилганда, давлат солиқ хизмати органлари томонидан олиб борилаётган саъий ҳаракатлар зоя кетаётганлиги ва ундирилган суммага нисбатан номутаносиблиги яққол намоён бўлди.

2. Солиқ маъмуриятчилигининг солиқ қарздорлигини ундиришдаги мавжуд муаммолари, яъни давлат солиқ хизмати ва бошқа мазкур вазифага масъул бўлган мутасадди ташкилот ва идораларнинг солиқ қарзини ундиришни бугунги кундаги механизмлари самарасизлиги ва аксарият ҳолларда қарздорликни ундириш эмас, уларни кечиш (ҳисобдан чиқариш) амалиётига мослашиб қолганлиги кўриниб турибди.

3. Ҳозирги замонавий солиқ маъмурчилиги нафақат солиқ қарздорлигини мажбурий ундириш механизмларини такомиллаштириш зарур, балки, мазкур солиқ қарздорлигини замонавий ахборот телекоммуникация технологиялари орқали юзага келишини олдини олиш, солиқ тўловчилар томонидан ихтиёрий тўлаш бўйича ҳуқуқий саводхонлигини оширишга йўналтирилган тарғибот ва тушунтириш ишларига эътибор кучайтирилиши мақсадга мувофиқ.

4. Солиқ қарздорлигини ундириш бўйича амалда қўлланиб келинаётган меъёрий ҳужжатлар кетма-кетлиги тузиб чиқилди. Ҳозирги кунда солиқ қарздорлигини ундириш фақат Солиқ кодекси билан ва Солиқ органи томонидан эмас, балки солиқ қарзини ундириш жараёни босқичига қараб, бир нечта меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солиниб, бир қатор органлар томонидан назоратга олинган деган хулосага келинди.

III. БОБ. СОЛИҚ ҚАРЗДОРЛИГИНИ КАМАЙТИРИШНИНГ САМАРАЛИ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Солиқ қарздорлигини камайтиришга доир илғор хориж тажрибаси ва улардан фойдаланиш йўналишлари

Кўплаб юксак иқтисодий салоҳиятга эга бўлган, шу жумладан иқтисодиёти энди ривожланаётган давлатларда ҳам солиқ қарзини мажбурий ундириш масаласи долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки, хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиб амалиётга жорий этишда, у давлатнинг миллий, сиёсий, иқтисодий қолаверса, тарихий соҳаларидаги айрим қирраларга аҳамият бериб, ушбу тажриба бизга қай даражада тўғри келишига ижодий ёндашиш керак бўлади.

Ҳозирги замонавий солиқ маъмурчилиги нафақат солиқ қарздорлигини мажбурий ундириш механизмларини такомиллаштириши зарур, балки, мазкур солиқ қарздорлигини илғор хорижий тажрибаларга таянган ҳолда замонавий ахборот телекоммуникация технологиялари орқали юзага келишини олдини олиш, солиқ тўловчилар томонидан ихтиёрий тўлаш бўйича ҳуқуқий саводхонлигини оширишга йўналтирилган тарғибот ва тушунтириш ишларига эътиборини кучайтириш самаралироқ ҳисобланади.

Демак, солиқларни мажбурий ундириш жараёнига сарфлашдан кўра, уларни пайдо бўлишига йўл қўймаслик тадбирларига сафарбар этиш афзалдир. Чунки, солиқ қарздорлиги ҳам давлат учун ҳам солиқ тўловчи учун негатив оқибатларни келтириб чиқаради.

Масалан, қарздорлик сабабли давлат учун бюджетга етарли даражада маблағлар келиб тушмайди ёки кеч тушади. Бу эса ўз навбатида давлат харажатларининг молиялаштириш ҳажми, яъни ижтимоий тўловлар қисқаришига ва ўз вақтида амалга оширилмасдан қолишига, шунингдек ушбу қарздорликни мажбурий ундиришга қўшимча маблағлар сарфланишига олиб келади. Солиқ тўловчига эса қўшимча текшириш, пеня, жарималар ва ўз навбатида, улар ҳисобига қарздорликни янада ошишига олиб келади.

Хорижий давлатларнинг солиқ қонунчилигида солиқ қарзини ундиришнинг 2 та босқичи мавжуд. Булар: биринчиси солиқ органи томонидан солиқ қарзини мажбурий ундирувга қаратишни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар ҳамда иккинчиси бевосита ундирувни солиқ тўловчининг мол мулкига қаратишдир. Биринчи босқич солиқ органи, яъни давлат ўзининг кредиторидан қарз мажбурияти (солиқ мажбурияти)ни бажаришини талаб қилишини ўз ичига қамраб олади. Иккинчи босқич ундирувни унинг пул маблағларига, мол мулкига, дебиторларига қаратишни белгилаб беради. Аксарият хорижий давлатларда бу чораларни солиқ маъмурияти (органи) томонидан амалга оширади. Шу ўринда МДХ, Осиё, Европа ва Шимолий Америка ва бошқа давлатларнинг солиқ қарзини ундиришдаги тажрибаларидан айрим элементларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Россия Федерациясида (РФ) юридик шахсларнинг солиқ қарздорлиги юзага келгандан сўнг (РФ СКнинг 69-70 моддаларига кўра) 3 ойлик муддат ичида солиқ тўловчига талабнома юборилади. Агар солиқ қарзи 500 рублдан кам бўлса, талабнома солиқ тўловчига 1 йил муддат ичида юборилади. Шу билан бирга солиқ қарзи солиқ текширув якуни бўйича юзага келган бўлса, ушбу қарздорликка талабнома 20 кун ичида юборилиши керак. Агар талабномада бошқача муддат кўрсатилмаган бўлса, қонун бўйича талабноманинг ижро муддати 8 кунни ташкил этади, яъни солиқ тўловчи талабномани олгандан сўнг 8 кун ичида солиқ қарзини тўлаб бериши керак.

Акс ҳолда, талабнома муддати тугагандан сўнг, солиқ органи қуйидаги тартибда мажбурий ундирув чораларини кўради. Жумладан:

- Талабнома муддати тугагандан сўнг, Солиқ кодексининг 46-моддасига кўра, 2 ой муддат ичида солиқ органи томонидан “Қарз суммасини солиқ тўловчининг ҳисоб рақамидан ундириш тўғрисида” қарор қабул қилади ва 6 кун ичида солиқ тўловчига етказилади ҳамда солиқ тўловчининг банкдаги ҳисоб рақамига солиқ органининг топшириқномаси юборилади.

Юборилган топшириқнома асосида солиқ тўловчининг ҳар қандай ҳисоб рақамидаги (мақсадли ёки мақсадсиз) маблағлардан солиқ қарзи бюджетга ундирилади.

• Шу билан бирга, талабнома муддати тугагандан сўнг РФ СК 47-моддасига асосан 1 йил ичида “Солиқ қарздорлигини мол мулки ҳисобидан ундириш тўғрисида” қабул қилинган солиқ органи қарори 3 кун муддат ичида жойлардаги Суд ижрочилар бўлимига юборилиб, ижроси таъминланади. Талабнома муддати тугагандан сўнг 1 йил ичида мол мулкдан ундириш бўйича солиқ органи қарор қабул қилмаса (улгурмаса, кечикса ва х.к.), кейинги 2 йил ичида солиқ органи солиқ қарзини ундириш бўйича Судга даъво ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Бирок, айнан шу 2 йил ичида солиқ органи мустақил қарор қабул қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилади, яъни ушбу солиқ қарзи фақат суднинг қарори билан мажбурий ундирувга қаратилади¹⁴⁰.

Шунингдек, солиқларни мунтазам, ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлаш мақсадида, РФ СКнинг 11-бобида¹⁴¹ солиқ тўловчиларга таъсир кўрсатувчи ва улар мажбуриятларининг виждонан бажарилишини рағбатлантирувчи чора-тадбирлар белгиланган. Кўриб чиқиладиган тушунча норматив ҳужжатларда кўрсатилмаган бўлсада, чора-тадбирлар рўйхати таҳлили ва уларнинг моҳияти асосида уларни аниқлаш мумкин.

Россия Федерациясида солиқ тўловчи (солиқ агенти) – юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркорнинг мол-мулки ҳисобидан солиқни ундириш солиқ органи раҳбари (раҳбар ўринбосари) қарори билан, уни қоғоз ёки электрон шаклда ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида суд ижрочисига юбориш орқали амалга оширилади¹⁴². Россияда солиқни муддатида тўламаган ташкилотлар учун пеня фоиз ставкаси 30 календарь кунига қадар (ҳар бир кун учун) Россия Федерацияси Марказий банкининг 1/300 ва 31 кунидан бошлаб 1/150 қайта молиялаштириш ставкасига тенг

¹⁴⁰ Россия Федерациясининг Солиқ кодекси. IV боби. <http://base.garant.ru/10900200/>

¹⁴¹ Россия Федерацияси Солиқ кодекси 11-боби. “Norma” электрон дастур.

¹⁴² Россия Федерацияси Солиқ кодексининг 46-47-моддалари. www.norma.uz

миқдорда белгиланган¹⁴³. Қоидага кўра, пенялар ихтиёрий равишда ёки солиқ бўйича қарздорлик суммаси билан биргаликда тўланади ёхуд суд тартибида ундирилади.

Пенялар қарздор томонидан солиқ бўйича юзага келган қарздорлик бўйича тўланади. Пеняларни ҳисоблаш РФ СКнинг 75-моддасида белгиланган. Пенялар солиқ тўлаш муддати кечиктирилган ҳар бир кечиктирилган кун учун тўланиши лозим. *(Масалан, 2017 йил учун ҳисобланган мол-мулк солиғи 2018 йил 1 декабрдан тўланмаса, 2 декабрдан бошлаб пеня ҳисоблана бошлайди).*

Банк ҳисоби операцияларини тўхтатиб туриш. Ушбу чоранинг қўлланилиши РФ СКнинг 76-моддаси¹⁴⁴ билан тартибга солинади. Унинг моҳияти ҳам модда номига мувофиқ бўлиб, солиқ тўловчининг банкдаги ҳисоб рақами операциялари тўхтатиб қўйилади.

Умумий қоидалар бўйича қарор солиқларни тўлаш бўйича талабнома юборилган Федерал солиқ хизматининг раҳбари томонидан қабул қилинади. Қарорда банк ҳисоб рақами бўйича амалга оширилиши мумкин бўлган операция суммаси кўрсатилади. Банк ушбу ҳужжатни қабул қилиб олгач, ундаги талабни бажаришга мажбур. Солиқ ундириб бўлингач қарор бекор қилинади. Қарорни бекор қилиш солиқ органининг бошқа қарори ёки РФ СКнинг 76-моддасида кўрсатилган бошқа асосларга кўра бекор қилинади.

Канадада солиқ қарзини вужудга келишини олдини олиш мақсадида давлат биринчи навбатда интизомсиз солиқ тўловчиларга нисбатан уларнинг солиқ қарзларини ундириш борасидаги аниқ ва ҳар бир ўзига хос жиҳатини ҳисобга олган ҳолда тегишли ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқишга эътибор беради¹⁴⁵.

¹⁴³ Россия Федерацияси Солиқ кодексининг 75-моддаси. www.norma.uz - Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар электрон базаси.

¹⁴⁴ Россия Федерацияси Солиқ кодексининг 76-моддаси 2-банди. www.norma.uz - Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар электрон базаси.

¹⁴⁵ Матюшин А. В. Законодательство зарубежных стран о совершенствовании процедуры взыскания налоговой задолженности. Налоговые и таможенные проблемы. Бизнес в законе. М.: 2009 №1'Стр. 116-121.

Қозоғистон тажрибасида солиқ органи қарздорликни таваккалчиликларни бошқариш тизимига мувофиқ юқори ёки ўртача хавф даражаси сифатида таснифланган солиқ тўловчи юридик шахс (солиқ агенти), унинг таркибий тузилмаси, доимий муассаса орқали Қозоғистон Республикасида иш олиб боровчи норезидент ва хусусий амалиёт билан шуғулланадиган яқка тартибдаги тадбиркорнинг банк ҳисоб рақамларида ва дебитори ёхуд унинг банк ҳисоб рақамларида пул маблағлари мавжуд бўлмаган тақдирда, солиқ тўловчининг розилигисиз, унинг тассаруфида бўлган мол-мулкдан ундириш тўғрисида солиқ органи қарори асосида ваколатли юрилик шахслар томонидан савдолар ўтказиш йўли билан реализация қилиш ҳисобига амалга оширилади. Шу билан бирга, пеня миқдори солиқ тўловчининг ҳар бир кечиккан куни учун Қозоғистон Республикаси Миллий банкининг расмий қайта молиялаш ставкасидан 1,25 барабар миқдорда ундирилади¹⁴⁶

Белорусия ва Қирғизистон Республикаларида эса солиқ қарзини ундиришда дастлабки, яъни огоҳлантириш ва пул маблағлари ҳамда дебитор қарзлари ҳисобидан ундириб бўлмагандан сўнг, солиқ қонунчилигига асосан ундирув қарздорнинг мол мулкига суд тартибида қаратилади. Бироқ, ҳужжатлар судга берилишидан олдин солиқ органининг қарорига биноан, қарздорнинг мол мулк ва активлари хатланиб банд солиб қўйилади.

Арманистон Республикасида эса юридик шахс солиқ ва мажбурий ажратмалар бўйича ўз мажбуриятини бажармагандан сўнг 10 кун муддат ўтгач, солиқ органи унинг мол мулкidan ундириш бўйича судга даъво киритади. Агар 183 кун давомида, яъни 6 ой давомида ҳар қандай юридик шахс ўз мажбуриятини тўлиқ бажармаса, солиқ органи судга юридик шахсни тўлов қобилиятига эга эмас “банкрот”лиги юзасидан даъво киритади¹⁴⁷.

¹⁴⁶ Қозоғистон Республикаси Солиқ кодексининг 117 ва 124-моддалари. www.pogma.uz - Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар электрон базаси.

¹⁴⁷ Пронин С. Б. Взыскание задолженностей по налогам с организаций -М. : Журн.» Горячая линия бухгалтера», 2006. С.216.

Солиқ қарзини ундириш бўйича жиддий муаммоси бўлмаган давлатлардан бири бу Япониядир. Солиқ қарзи билан курашишда эса автоматлаштирилган чора-тадбирлар тизими ишлайди. Бундай тизим солиқ тўловчининг қарзи пайдо бўлиши биланоқ унга электрон тарзда турли усулларда махсус хабарлар, эслатмалар юборади. (Телефон, факс, интернет почталари ва ҳ.к.).

Таъкидлаш жоизки, Японияда солиқ тўловчиларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, маслаҳатлар ва ахборот бериш, хабардор қилишга йўналтирилган бутун бир давлат дастури мавжуд бўлиб, солиқларни ихтиёрий тўлаш маданиятини оширишда муносиб ҳисса қўшиб келмоқда¹⁴⁸.

Солиқ тўловчи қонун билан белгиланган муддатдан кечикиб солиқ тўловини амалга оширганда, қуйидаги молиявий чоралар кўрилади дастлабки кечиктирилган 2 ой учун 7,3 фоиз йилик миқдорда (фоиз ставкалари банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиқиб ҳар йили ўзгартирилади), 2 ойдан ошган қисмига 14,6 % йиллик фоиз миқдорда пеня ҳисобланиши белгиланган¹⁴⁹.

Шу билан бирга, солиқ органида “шошилинич алоқа тизими” (горячая линия) ташкил этилган бўлиб, улар солиқ тўловчиларга солиқ қонунчилиги бўйича тўхтовсиз равишда изоҳлар тушунчалар бериб боради, турли хил семинарлар уюштиради, газета ва журналлар, брошюралар тарқатади. Бу эса солиқ қонунчилигида “шаффофлик”ни юзага келтиради. Солиқ қарзи пайдо бўлганда эса, қарздорга зудлик билан талабнома юборилади.

Юборилган талабнома 10 кун ичида ижро қилинмаса, мол мулкни хатлаш иши бошланади. Мол мулк хатланганда ҳар қандай нарса хатланиши мумкин, бироқ айрим истисно ҳолатлар ҳам мавжуд. Булар хатлаш таъқиқланган мулк, иш ҳақи даромади, нафақа пуллари. Шу билан бирга қарздорликдан ортиқча мулкни хатлаш ёки унга етмайдиган ёки беҳуда

¹⁴⁸ Матюшин А. В. Законодательство зарубежных стран о совершенствовании процедуры взыскания налоговой задолженности. Налоговые и таможенные проблемы. Бизнес в законе. М.: 2009 №1'Стр. 116-121.

¹⁴⁹ An Out Line of Japanese TAX ADMINISTRATION 2008.

хатлаш мумкин эмас. Айрим ҳолатда 10 кун ичида хатлаш амалга оширилгунга қадар солиқ тўловчи мол мулкани тарқатиб юбориши мумкин.

Япония қонунчилигида бу ҳолат ҳам ҳисобга олиниб, олдиндан хатланиши ёки сақлаш учун гаров олиш, сақлаш мақсадида хатлаш каби тадбирлар ҳам амалга оширилиши мумкин. Солиқ қарзини ундириш қийин бўлган ҳолларда солиқ тўловчининг маълум бир мулки бўйича маълум равишда боғлиқ бўлган учинчи шахсдан ҳам солиқ қарзи ундириши мумкин.

Бу солиқ қонунчилигида иккиламчи солиқ тўлаш мажбурияти деб юритилади. Мулк хатлангандан кейин қоида бўйича кимошди савдосида сотилиб давлат бюджетига ундириши лозим, лекин ушбу ҳолат тадбиркорнинг фаолияти ёки яшаш шароитини қийинлашишига олиб келади ҳамда келажакда ушбу тадбиркордан солиқлар ундирилиши самаралироқ деб топилганда ва солиқ тўловчини ушбу ҳолатга виждонан ёндашади деб ҳисобланганда, солиқ тўлашни енгиллаштириш тизимидан бири қўлланилади. Бу “Реализация қилишни кечиктириш” дейилади.

Кечиктиришда солиқ қарзини тўлаш муддати 2 йилдан ошмаслиги керак. Ушбу даврда хатланган мол мулк сотилмай турилади. Агар мажбурий ундирувда мол мулк мавжуд бўлмаса ёки солиқ тўловчининг яшаш шароитини жуда оғирлашуви юзага келса, мажбурий ундирув тўхтатилади. Бу ваколат солиқ инспекцияси бошлиғининг ваколатларидан бири ҳисобланади. Солиқ тўловчи мажбурий ундирувдан қочиш мақсадида мол мулкани яширса ёки қонунга зид равишда тасарруф қилса 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки 500 минг йенгача жарима солиш ёки озодликдан маҳрум қилиб жарима солиш каби жазо чоралар қўлланилиши мумкин. Бундан ташқари суд тартибида, банкрот қилиш, мажбурий тартибда қимматли қоғозлар эмиссия қилдириш, чет элга ўтказилган маблағларни репатриация (қайтариш) қилиш каби жазолар қўллашга сабаб бўлади¹⁵⁰.

¹⁵⁰ Тангрикулов А, Хомма А, Тошматов Ш, Норқўзиев И, Розиков Н. Солиқ қарзи ва уни ундириш. Ўқув қўлланмаси. – Т.: “Янги аср авлоди” нашриёти – 2010. (80-94 б)

Малайзия тажрибасидан шу нарса маълумки, агар юридик шахс солиқ қарздорлигига йўл қўйса унга биринчи навбатда солиқ қарзининг 10% миқдорида пеня (устама жарима) қўйилади. Агар 60 кун давомида солиқ тўловчи мавжуд қарзини ва қўйилган пеняни тўлай олмаса у ҳолда унга нисбатан яна солиқ қарзининг 5% миқдорида жарима белгиланади.

$$A*10\%=B, (A+B)*5\%=C$$

Бу ерда А - солиқ қарзи, В - 10%лик пеня миқдори, С - 5%лик пеня миқдори¹⁵¹.

Жаҳон амалиётида солиқ қарзини мажбурий ундирувга қаратиш адолатли ёндашув бобида турли нуқтаи назарга эга. Ана шундай қарашларнинг бирига кўра қарздор корхоналарни “нафас ростлаши” учун маълум имкониятлар яратилиши корхонанинг қайтадан “оёққа туришини” таъминлашга ёрдам беради. Бундай тажриба кўпроқ солиқ тўловчининг манфаатлари учун ишлайдиган ривожланган мамлакатларга тегишлидир. Масалан, Англияда қарздор корхонанинг қарзини ундириб олиш учун судга мурожаат қилинганида, қарзи устига янги қарзлар қўйилмаслиги учун улар давлат божи тўловидан озод этилган¹⁵².

Англияда солиқ ундириш учун энг асосий мезон солиқ тўлаш ёки ундириш харажати давлат учун ҳам солиқ тўловчи учун ҳам энг минимал даражада бўлиши керак. Шунингдек, солиқ органлари солиқ қарзларини ундиришда ваколатлари кенг бўлиб, қайд қилиб ўтилган тўлов муддатлари агар солиқ тўловчи томонидан етарли далиллар тақдим этилган бўлса, солиқ органи томонидан узайтирилиши ёки бўлиб-бўлиб тўлаш учун имкон берилиши мумкин.

Ўзбекистон ва Англияда солиқ қарзларини ундиришни таққослаб чиқсак, бир-бирига қарама-қарши томонлар ҳам мавжуд. Мисол учун, Ўзбекистонда энг кўп ишлатиладиган чора бу банкдаги ҳисоб рақамига

¹⁵¹ Laws of Malaysia, Income Tax act 1967, Act 53 as at 1 September 2014.

¹⁵² Ташпулатова Д.Ш. Ривожланган давлатлар тажрибаси асосида Ўзбекистонда солиқ қарзларини ундиришни такомиллаштириш истикболлари. “Миллий иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси маъруза тезислари тўплами.-Т.: ТМИ, 2013. Б.416.

инкассо топшириқномасини қўйиш билан ундириш. Бунинг учун Англияда суднинг қарори бўлиши керак. Англияда энг кўп кўриладиган чора бу мол-мулкни хатлаш бўлиб, солиқ йиғувчилар томонидан амалга оширилади. Ўзбекистонда эса бунинг учун Иқтисодий суднинг қарори чиқарилган бўлиши керак ва бу чора суд ижрочилари томонидан амалга оширилиши керак.

Англияда инкассо топшириқномаси орқали ундиришнинг салбий томонлари баҳоланади, яъни солиқ қарзи аввало банкдаги пул маблағларидан ундириш солиқ тўловчиларнинг молиявий аҳволини ночор қилиб, кейинчалик тўлов қобилиятини пасайишига олиб келади. Натижада, корхона ўзининг оператив бошқарувини молиялаштира олмайди, олиш эҳтимоли бўлган фойда амалга ошмай қолиши мумкин деб ҳисоблайдилар.

Бошқа бир тажрибада қарздор ташкилотнинг кейинги тақдири аҳамиятга эга эмас. Яъни қарздор ўз вақтида солиқ қарзини қопланишидан қатъий назар тегишли жазосини олади.

Данияда махсус компания орқали солиқларни тўлаш амалиёти жорий қилинган. Масалан, Даниянинг барча банклари ҳисоб-рақамларига кириш имкониятига эга бўлган PBS компанияси ўзлари билан тегишли шартномаларни тузган солиқ тўловчилар ўрнига солиқларни тўлаб беради.

Ушбу компания солиқларни қонунчиликда белгиланган муддатларда тўланиши ва тегишли тўловлар суммаларини солиқ тўловчининг ҳисоб рақамларидан ўз вақтида ўтказилишида назоратни амалга оширади.

Банклар томонидан солиқ тўловларини ўз вақтида ва тўғри ўтказиш мақсадида, Дания солиққа тортиш вазирилиги ва Дания банклари ассоциацияси томонидан тузилган битимга мувофиқ, солиқ суммаларини ўтказиш муддатининг кечиктирилишида кечиктирилган солиқ суммаси ёки тегишлилиги бўйича ўтказилмаган солиқ суммасининг 3 фоиз миқдорида жарима ундириш белгиланган¹⁵³.

¹⁵³ <http://worldtaxes.ru/nalogi-v-evrope/nalogovaya-sistema-danii/> Интернет манбаси фойдаланилган.

Бундан ташқари, солиқларни тўланмаслиги ҳолатида ёки солиқ қарзини белгиланган муддатда сўндириш талаби бажарилмаганида солиқларни ундириш мажбурий тартибда ундирувни банк ҳисоб рақамларидаги пул воситаларига ва электрон пул воситаларига қаратиш йўли билан амалга оширилади.

Бунда, Дания қонунчилиги билан солиқ қарздориликни 15 минг крондан (тахминан 8 890 000 сўм) ортгандагина уни мажбурий ундирувга қаратиш кўзда тутилган, акс ҳолда қарздорлик суммаси кейинги йилга ўтказилиши мумкин¹⁵⁴.

Қайд этиш жоизки, Дания солиқ қонунчилигининг барча нормалари солиқ тўловчиларни ўрнатилган солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлашларини қўшимча рағбатлантиришга қаратилган, чунки солиқларни узок вақтлар давомида виждонан тўлаб бораётган солиқ тўловчилар томонидан тўловларнинг тўланиши кечиктирилганда, юзага келадиган пеняларнинг бир қисмини тўлашдан озод қилиш кўринишидаги имтиёзлар берилади.

Дания қонунчилиги билан мустаҳкамланган солиқ нормалари қулай бўлиб, солиқ тўловчилар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган, бу уларнинг ўз ҳаракатларига таянишларига-солиқларни тўлаш бўйича юклатилган мажбуриятларини ўз вақтида тўлиқ бажаришларига имкон яратади.

Америка Қўшма Штатларида ҳам солиқларни мажбурий ундириш жараёнлари етарлича қизиқарлидир¹⁵⁵.

Солиққа тортиш тизими солиқ қонунчилигига риоя этилишида масъулиятнинг катта қисмини солиқ маъмуриятчилигига эмас, солиқ тўловчининг ўзига юклайди, бунда бу тизимнинг самарали ишлаши қатор имкониятларнинг мавжудлиги билан белгиланади. Хусусан,

¹⁵⁴ <http://worldtaxes.ru/nalogi-v-evrope/nalogovaya-sistema-danii/> Интернет манбасидан фойдаланилган.

¹⁵⁵ Попова Л.В. ва бошқалар Налоговые системы зарубежных стран: учебно-методическое пособие. –М.: Изд-во «Дело и Сервис», 2011. – 432 б.

бу барча солиқ тўловчилар учун солиқларни (йиғим) тўлаш тартиби ва муддатларига бўлган талаб юзасидан аҳолининг етарли солиқ маданияти даражасига эгаллиги;

содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг оғирлиги даражасига қараб қўлланиладиган солиқ санкцияларининг тўғри тизими;

солиқ органлари томонидан солиқ тўловчилар декларация тақдим этганидан сўнг яширилган солиққа тортиладиган даромадларни аниқланиши ҳолларида солиқ қарздорлиги суммаларини қўшимча ҳисоблаш бўйича солиқ маъмуриятига тегишли ваколат тақдим этилишида намоён булади.

АҚШнинг солиқ қонунчилигида солиқлар муддатида тўланмаган тақдирда, юридик шахсларга нисбатан огоҳлантириш хати юборилади. Унда солиқ қарзини тўланмаслик сабабини кўрсатган ҳолда тушунтириш берилишини ва 10 кунлик муддатда тўлаб берилиши талаб қилинади. Агар ушбу муддатда қарздорлик тўлиқ ёки умуман қопланмаса, қопланмаган қисмига нисбатан мураккаб фоизда пеня ҳисобланади ҳамда ҳар бир ўтказиб юборилган ойга жарима қўлланилади. Жарима ва пеня миқдорлари АҚШда мавжуд бўлган ҳар қандай кредит ташкилотлари томонидан ҳисобланадиган устамалардан юқори бўлади.

Муддатида тўланмаган қарздорлик бўйича юридик шахс солиқ органига қарздорликни бўлиб тўлаш юзасидан мурожаат қилиши мумкин. Ушбу тизим “Installment Agreement Request” деб номланади. Бунда солиқ органи пеня ҳисоблашни бекор қилмаган ҳолда қарздорликни маълум муддатга ойма ой бўлиб тўлашга рухсат бериши мумкин. Агар бўлиб тўлашда ҳам қарздорликни тўлиқ қоплаш имкони бўлмай солиқ қарздорлиги ошиб кетаверса, у ҳолда солиқ тўловчи солиқ органи билан келишув битими тузишга ҳаракат қилиб кўриши мумкин.

Бу тизим “Offer in Compromise” деб номланади. Бунда солиқ органи солиқ қарзини маълум миқдорда камайтириб тўлашга рухсат этиши мумкин. Фақат бу учун юридик шахс билан солиқ органи ўзаро келишувга келиши керак (Банкротлик ҳолатидаги юридик шахслар бундан мустасно).

Юқорида келтирилган ҳолатларда ҳам солиқ қарздорлиги тўланмаса, солиқ органи қарздорнинг мол-мулки ва мулкка бўлган ҳуқуқларини хатловдан ўтказди. Бунда тўланмаган сумма солиқ тўловчининг ҳар қандай пул маблағлари, мол-мулки, шахсий эғалигидаги буюмлари, кўчмас (турар ва нотурар) объектлари ҳисобидан ундириб олинади. Агарда қарздорнинг мол-мулклари бошқа шахслар ҳисобига ўтказиб юборилган тақдирда ҳам мол-мулклар қайтариб олинди, қарз ҳисобига сотиб ундирилади.


Шунингдек, АҚШнинг солиқ инспекторини фаолиятига таалуқли бўлган ажойиб ҳуқуқлардан бири бу солиқ инспектори томонидан юридик шахснинг солиқ қарзини унинг раҳбарини ёки иш бошқарувчисини шахсий мол-мулкига қаратишдир. Юридик шахснинг солиқ қарзини уни мансабдор шахслари ҳисобидан ундирувга қаратиш, мансабдор шахслар томонидан зудлик билан юридик шахснинг пул маблағлари ва мол-мулки ҳисобидан қарздорликни қоплаб бериш бўйича чора-тадбирларни амалга оширилишига сабаб бўлади. АҚШнинг солиқ қарзини ундиришдаги яна бир эътиборга молик тажрибаларидан бири бу 2006 йил амалга оширилган дастур асосида хусусий “Аутсорсинг” (инг.outsourcing-ташқи манба ёки ресурсдан фойдаланиш деган маънони англатади) компанияларини ташкил этилишидир. Шу йилдан бошлаб АҚШнинг федерал солиқ хизмати солиқ қарздорликларини айрим турларини ундиришни хусусий “Аутсорсинг” компанияларининг хизматларидан фойдалана бошлади. Биринчи босқичда ушбу компаниялар 25000 АҚШ долларигача бўлган солиқ қарздорликларини ундиришни амалга оширишди. Бундай шахслар сони (2006 йилда) 12,5 мингтани ташкил қилган. Албатта бу ваколатларнинг берилиши бу турдаги солиқ ундирувчи “Аутсорсинг” компанияларини қаттиқ назоратга олишни талаб этади. Шу туфайли ушбу компанияларнинг фаолияти АҚШнинг Федерал солиқ хизмати ва Федерал қидирув бюроси томонидан назоратга олинган. Ушбу компаниялар ҳар 5 йилда қайта рўйхатдан ўтадилар, уларнинг хизматчиларини эса ҳар йили Федерал қидирув бюроси бармоқ изларини олиб текширувдан ўтказишади.

Худди шундай ҳолат, яъни хусусий “Коллектор” агентликлар хизматидан солиқ ундирувида фойдаланиш Австралияда ҳам жорий этилган. Бунинг учун давлат ушбу хизматни амалга ошириш ҳуқуқи бўйича тендер ўтказиб, энг яхшиларини танлаб олади. Ўз навбатида бажарилган хизмат учун федерал солиқ тизими уларга маълум даражада ҳақ тўлаб беришади¹⁵⁶.

АҚШ солиқ қонунчилигида солиқ қарздорлигига эга солиқ тўловчи солиқ суммасини ҳамда тегишли пенялар (ҳисобланган фоизлар)ни тўлашдан бош тортиш ҳолларида ундирувни ўрнатилган тартибда унинг мулкига ва мулк ҳуқуқига қаратиш имконияти белгиланган.

АҚШ солиқ органлари солиқ қарзини мажбурий ундиришга қаратишнинг бир қатор чораларини қўллаш ҳуқуқига эга. Солиқ инспекторига солиқ тўловчи, ташкилотнинг қарздорлигини бевосита ташкилотнинг раҳбари (директори, топ-менежери ва бошқалар)дан ундириш бўйича унга берилган ҳуқуқ етарлича қизиқ.

Ундирувни корхона раҳбарларининг шахсий мулкига қаратиш хавфи келтириб ўтилган шахслар томонидан солиқ тўловларини айнан корхона мулки ҳисобидан сўндириш учун етарлича асос бўлади.



3.1-расм. АҚШда солиқ қарздорлигини мажбурий ундириш механизми¹⁵⁷

¹⁵⁶ <http://www.iskran.ru/russ/works99/romanova.html>; <http://www.IRS.com>

¹⁵⁷ Курбанова П.М. Совершенствование механизма администрирования налоговой задолженности. Дисс. на соиск. уч. степ.к.э.н. Дагестанский государственный университет. Махачкала. 2015.

АҚШда солиқ қарздорлигини мажбурий ундириш механизмининг самарали жиҳати шундаки, корхона ва ташкилотларнинг солиқ қарзлари охир оқибат, уларнинг директор, бошқарув ва бошқа раҳбарияти таркиби иш ҳақиға таъқиқ қўйилишидадир.

Шунингдек, Федерал солиқларни тўлашнинг энг яхши усулларидан АҚШ солиқ бошқармаси томонидан таклиф қилинган электрон тўловларнинг ҳар хил вариантларидир. Электрон тўлов бу солиқларни тўлашнинг қулай ва хавфсиз усулидир. Бундай тўловларни онлайн режимида телефон ёки уяли мобил телефон орқали амалға оширилади.

Ўз навбатида Австралия фискал органлари «Assessing business viability» (Бизнеснинг яшаш қобилиятини баҳолаш) ўтказиш ҳуқуқиға эға. Бундай баҳолаш солиқ тўловчи томонидан ўз қарзлари тўлаш ва жорий мажбуриятларини бажариш қобилиятини аниқлаш мақсадида амалға оширилади.

Бундай баҳолаш қуйидаги кўрсаткичлар асосида амалға оширилади: ялпи фойда, пул оқими, активлар ва пассивлар ўртасидаги муносабат (шу жумладан капитал айланма), ликвидлилик коэффициенти, қўшимча молиялаштириш манбаларининг мавжудлиги (Assessing business viability)¹⁵⁸.

Индонезияда солиқ тўламайдиганлар учун “қамчи - ширинлик” усулини қўллаш билан амалға оширилади – интизомли солиқ тўловчилар ҳар қандай рағбатлантирилади ва имтиёзлар такдим этилади. Ҳуқуқий рағбатлантириш – солиқ тўловчининг ихтиёрий хизмат кўрсатган хулқининг юридик маъқулланган шакли ва чораси, натижада субъект мукофотланади¹⁵⁹.

Хитойда ҳам солиқ тўловчиларда солиқларни ихтиёрий тўлаш маданиятини оширишда мамлакатнинг солиққа оид қонун ҳужжатларида солиқ тўловчилар томонидан солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ тўланмаган тақдирда қаттиқ чоралар назарда тутилган. Хусусан, Хитой қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ органлари солиқлар ва йиғимлар олиш учун

¹⁵⁸ Assessing business viability [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://www.ato.gov.au/General/Managing-your-tax-debt/Help-with-paying-your-tax-debt/Assessing-business-viability/>

¹⁵⁹ Малько А.В. Теория государства и права. М.: Юристъ. 1997..С. 17.

мулкка таъқиқ солиш, муҳрлаш, мусодара қилиш ва ким очди савдосида сотиш, солиқ тўловчига нисбатан эса 10000 юандан 50000 юангача миқдорида жаримага тортилиши белгиланган¹⁶⁰.

Солиқ маданияти омили биринчи навбатда солиқлар йиғилувчанлиги даражасига таъсир этади. Бу солиқ органлари фаолияти самарадорлиги белгилайди. Солиқ маданияти – бу нафақат солиққа оид қонун ҳужжатларини билиш, балки фуқаролар томонидан уларнинг солиқлари эвазига давлат томонидан қулай яшаш шароитини таъминлаш учун қанча солиқларни сарф қилинганлигини ҳам тушунишлари керак¹⁶¹.

Яъни, солиқ тўловчиларнинг солиқ маданиятини ошириш билан биргаликда мунтазам равишда солиқ маъмурчилигини ошириш, ҳамда солиқ солиш механизмини соддалаштириш ҳисобланган солиқларни ўз вақтида ундирилишини таъминлайди.

Бу эса ўз навбатида чет элдан инвестицияларни жалб этилишида, ишлаб чиқаришини кенгайтириб, янги иш ўрин яратади ҳамда солиққа тортиладиган база янада кенгайтириб, ўз ўзидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тушумларнинг ўсишига олиб келади.

Швецияда ижтимоий йўналтирилганлик даражаси юқорилиги ҳисобига солиқларнинг ихтиёрий тўлаш даражаси таъминланган. Шунинг учун Швецияда солиқ юки юқори бўлишига қарамасдан, солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлаш бўйича жаҳонда биринчилардан ҳисобланади¹⁶².

Фуқароларнинг манфаатларига жавоб берадиган солиқ сиёсатини юритишда ижобий тажрибага эга бўлган давлатлар қаторида скандинавия халқларидан бири бўлган Швецияни ҳам четлаб ўтиш мумкин эмас.

Солиқларни виждонан тўлашга тайёр солиқ тўловчилар дуч келиши мумкин бўлган турли муаммоларни олдини олиш мақсадида, солиқ

¹⁶⁰ Морозова И.Б., Треушников А.М. Исполнительное производство: учебно-практическое пособие. М.: Городец. 2007. С. 109.

¹⁶¹ Писарева А.С. Повышение налоговой культуры и ее актуальность в увеличении уровня выполнения налоговых обязательств // Государственное и муниципальное управление. Ученые записки СКАГС. 2009. № 4. С. 90-98.

¹⁶² Мигашкина Е.С. Налоговые системы зарубежных стран. М.: МГУУ Правительства Москвы. С. 192 – 193. 2005.

органлари доимий консултациялар ўтказиб боради, имкон қадар ёрдам кўрсатилади, бу билан солиқ тўловчиларнинг манфаатлари ҳисобга олинади, норматив ҳужжатлардаги айрим қарама-қаршилиқлар бартараф этилади, натижада Швеция Парламентида ўртача ҳафтасига битта тузатиш киритиб бориладиган солиқ қонунчилигини такомиллаштириш бўйича доимий ишлар олиб борилади¹⁶³.

Швейцария Европа давлатларининг энг ривожланган давлатларидан бири, солиқ тизими ишонч тамойили ва мустақил декларациялашга асосланади. Солиқ тўловчи ўзининг солиққа тортиладиган капиталининг миқдорини солиқ идораси учун ўз вақтида ва ҳаққоний декларациялаши лозим.

Бироқ, солиқларни тўламаслик ёки солиқларни пасайтириб тўлаш, одатда солиққа тортишдан яширилган сумма миқдоридagi жарима қўлланиши билан жазоланади ва солиқ хизмати томонидан амал қилиш муддати тўрт йил бўлган маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида малакаланади¹⁶⁴.

Ўйлаймизки, юқорида кўрсатиб ўтилган чора айниқса кўплаб ташкилотлар учун давлат билан ҳамкорлик қилиш муҳимлигини инобатга олиб, миллий солиқ қонунчилиги маъмуриятчилигида ҳам жорий қилиниши мумкин, чунки иқтисодий ўсиш жараёнида ўзбек бозорининг ривожланиш шароитларида давлат кўплаб тендерлар ўтказди, турли дастурлар доирасида қатор буюртмаларни амалга оширади.

Латвия давлати тажрибасида кредитор ўз талабини қуйидаги суд жараёни орқали реализация қилиши мумкин¹⁶⁵:

- қўчмас мулкни ихтиёрий равишда аукцион орқали суд тартибида сотиш;

- мажбуриятларини баҳссиз (мунозара) мажбурий ижро этиш;

¹⁶³ Мигашкина Е.С. Налоговые системы зарубежных стран. М.: МГУУ Правительства Москвы. 2005 С 192-193.

¹⁶⁴ Матюшин А. В. Законодательство зарубежных стран о совершенствовании процедуры взыскания налоговой задолженности. Налоговые и таможенные проблемы. Бизнес в законе. М.: №1'2009. Стр. 116-121.

¹⁶⁵ Латвия давлат даромадлари хизмати расмий сайти www.vid.gov.lv. Латвия иқтисодий қонуни. 2016.

- огоҳлантириш тариқасида мажбуриятларини мажбурий ижро этиш;
- даъво киритиш тартибида;
- ҳакамлик судларига мурожаат қилиш тартибида;
- векселлар орқали тўлаш тартибида;
- қарздорни тўловга қобилиятсиз деб тан олиш тартибида.

Латвия давлатида дебитор қарздорликни ундириш жараёни 2 та босқичдан иборат бўлиб, судгача ва суд жараёнида ундириш тартиби белгиланган. Қоидага кўра, судгача бўлган жараёнда кутилган натижага эришилмаганда ёки қарздорлик миқдори юқори бўлганда кредитор судга мурожаат қилади.

Солиқ маъмурчилиги самарадорлигини ошириш ва солиқ қарзларини камайтириш масалалари Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларининг устувор вазифаси саналади, чунки қарздорликнинг камайтириш ўзгармас солиқ юки даражасида бюджет даромадларини тўлдириш учун захиравий манба ҳисобланади.

Молия соҳасидаги илм-фанда солиқ қарзларини бошқариш масалалари дастлабки босқичда бўлиб, уларни ҳал этиш борасида махсус амалий ва методологик ишланмалар етарли эмас. Шунингдек, бюджетни режалаштириш методологиясида солиқ қарзларини ундириш кўринишидаги солиқ даромадлари ва тушумлари ҳисобини юритиш масалалари акс эттирилмаган.

3.2. Солиқ қарздорлигини камайтириш усулларини такомиллаштириш

Ўзбекистонда амалга оширилаётган солиқ соҳасидаги туб ислохотлар, солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар, шунингдек солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш йўлида олиб борилаётган ишларнинг кўлами кенг албатта.

Шу билан бирга, солиқ тўловчиларнинг қонун билан белгилаб қўйилган мажбуриятларини, яъни солиқ қонунчилигига мувофиқ ҳисобланган солиқ ва

бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ тўлашларини назорат қилиш механизмлари ҳам такомиллаштирилиб борилмоқда.

Диссертациянинг олдинги бобларида такидлаганимиздек, Ўзбекистон Республикасида амалдаги солиқ қонунчилигига асосан хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларига ўтказиб бермаса ёки тўлашдан бўйин товласа у ҳолда бюджет олдида солиқ қарзи пайдо бўлади.

Ўзбекистонда солиқ қарзини ҳосил бўлишдаги муаммо ва камчиликларни амалдаги ҳолат ва чет эл тажрибасини ўрганиб, тадқиқот жараёнида шундай хулоса қилиндики, солиқ қарзи улуши асосан республикадаги солиқ юкини иқтисодиётнинг тармоқлари ва субъектлари ўртасида тенг тақсимланмаганлиги, солиққа тортишнинг адолат принципларига таянган ҳолда тадбиркорликнинг барча турларини тенг ва тўлиқ ҳажмда солиққа жалб этилишини таъминлаш, фикримизча солиқ тўловчилар солиқ тўловларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда амалга оширгани ҳолда қарздорликни пайдо бўлишини бартараф этади.

Солиқ юки юқори бўлса тадбиркорлик субъектлари фаолиятига салбий таъсир этиб, унинг инвестиция фаолиятини чеклаб қўяди, ушбу ҳолатда корхона фаолиятини тўхтатиши ёки “хуфёна иқтисодиёт”га ўтиб кетишига сабаб бўлди. Иккала ҳолатда ҳам давлат бундан зарар кўради, мамлакат бўйича ишлаб чиқаришнинг пасайишига, охир оқибатда ялпи ички маҳсулотнинг қисқариши, солиқлар орқали келиб тушадиган даромад манбаини торайишига олиб келади.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, охириги йилларда иқтисодиётда солиқларнинг умумий ставкаси пасайиш тенденциясига эга. 2012 йилда мазкур кўрсаткич 44,8 % ни ташкил этган бўлса, 2017 йилнинг маълумотларига кўра 40,5 % га тенг бўлиб, 4,3 фоизли пунктга пасайган. Жумладан, Осиё ва Тинч океани минтақасида ушбу кўрсаткич деярли ўзгармаган бўлса, Африка қитъаси давлатларида 10,3 фоизли пунктга (57,4 %дан 47,1 %га), Марказий Осиё ва Шарқий Европа мамлакатларида

7,9 фоизли пунктга (41,3 %дан 33,4 %га), Европа Иттифоқи ва Европа эркин савдо уюшмасига аъзо давлатларда 3,0 фоизли пунктга (42,6 %дан 39,6 %га), Жанубий Америка мамлакатларида 1,2 фоизли пунктга (53,5 %дан 52,6 %га), Шимолий Америка давлатларида 3,1 фоизли пунктга (42,0 %дан 38,9 %га) пасайган¹⁶⁶.

Ушбу солиқ турини 2018 йидла республикамиздаги 10 минга яқин юридик шахслар тўлайдилар. Албатта бу катта кўрсаткич эмас, бироқ 2014-2018 йилларда бюджетдаги умумий боқиманданинг 35-37%ни ҳамда Давлат бюджетига солиқлар бўйича тушумларнинг 22-25%ни шу солиқ тури ташкил этган.

ҚҚС бўйича солиқ юқини камайтириб солиқ қарздорлигини келиб чиқмаслигини ёки қисқартирилишини таъминлаш мақсадида, бюджет даромадларидаги йўқотишларни ҳисобга олган ҳолда иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Ш.А.Тошматов томонидан кўп омили корреляцион-регрессион таҳлил амалга оширилган¹⁶⁷.

Солиқ ставкасини қанча қилиб белгиланиши бўйича республикамиз олимлари ўртасида кўплаб тортишувлар мавжуд. Айрим олимлар ставкани 18% қилиб белгиланиши таклиф қилса, айримлари 15-17% қилиб белгиланиши тарафдори. Биз солиқ ставкасини камайтириш лозим деб ҳисоблаймиз, лекин унинг миқдорини белгилашда хорижий давлатлар тажрибасига ҳам назар солишни маъқул деб топдик.

Дуненинг 160 дан ортиқ мамлакатларда ҚҚС жорий этилган. Уларнинг аксариятида ставкалар энг мақбул 15 фоиз – 20 фоиз даражасида белгиланади *(14-илова келтирилган маълумотларга кўра ўртача ҚҚС ставкасига 17,5 фоизга тўғри келади)*. Агар солиқ ставкаси оширилса - бизнеснинг

¹⁶⁶ Тошматов Ш. “Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда янги солиқ концепциясининг таъсири: натижалар ва ўрта муддатли истиқболлар”, Республика илмий-амалий конференция номи . ДСҚ МОМ. Т. 2019. 6-бет.

¹⁶⁷ Ўзбекистон Республикаси ДСҚ маълумотлари ва проф, Ш.А.Тошматовнинг докторлик диссертациясидаги маълумотлари асосида тайёрланди.

хуфёна шакли ортади, аксинча ставка пасайтирилса - бюджет даромадларига тушумлар камаяди¹⁶⁸.

Фикримизча, ҚҚС бўйича асосий ставкани 2-5%га камайтириб, ҚҚСдан боқиманда қарздорлиги ошиб бораётган соҳалар бўйича табақалашган ставкалар жорий этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Фикримизча, солиқ солишининг адолатлилик принциpidан келиб чиқадиган бўлсак, бугунги кунда солиқ сиёсати концепцияси доирасида содалаштирилган ва умумбелгиланган тизимида солиқларни тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги солиқ юки даражасидаги фарқнинг тенглаштириш тенденцияси илгари сурилмоқда. Шу сабабли, иш кучи кўп талаб этиладиган йирик солиқ тўловчиларни иш ҳакига нисбатан тўловлар миқдори камайтирган ҳолда, уларнинг харажатларини камайтириш орқали, яъни ишлаб чиқилладиган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматларининг тан нархини пасайтириш орқали фаолиятларини жадаллаштириш ҳисобига тўлов қобилиятини ошириш билан қарздорликларни келиб чиқишини олдини олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Сўнги йилларда миқдори ортиб борган юридик шахсларнинг, айниқса Давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарнинг бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар бўйича, яъни пенсия жамғармасидан, шу жумладан ягона ижтимоий тўлов бўйича қарздорликнинг келиб чиқиш сабаби ЯИТ юкининг юқорилигини келтиришимиз мумкин бўлади. Фикримизча, юридик шахслар зиммасида оғир юк бўлаётган ижтимоий солиқ юкини бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан бирхиллаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқот ишининг 2-бобида ўтказилган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, таҳлил қилинган даврда, яъни 2014-2015 йилларда текшириш натижаларига кўра қўшимча ҳисобланган солиқлар ҳажми ортаданлиги ва ўз навбатида муддатида тўланмаганлиги учун пеня миқдори Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан пасайиб кетиши оқибатида таъсир чораси


¹⁶⁸ <https://www.kommersant.ru/doc/2945195>

камайган. Шу сабабли пеня миқдорини тўғридан-тўғри Маказий банкнинг мамлакатда инфляция даражасини ҳисобга олган ҳолда белгилаган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиқиш ва мазкур механизмнинг таъсирини оширган ҳолда жорий ва текшириш натижасида ҳосил бўлган солиқ қарзига алоҳида-алоҳида тарзда оптималлаштирилиши илгари сурилган.

Солиқ мажбуриятларини ўз вақтида бажариш, солиқ қарзини олдини олиш ва тўловчиларда тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек интизомли солиқ тўловчиларни рағбатлантириш мақсадида пеня миқдорларини илғор хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб тўғридан-тўғри Маказий банкнинг мамлакатда инфляция даражасини ҳисобга олган ҳолда белгилаган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиқиш ва мазкур механизмнинг таъсирини оширган ҳолда бирхиллаштириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, корхоналар ҳисобот даврида йирик миқдорда товарайланма амалга оширади ҳамда белгиланган тартибда ҳисобот топширади, лекин тўлов муддати келгандан сўнг фаолиятини тўхтатиб кўйиш орқали ҳисобланган солиқларни тўламаслиги оқибатида солиқ қарзи юзага келади. Уларнинг балансида мол-мулки мавжуд эмас, дебиторлари тўғрисида маълумот тақдим этмаган ёки дебитори мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот тақдим этган.

Солиқ қарздорлигини тўлашдан қочиш бўйича яна бир муҳим жиҳати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда корхоналарнинг бир ҳудуддан иккинчисига кўчишни тартибга солувчи тизим яратиш ҳамда корхона кўчиш истагини билдирганда, Давлат хизматлари агентлиги Давлат солиқ қўмитаси ҳулосасини олгандан кейин кўчишга руҳсат бериши тартиби жорий этилмоқда.



3.2-расм. Тадбиркорлик субъектининг Давлат хизматлари агентлига бошқа ҳудудга ўтиши схемаси¹⁶⁹

Агар тадбиркорлик субъектининг солиқ қарздорлиги мавжуд бўлса ёки Давлат солиқ хизматига ҳисобот топширмаган бўлса, Давлат хизматлари агентлиги бошқа ҳудудга ўтишига рухсат берилмаслиги тўғрисида онлайн равишда жавоб қайтаради. Шу сабабли, мажбурий ундирувдан қочиш мақсадида ҳудуддан ҳудудга кўчиб юради. Хусусан, 306 та бундай корхоналарнинг фаолияти таҳлил қилинганда, бошқа ҳудудга кўчиш вақтида 38,6 млрд.сўм солиқ қарздорлиги мавжуд бўлса, кўчишдан сўнг 83,7 млрд.сўмни ташкил этиб, 45,1 млрд.сўм, шу жумладан умуман солиқ қарзи бўлмаган ҳолда, бошқа ҳудудга кўчгандан сўнг 114 тасида 14,4 млрд сўм қарздорлик вужудга келган¹⁷⁰.

Тадқиқот давомида давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ қарздорлигини ундиришнинг солиқ маъмурчилигидаги мавжуд ҳар бир йўналишлари ўрганилганда, солиқ тўловчилар томонидан бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқларни тўлаш учун тўлов топшириқномасини хизмат кўрсатаётган банкка тақдим этилмаслиги учун жавобгарлик 2015 йилдан аниқ белгилангандан сўнг, инкассо талабномалари орқали мажбурий ундириш динамикаси сезиларли камайган бўлишига

¹⁶⁹ Амалдаги рўйхатдан ўтказиш схема асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

¹⁷⁰ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

қарамасдан, қўйилган инкассо топшириқномага нисбатан ундирилмаслик даражаси ортган.



3.3-расм. ДСХОнинг инкассо топшириқномасини юбориш бўйича таклиф этилаётган механизми¹⁷¹

Таклиф этилаётган механизм бўйича Марказий банк билан ҳамкорликда ишлар олиб борилиб, ДСХО томонидан инкассо тўлов топшириқномасини онлайн режимда тўғридан-тўғри худудий банк муассасасига жўнатилиши бўйича янги тизим жорий этилиши таъминлангани ҳолда, ортиқча вақт сарфи ҳамда ноқулайликларга ечим топилади. Банк куни охиригача инкассо тўлов топшириқномасини юбориш имконияти яратилади.

Солиқ тўловчилар томонидан қонун ҳужжатлари асосида белгиланган солиқ мажбуриятларини ўз вақтида бажармаганлиги ва солиқ қарзи мавжуд бўлгани ҳолда ҳисоб рақамларидаги пул маблағларини бошқа мақсадларга чиқарилишини бартараф этиш учун давлат солиқ хизмати органлари уларнинг банкдаги ҳисоб рақамларига инкассо топшириқномасини ўз вақтида юбориб, солиқ қарзи ҳосил бўлмаслигига хизмат қилади.

Бу ҳолат ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг 2012 йил 15 мартдаги 2342-сонли билан қайд этилган “Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома 1-илоvasи келтирилган¹⁷² татбиқ этилмайдиган хўжалик юритувчи субъектларининг ҳисобварақалари орқали

¹⁷¹ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

¹⁷² Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг 2012 йил 15 мартдаги 2342-сонли билан қайд этилган “Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома

пул маблағлари айланиши ҳисобига қўйилган инкассо талабномаларни ижросиз қолишига олиб келади.

Масалан, клиринг трансакциялар (операциялар), яъни клиринг (ҳисоб) регистрлари - битимлар тузиш ва битимлар бўйича мажбуриятларни бажаришга мўлжалланган пул маблағлари қолдиқлари тўғрисида маълумотларни ҳисобга олиш, шунингдек, клиринг иштирокчиларининг битимлар бўйича мажбуриятлари ва талаблари ҳисобини юритишда фойдаланиладиган ҳисоб-китоб-клиринг палатасининг ички электрон ҳисоб регистрлари¹⁷³.

Клиринг – биржа аъзолари ва уларнинг миждозларининг ўзаро мажбуриятларини белгилаш, аниқлаштириш ва ҳисобга олишга доир операциялар мажмуаси, шунингдек, Товар-хом ашё биржаларида ҳисоб-китоб-клиринг операцияларини ўтказиш қоидалари ва Биржа савдоси қоидаларига мувофиқ улар ўртасида амалга ошириладиган ўзаро ҳисоб-китоблар – клиринг ҳисобланади¹⁷⁴.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўтказишга доир тўлов топшириқномаларининг, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномаларининг банклар томонидан бажарилиши охириги йилларда назоратсиз қолдирилмоқда.

Марказий банкдан олинган маълумотларига кўра 2019 йилнинг 7 ойида хўжалик юритувчи субъектларнинг махсус ҳисоб рақамлари (22226) орқали пул айланмалари амалга ошириб, солиқ тўлашдан қочаётган, яъни солиқ қарздорлиги мавжуд бўла туриб бошқа йўналишларга пул маблағларини йўналтирилган 38 та корхонани фаолияти ўрганилганда, уларнинг 2019 йил 1 август ҳолатига 27,1 млрд.сўм солиқ қарздорлиги мавжуд бўлгани ҳолда махсус ҳисоб рақамларига 116,8 млрд.сўм келиб тушиб, 58.7 млрд.сўм чиқиб кетганлиги аниқланди (3.1-жадвал).

¹⁷³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 январдаги 33-сон қарорига 1-илова “Товар-хом ашё биржаларида ҳисоб-китоб-клиринг операцияларини ўтказиш қоидалари” 1-банди.

¹⁷⁴ <http://broker.uzex.uz/files/uploads/биржа-савдолари-оидал...дан-кучга-киради.pdf>

Адлия вазирлигидан 2012 йил 15 мартда 2342-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқнома ижроси бўйича таҳлил¹⁷⁵

т.р.	Худуд номи	Бошқа мақсадларга ўтказилган сумма (минг.сўм)	ДСХО инкассо топшириқномаси суммаси (минг.сўм)	Банкка нисбатан ҳисобланган устама суммаси (минг.сўм)
1	Қорақалпоғистон Р.	2 108 257,6	8 411 138,2	327 464,8
2	Андижон вилояти	4 577 843,1	3 818 242,6	747 727
3	Бухоро вилояти	675 897,5	6 405 442,4	843 640,1
4	Жиззах вилояти	1 303 801,0	1 933 269,2	311 362,2
5	Кашкадарё вилояти	3 014 268	2 605 695,1	165 830
6	Навобий вилояти	2 161 726,7	1 888 318,9	174 278,6
7	Наманган вилояти	1479186	1 654 501,6	865 979,2
8	Самарканд вилояти	703 615,3	597 154,8	445 587,9
9	Сурхондарё вилояти	2 683 998,4	5 608 693,2	933 838,7
10	Сирдарё вилояти	1 808 833,8	6 367 477,5	523 950
11	Тошкент вилояти	2 657 054,4	1 271 001,1	352 099,2
12	Фарғона вилояти	4 050 820,1	4 178 514,6	2 170 818,8
13	Хоразм вилояти	406 512,1	274 950,9	292 445,6
14	Тошкент шаҳар	8 236 808,7	8 270 356,7	144 729,324
381	ЖАМИ	35 868 622,8	53 284 756,83	8 299 751,42

Шу ўринда, солиқ тўловчининг ҳисобварақларида пул маблағлари бўлмаган ёки улар солиқларни ўтказиш тўлов топшириқномасини ёки тегишли ваколатли органнинг уларни тегишли бюджетга ёки давлат мақсадли жамғармасига ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномасини бажариш учун етарли бўлмаган тақдирда, бундай топшириқномалар мазкур

¹⁷⁵ Муаллиф томонидан Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

ҳисобварақларга пул маблағлари келиб тушишига қараб, ҳар бир шундай келиб тушишдан кейинги операция кунидан кечиктирмай қонун ҳужжатларида белгиланган навбат тартибида бажарилмаган бўлиб, банкнинг айби билан солиқ тўловчининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини ўтказиш топшириқномаси, тегишли ваколатли органнинг уларни ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномаси бажарилмаган (бажарилиши кечиктирилган) тақдирда, банклар масъулиятини янада кучайтириш зарур.

Шу билан бирга, солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунчилигида белгиланган мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажаришлари ҳамда солиқ органларининг солиқ маъмурчилигини, шунингдек тўлов интизомини мустаҳкамлашга доир вазифаларини мақбуллаштириш мақсадида, биринчидан юридик шахслар солиқ ҳисоботларини қабул қилинганлигини хизмат кўрсатувчи тижорат банкларининг солиқ тўловчи томонидан ҳисобланган солиқлар бўйича тўлов топшириқномаси тақдим этилганлиги хабарномаси асосида қабул қилинган деб ҳисоблаш, иккинчидан босқичма-босқич солиқ тўловчиларнинг солиқ ҳисоботларини солиқ органларида мавжуд ички ва ташқи маълумотлари асосида тайёрлаш тизимини жорий этиш ижобий натижага беради деб ҳисоблаймиз. Бунда, тўлов интизомини назорат қилиш қуйидаги беш босқичда амалга оширилиши кўрсатилган:


1-босқич: ДСХОга электрон ҳисобот юборади

2-босқич: Юборилган ҳисобот бўйича юзага келадиган солиқ мажбурияти тўғрисида хабар юборади

3-босқич: Электрон хабар танишилган вақтда ҳисобот бўйича юзага келадиган суммага автоматик равишда электрон тўлов топшириқнома шаклланади ва шахсий кабинет орқали ижро учун банкка юборилади.

4-босқич: Тўлов амалга оширилди ёки картотека-2га олинди деган хабар юборади.

5-босқич: Ҳисобот қабул қилинди деган хабар юборади.



3.4-расм. Солиқ тўловчининг ҳисоботини тақдим этиш бўйича таклиф этилаётган механизм¹⁷⁶

Кейинги босқичда мажбурий ундирув қарзи мавжуд корхоналарнинг дебитор қарзлари ҳисобидан уларнинг банк ҳисоб рақамларига давлат солиқ хизмати органлари томонидан қўйилган инкассо топшириқномалари асосида ундирилади.

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик пайдо бўлишининг асосий омилларидан бири корхона фаолиятини дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги ҳосил бўлиб, солиқ қарзлари суммасининг ошиб кетиши корхона фаолияти учун катта хавф туғдиради ва тўлов қобилиятига ўз салбий таъсирини кўрсатади.

Айниқса, муддати ўтган қарзлар ҳажмининг ортиб кетиши сотилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича ўзаро ҳисоб-китобига таъсир этибгина қолмай, макро даражада, яъни мамлакат иқтисодий барқарорлигига путур етказувчи омил эканлиги янада хавфлидир.

¹⁷⁶ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Шу сабабли ҳам бугунги кунда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни кескин камайтириш, айниқса юқорида қайд этилган микро даражадаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари суммасини қисқартириш орқали солиқ қарздорлигини камайтириш юзасидан кўплаб амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги ПФ-1154-сонли Фармонида мувофиқ устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ёки ундан ортиқ бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчилар ва буюртмачиларга, агар улар томонидан етказиб бериладиган (базариладиган ишлар, хизматлар) қийматининг камида 15 фоизини олдиндан тўламасалар, маҳсулот жўнатиши, ишларни бажариши ва хизматлар кўрсатиши таъқиқланганлиги белгиланган¹⁷⁷.

Шунингдек, товарлар амалда жўнатилган, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган кундан бошлаб тўқсон кун ўтгандан кейин, етказиб берилган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун маблағлар келиб тушмаганлиги муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзи деб ҳисобланиши ҳам белгиланган.

Муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзи мавжудлигига йўл қўяётган корхона раҳбарлари ва бош бухгалтерларига нисбатан жуда қаттиқ маъмурий ва моддий жавобгарлик чоралари, ҳатто жиноий жавобгарликка тортиш чораси қўлланилиши кўзда тутилган.

Мазкур тартибни, корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, етказиб берилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва хизматлар учун истеъмолчиларнинг ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишларини таъминлаш, халқ хўжалигида тўлов интизомининг аҳволи учун раҳбарларнинг масъулиятини ошириш мақсадида, барча мулкчилик шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчилар ва буюртмачиларга татбиқ

¹⁷⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги 1995 йил 12 майдаги ПФ-1154-сонли Фармони 1-банди.

этилиши улар ўрталаридаги дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш орқали солиқ қарзини қисқартишга таъсир этади деб ҳисоблаймиз.

Солиқларни тартибга солиш ва солиқни назорат қилишнинг ташқи усулларини жорий қилиш Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга олиб келади.

Чет мамлакатларда солиқ ислохотларининг асосий йўналишларини таҳлил қилиш солиқ маъмуриятининг ҳамкорлик моделини яратиш босқичларини ва элементларини аниқлаш имконини берди.

Амалий жиҳатдан солиқ қарзи ҳосил бўлишининг қуйидаги йўллари асослашимиз мумкин. Яъни,

- солиқни тўлашдан бош тортиш;
- буюртмачи корхоналар томонидан маҳсулот (иш, хизмат) учун маблағнинг ўз вақтида тўланмаслиги;
- давлат буюртмаси бўйича иш бажарадиган йўналишдаги корхоналарга давлат томонидан тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилмаслиги;
- маҳсулотларни (иш, хизмат) реализация қилишдаги муаммолар натижасида корхоналар молиявий ҳолатининг турли объектив ва субъектив сабабларга кўра (шу жумладан, солиқ юқининг юқорилиги сабабли) оғирлашуви, инқирозга учраши ва бошқалар бўлиши;

Солиқ юқидаги тенгсизликни, шунингдек солиқ қарзларини бартараф этиш учун солиққа тортиш борасида барча тадбиркорлик субъектларига тенг имкониятларни яратилмаганлиги;

Солиққа тортиш тизимини ҳамма учун бир хиллаштириш, ўз навбатида амалдаги солиқлар сонини унификациялаш, соддалаштириш ва ставкаларини янада пасайтиришни тақозо этади.

Шунингдек, назарий жиҳатдан турли мулкчилик шаклидаги корхоналарда солиқлардан қарздорликлар содир бўлишининг қуйидаги омиллар таъсирида вужудга келишини асослашимиз мумкин:

Ўзаро молиявий-хўжалик муносабатда бўлган турли мулкчилик шаклидаги корхоналар томонидан тўлов интизомига риоя қилмаслик ва бунинг оқибатида дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ошиб кетиши;

молиявий-хўжалик фаолиятни нотўғри режалаштириш, яъни режалаштирилган фаолиятни нотўғри бошқариш;

турли мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг маҳсулотига (хизматига, бажарадиган ишларига) талабнинг кескин ўзгариши;

ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (хизмат, иш) сифатининг буюртмачи ёки бозор талабига жавоб бермаслиги.

Бугунги кунда белгиланган муддатларда тўланмаган солиқ ва мажбурий тўловларни ундириб олишда қуйидаги усуллар қўлланилмоқда:

тўланмаган солиқлар, йиғимлар ва бошқа бюджетга мажбурий тўловлар суммасига пеня ҳисоблаш;

солиқ қарзини солиқ тўловчи қарздорликни тан олган тақдирда унинг мулки ҳисбидан давлат солиқ хизмати органи қарори асосида ундириш.

Солиқ қарзини пайдо бўлишига таъсир этган омиллардан яна бири, асосий қарздорлик суммаларининг мониторингдаги вазирликлар ҳиссасига тўғри келишидир.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодексида ўз аксини топаётган муаллифни таклифларини Россия ва бошқа хорижий давлатлар тажрибалар билан ҳар бир механизми ёритилган ҳолда асослаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хусусан, солиқларни белгиланган муддатида тўланмаганлиги учун ҳисобланадиган пеня миқдорини солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияси доирасида мамлакатда мавжуд инфляция даражасини ҳисобга олиб, Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланиши солиқ қонунчилиги билан белгиланган тўловларни солиқ тўловчилар томонидан давлат фойдасига ўз вақтида тўланишини рағбатлантиради. Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан пасайиб ёки

ортиб кетиши оқибатида таъсир чораларини камайганлиги ёки ортганлиги солиқ интизоми сусайишига олиб келди.

Юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг мол-мулки ҳисобидан солиқни ундириш солиқ органи раҳбари (раҳбар ўринбосари) қарори билан, уни қоғоз ёки электрон шаклда ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида суд ижрочисига юбориш орқали амалиётини жорий этилиши қарздор солиқ тўловчиларни солиқ қарздорлигини тан олган тақдирда ортиқча маблағ ва вақт сарфидан халос этади. Шу ўринда, низоли бўлмаган солиқ қарздорлигини суд тартибида ундириш амалиётига барҳам берилиши ва фақатгина муаммоли маблағларни даъво қилиниши солиққа тортишнинг адолатлилиги тамойилига мувофиқдир.

Кўрсатилган чора-тадбирлар солиқ маъмуриятчилиги тизимини ривожлантиришга ёрдам бериши билан бирга, давлат томонидан айрим харажатлар қилинишини талаб этади, бу келажакда солиқ органлари томонидан амалга ошириладиган солиқ назоратининг айрим чора-тадбирлари доирасида молиявий харажатлар ва вақт сарфини қисқартишга имкон беради.

Ушбу чоралар ўз ўзидан солиқ қарзини бутунлай бартараф этмайди албатта, бироқ ҳукуматнинг солиқ қарздорлигини тартибга солиш механизминини шакллантириш бўйича маъмурий ва иқтисодий характердаги ҳаракатларидан фарқли ўлароқ, солиқ мажбурияти бўйича қарздорлик даражасини камайтиришга ёрдам беради.

Солиқ қарзларини йиғиш тартибини автоматлаштириш ва ушбу тизим ёрдамида солиқ тўловчиларга телефон каналлари орқали солиқ қарзлари билан махсус эслатмалар юборган солиқларни ўз вақтида, тўлиқ ва тезкорлик тўловни амалга ошириш имконини беради.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан асосий ҳисоб рақамга қўйилган инкассо топшириқномаси бир ой муддатда тўлиқ бажарилмаган тақдирда, хўжалик юритувчи субъектнинг барча ҳисобрақамларига қаратилишини белгилаб қўйиш тартибини жорий этилиши солиқ тўлашдан қочишни олди олинади.

Агар хўжалик юритувчи субъектлар ўзи тақдим этган ҳисоботларга кўра солиқ қарзи келиб чиққан бўлса, солиқ қарзини тўлаш учун солиқ тўловчига огоҳлантириш талабномасини жўнатиш, солиқ қарзини ундириш учун иқтисодий судга ариза ёки даъво ариза киритилиши шарт бўлмаслиги лозим.

Шу сабабли, хориж тажрибасидан (Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси) келиб чиқиб, юридик шахсларнинг солиқ қарздорлигини тан олган тақдирда солиқ органининг раҳбари (ДСИ бошлиғи) қарори асосида мажбурий ундирувга қаратиб, тўғридан тўғри тегишли Суд ижро департаментлари томонидан амалга оширилишини жорий этиш лозим деб ўйлаймиз. Чунки солиқ тўловчи солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан бўлган қарздорлигини ўзи билиш керак, ҳисоботни ўзи тақдим этган ва бунинг натижасида солиқ қарзининг вужудга келиши низоли эмас.

Бунинг учун давлат солиқ хизматининг мансабдор вакили томонидан қабул қилинган қарор солиқ қарзини қарздорнинг мол-мулкидан ундириш, яъни унинг товар-моддий бойликларини хатлаш учун асос бўлиши лозим. Фақат ўртада низолар юзага келгандагина суд орқали ҳал қилиниши керак бўлади. Иқтисодий судга даъво ариза билан чиқилганда, суд одатда фақатгина ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисида қарор чиқариш билан чекланади (фақат шу учун давлат божи ҳисобланади).

Иқтисодий судга берилганда суд қарори нафақат солиқ тўловчининг мол-мулкидан ундириш, балки унинг кейинги молия-хўжалик фаолиятини тиклаш, ишлаб чиқаришни сақлаб қолиш ва хўжалик юритувчи субъектни шу аҳволга олиб келган айбдор шахсларга нисбатан таъсирчан чоралар қўллаши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шу билан бирга, Солиқ кодексининг 65-моддасига¹⁷⁸ мувофиқ суд тартибида ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратишда Иқтисодий судларга тақдим этиладиган даъво аризаларни тўлиқ электрон шаклда давлат солиқ органларидаги маълумотлар базасидан тўғридан-тўғри юборишни

¹⁷⁸ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 2018 й. Lex.uz Ўзбекистон қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

жорий қилиниши солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича низоли қарздорликларни мажбурий ундирувга қаратиш самарадорлигини оширади.

Солиқ тўловчи қарзини ўзи тан олган бўлса, огоҳлантириш олганидан кейин ҳам қарзини бир ой ичида ҳам тўлаб бермаса, унинг мол-мулки ҳисобидан ундириш ва ушбу ундирув давлат солиқ хизмати органларининг қарори асосида Мажбурий ижро бюроси томонидан амалга оширилиши сезиларли самара беради деб ҳисоблаймиз.

Учинчи боб бўйича хулоса

Қайд этилганидек, бошқа хорижий мамлакатлар тажрибасида ўрганилганда, юридик шахслар солиқ қарзини камайтириш учун биринчи галда уларни солиқ мажбуриятларини ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш механизмини жорий этилганлиги ундиришдаги муаммоларни солиқ қарздорликларини ҳосил бўлишидан олдин бартараф этиш амалиёти мавжудлиги кузатилди.

Солиқ қарздорлиги маъмурчилигини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги таклифларни жорий қилиниши ва амалда татбиқ этилиши тавсия қилинади:

биринчи навбатда солиқ маданияти даражасини оширишга йўналтирилган солиққа оид қонун ҳужжатларининг нормаларини такомиллаштириш;

давлат солиқ хизмати органлари томонидан ташқи маълумот ва солиқ тўловчи декларациялари (ҳисоботлари), шу жумладан чакана савдо тармоғида ҳисобга олинadиган аванс тўловларни жўнатиш билан онлайн режимда ишлайдиган тўлов терминаллари маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқиладиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар рўйхатини босқичма-босқич кенгайтириш ва солиқ тўловчининг “Шахсий кабинет” орқали дастлабки солиқ тўловлари тўғрисидаги хабарномаларни юбориш;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўтказишга доир тўлов топшириқномаларининг, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномаларининг банклар

томонидан бажарилиши назоратга олиш ва жарима миқдорини қайта кўриб чиқиш;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ортиқча тўланган суммаларини ҳисобга олишда ҳамда қайтариб беришда давлат солиқ хизмати органлари томонидан молия идораларига хулосаларни тўлиқ электрон шаклда давлат солиқ органларидаги маълумотлар базасидан тўғридан-тўғри юборишни жорий қилиниши;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ортиқча тўланган суммаларини ҳисобга олишда ёки ҳисоб рақамларига қайтаришда солиқ тўловчиларнинг бюджетдан юзага келадиган ортиқча тўловларини давлат мақсадли жамғармалардан ҳосил бўлган қарздорликларига ва аксинча давлат мақсадли жамғармалардан юзага келган ортиқча тўловларини бюджетдан ҳосил бўлган қарздорликларига ўтказиш имкониятини йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

ХУЛОСА

Мавзуга доир амалга оширилган тадқиқотлар ва илғор хориж тажрибасига таянган ҳолда қуйидаги хулосалар шакллантирилиб, амалий тавсиялар ва илмий таклифлар ишлаб чиқилди.

Мамлакатимизда давлат бюджети даромадларининг барқарорлиги ва мунтазамлигини таъминлашда юридик шахсларнинг солиқ қарздорлигини пайдо бўлишини олдини олиш ҳамда мавжуд қарздорликларни қисқартириш, ундиришни мақбул йўллари топиш ҳозирги кунда долзарб муаммолардан бири бўлмоқда.

Тадқиқот ишида солиқ қарздорлиги тушунчасининг моҳиятини ўрганишга ҳаракат қилинди. Бунда хорижий ва маҳаллий олимларнинг фикрлари ўрганилди ҳамда ҳозирги кунда мавжуд бўлган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларимиздаги тушунчаларга аҳамиятни қаратиб, амалиётда фойдаланилаётган умумий солиқ қарздорлиги, солиқ тўловчи томонидан тан олинган қарздорлик, боқиманда (асосий қарз), пеня, молиявий жарималар ҳамда муддати ўтган, узайтирилган каби тушунчаларга солиқ қонунчилигида тўлиқ таъриф берилмаган деган хулосага келинди.

1. Юридик шахсларнинг солиқ қарздорлигининг ҳосил бўлиши сабабларидан келиб чиқиб, мазкур ҳолатнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, хусусан, солиқ юкини, айниқса, меҳнатга ҳақ тўлаш фондига нисбатан тўловларни иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ва субъектлари ўртасида тенг тақсимлаш, тадбиркорликнинг барча турлари тенг ва тўлиқ ҳажмда солиққа жалб этилишини қарздорликнинг пайдо бўлишини бартараф этади.

2. Солиқ қарзини ундиришдаги мавжуд муаммо ва камчиликларнинг амалдаги ҳолатини хориж тажрибаси билан таққослаб, солиқлар белгиланган муддатида тўланмаганлиги учун ҳисобланадиган пеня миқдорини солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияси доирасида мамлакатда мавжуд инфляция даражасини ҳисобга олиб, қарздорликнинг пайдо бўлиш сабабларидан келиб чиққан ҳолда оптималлаштириш мақсадга мувофиқ.

3. Юридик шахслар томонидан солиқ қарздорлиги тан олинган тақдирда солиқ қарзини ундириш учун иқтисодий судга ариза ёки даъво аризасининг киритилиши шарт бўлмаслиги лозим. Чунки тақдим этилган солиқ ҳисоботлари ёки текширишда ҳисобланган солиқ суммаларига розилиги ва бунинг натижасида солиқ қарзининг вужудга келиши низоли эмаслиги сабабли, солиқ қарздорлиги фақатгина ўртада низолар юзага келгандагина суд орқали ҳал қилиниши зарур.

4. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ қарздорлигини ундириш маъмурчилигидаги ҳар бир йўналишда солиқларни мажбурий ундириш учун назорат ишларини, яъни масъул бўлган ташкилот, идора ва айниқса хизмат кўрсатаётган банк муассасалари жавобгарлигини кучайтириш баробарида ундиришга доир ҳаражатларни камайтириш мақсадида барча босқичларни электрон шаклга ўтказиш, мавжудларини янада такомиллаштириш жоиз.

5. Тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикасининг фискал сиёсати соҳасида чет эл тажрибасидан фойдаланиш нақадар муҳимлиги, шу билан бирга, солиқ сиёсатини амалга оширишда, хусусан, солиқ мажбуриятларини бажариш орқали солиқ қарздорлигини қисқартириш бўйича янги ва самарали воситаларини қўллаш имкониятлари кўриб чиқилди. Бунда қуйидагилар:

пенянинг фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг шу даврда амалда бўлган қайта молиялаштириш ставкасининг уч юздан бирига тенг этиб қабул қилиниши;

солиқ органининг солиқ тўловчи бўлган юридик шахснинг мол-мулкига нисбатан мулк ҳуқуқини чеклашга доир ҳаракати солиқ қарзини ундириш тўғрисидаги қарорнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида мол-мулкни хатлаш назарда тутилади.

Тадқиқ этилган мавзу юзасидан илгари сурилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар мамлакатимизда юридик шахсларнинг солиқ қарздорлигини камайтириш орқали давлат даромадларини шакллантиришда, солиқ маъмурчилигида солиқ қарзини мажбурий ундириш механизмларини

янада такомиллаштириш жараёнларини жадаллаштиришда, хўжалик субъектларининг қонун билан белгиланган мажбуриятлари бажарилиши назоратини тўлақонли амалга оширишда сезиларли натижаларга эришиш имконини беради.

6. Мазкур тадқиқот ва амалга оширилган таҳлиллар натижасида қуйидагилар кутилади:

диссертациянинг илмий хулоса ва амалий тавсияларидан келажакда республикада солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзларни ундириш билан давлат бюджети даромадларини ошириш орқали барқарорликни таъминлаш масалаларини кенг қўламда чуқур тадқиқ этишга қаратилган махсус илмий-тадқиқот ишларида манба сифатида фойдаланиш имконини беради ҳамда республикада бюджет даромадлари барқарорлигини янада ривожлантиришга қаратилган ҳукуматнинг мақсадли дастурлари, чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишда қўлланилиши;

- давлат бюджети даромадлари барқарорлигини тушумлар эвазига таъминлашнинг илмий-назарий асосларига ҳамда бюджети даромадлари сиёсатини олиб боришни янги босқичга олиб чиқишда ҳисса қўшиш;

- республикада давлат бюджети даромадларини оширишда солиқ тушумлари сиёсатини олиб бориш ва барқарорлигини таъминлаш масалаларини кенг қўламда чуқур тадқиқ этишга қаратилган махсус илмий-тадқиқот ишларида манба сифатида фойдаланиш;

- давлат бюджети даромадларига зарар етказмаган ҳолда солиқ тўловчиларга солиқ юқини пасайтириш орқали солиқ тушумларини ошириш механизмининг такомиллаштириш бўйича ижобий натижаларга эришишдир.

7. Мазкур таклифлар юзасидан солиққа оид тегишли меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши, мавжудларига эса ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳолда амалиётга жорий қилиниши солиқ тўловчиларнинг солиққа доир ҳуқуқий саводхонлигини оширишда, тўлов маданиятини мустаҳкамлашда ва солиқ маъмурчилиги самарадорлигини

кучайтириш орқали солиқ қарздорлигини пайдо бўлмаслигида сезиларли натижаларга эришилади.

Юқоридаги шакллантирилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар мамлакатимизда юридик шахсларни солиқ қарздорлигини каймайтириш орқали давлат даромадларини шакллантиришда, солиқ маъмурчилигида солиқ қарзини мажбурий ундириш механизмларини янада такомиллаштириш жараёнларини жадаллаштиришда, хўжалик субъектларининг қонун билан белгиланган мажбуриятларини бажаришларининг назоратини тўлақонли амалга оширишда сезиларли натижаларга эришиш имконини беради деган умиддамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Расмий нашр. Адолат. 2017. 40-б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни 2017 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 2018.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. 2017.
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. 2018.
6. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси. 2016.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида” Қонуни (2001).
8. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, 1996 й.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни, 2001 й.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни, 1998 й.
11. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуни 2003 й.
12. Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуни.
13. Латвия иқтисодий қонуни, 2016 й..
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сонли Фармони.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июлдаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3802-сонли қарори.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини 2012 йилдаги “Умидсиз солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида”ги 307-сон қарори.
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш тўғрисида”ги 224-сонли қарори 2013 й.
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 апрелдаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 320-сонли қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги ПФ-5116-сонли фармони.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги “Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5755-сон фармони.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги ПҚ-4086-сонли қарори.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389-сонли қарори.

II. Президент маърузалари

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг биринчи марта мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисга Мурожаатномаси». - Тошкент. Халқ сўзи. 22.12.2017 йил.

2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент. Халқ сўзи. 28.12.2018 йил.

III. Монографиялар

1. Ниязметов И.М. Солиқ юкини оптималлаштириш. –Тошкент, 2016. Б.141.

2. Тошматов Ш.. Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини кучайтириш муаммолари.- Докторлик иши. Автореферат. Т.: 2008

IV. Илмий мақолалар

1. Богославец Т.Н. Причины, препятствующие формированию налоговой культуры России // Вестник Омского университета. Сер.: Экономика. 2011.

3. Бланк И.А. 2004 “Финансовый менеджмент”, Киев-Ника-Центр 2004. С.195.

4. Бондарев Д.М. Роль налоговой культуры общества в формировании экономической политики. Белорусский государственный экономический университет. Библиотека. Belarus State Economic University. Library. 2012.

5. Бэкон Ф. “Политический биография” №9.- 1980.С.22-24.

6. Вылкова Е.С. Передовой опыт налогового администрирования в различных странах. Финансовая, налоговая и денежно-кредитная политика. СПб. 2014. № 5 (97). С. 13–22. ISSN 1993-3541.

7. Горский И. Налоги в экономической стратегии государства // Финансы. – М., 2001. С.36-39.

8. Гулямов Р, Джураева К, Толипов К, Мирзаев М, Абдукаримов Р,

Назирова Р, Мусаев А // Теневая экономика: причины. Экономическое обозрение. – Ташкент, 2004. С.12-19. существования, меры по сокращению.

9. Иминов О., Тўраев Ш. Солиқ сиёсатини оптималлаштириш масалалари// Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида солиқларнинг рағбатлантирувчилик ролини янада ошириш йўллари: Республика илмий-амалий конференция материаллари, Тошкент, 2014.-Б.42-44.

10. Калачева О.С. Повышение налоговой культуры населения как способ борьбы с налоговыми правонарушениями в России. Бизнес. Образование. Право. Вестник волгоградского института бизнеса, №4 (37). 2016. Подписные индексы – 38683, Р8683.

11. Кузнецов А.Л. Налоговая политика и налоговые органы: реальное состояние, проблемы, перспективы [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://vasilieva.narod.ru/zhurnal/>

12. Матюшин А.В. Законодательство зарубежных стран о совершенствовании процедуры взыскания налоговой задолженности. Налоговые и таможенные проблемы. Бизнес в законе. М.: №1'2009. С.116-121.

13. Морозова Г.В. Повышение налоговой культуры населения как способ борьбы с налоговыми правонарушениями // Российское предпринимательство. – №3–2 (131). 2009. С. 118–123.

14. Ниязметов И.М. Солиқ механизмини такомиллаштириш// Бозор, пул ва кредит. –Тошкент, 2005. №5 Б.35-38

15. Писарева А.С. Повышение налоговой культуры и ее актуальность в увеличении уровня выполнения налоговых обязательств // Государственное и муниципальное управление. Ученые записки СКАГС. 2009. № 4. С. 90-98.

16. Трошин А. Сравнительный анализ методик определения налоговой нагрузки на предприятия// Финансы.-М., 2010. №5. стр. 44-45.

17. Угрын В.В. и Фильо М.М. Мировой опыт эффективного обеспечения минимизации налогового долга и возможности его применения в Украине. 2015.

VI. Фойдаланилган бошқа адабиётлар

1. Абдурахманов О.К. Налоговые системы зарубежных стран: промышленно развитые страны, развивающиеся страны, налоговые «оазисы». М.: 2005. Палеотип. С. 245.

2. Андреева Т.С. Реформирование налоговой системы Латвии. Менеджмент и маркетинг: опыт и проблемы: сборник научных трудов. Под общей редакцией д.э.н., проф. И.Л. Акулича. Минск: А.Н. Вараксин, 2017. С. 8-15.

3. Аронов А. ва Кашин В. Налоги и налогообложение М.: Магистр. 2007.

4. Бахрах Д.Н., Россинский Б.В., Старилов Ю.Н. Административное право. М.: Норма. 2008. С. 438.

5. Бондарев Д.М. Роль налоговой культуры общества в формировании экономической политики. Белорусский государственный экономический университет. Библиотека. Belarus State Economic University. Library. 2012.

6. Бэкон Ф. “Политический биография” №9.- 1980.С.22-24.

7. Вылкова Е.С., Романовский М.В. Налоговое планирование. – СПб.: «Питер», 2004. – 634 с.
8. Гайбуллаев О.З. Солиқ юқини баҳолашни такомиллаштириш масалалари: и.ф.н илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Автореф.-Тошкент, 2004.-Б.11.
9. Джураева К. Солиқ тизимида дастурий маҳсуллар. 1-2-қисм “Солиқ инспекторининг автоматлаштирилган иш жойи – юридик шахслар” дастурий мажмуаси. Ўқув қўлланма. Т.:Ел_пресс. 2013 й., 141 б.
10. Жамолов И. Хуфиёна иқтисодий бартараф этишда солиқ механизмининг таъсири: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Тошкент, БМА. 2005. Б.21.
11. Жалонкина И.Ю. “Модернизация механизмов взыскания налоговой задолженности в Российской федерации”.автореферат диссертации на и соискание ученой степени кандидата экономических наук. 2012. С.14.
12. Исаев А.А. Очерк теории и политики налогов. – М.: ЮрИнфоР-Пресс, 2004. – С.270.
13. Калинин О.Г. Ижтимоий иқтисодий тезлаштириш манфаатларида РФ солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш. Автореферат диссертации к.э.н.-М.: РАГС при Президенте РФ 2010.
14. Касимов Д.О. Институциональные основы формирования и развития налоговой культуры: Дис. ... канд. экон. наук: 08.00.10: утв. 13.06.12. – М., 2012.С.168.
15. Курбанова П.М. Совершенствование механизма администрирования налоговой задолженности. Дисс. на соиск. уч. степ.к.э.н. Дагестанский государственный университет. Махачкала. 2015. С. 161.
16. Кэмпбелл Р. Макконелл, Станли Л. БРЮ. Экономикс, принципы, проблемы и политика. 2-том, -М.: Изд-во «Республика», 1992. -388 с.
17. Кэмпбелл Р. Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Пер. 16-го англ. изд. – М.: “ИНФРА”, 2006. – 940 б.
18. Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. – М.: Дело, Витапресс. 1996. – С.544.
19. Майбуров И.А. Налоги и налогообложение. – 6-е изд., перераб. и доп. –М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2015. 487 с.
20. Малько А.В. Теория государства и права. М.: Юристь. 1997. С. 17.
21. Мигашкина Е.С. Налоговые системы зарубежных стран. М.: МГУУ Правительства Москвы. 2005. С. 192 – 193.
22. Миронова О.А. Ханафеев Ф.Ф. Налоговое администрирование. Учебник. – М.: «Омега-Л», 2008. – 288 с.
23. Морозова И.Б., Треушников А.М. Исполнительное производство: учебно-практическое пособие. М.: Городец. 2007. С. 109.
24. Ниязметов И.М. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистрантлари илмий-амалий конференцияси тезислари тўплами. – Тошкент.: «Молия» нашриёти, 2017. – 241 б.
25. Попова Л.В. и др. Налоговые системы зарубежных стран: учеб.-метод. пособие. – М.: Дело и Сервис, 2011. – 432 с.

26. Поршнева А.Г. и др. Налоговый менеджмент./Учебник.-М.: ИНФРА-М, 2003. – 442 с.
27. Рихсиева М ва бошқалар. Солиқлар: ўқув қўлланмаси /. – Қайта ишланган 2-нашри. – Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 2000. Б.304.
28. Розиков Н. Солиқ тўловчилар билан ишлаш. Т.: 2010. Янги аср авлоди;
29. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.: Соцэкгиз, Т.2. 1935 - С.343.
30. Ташпулатова Д.Ш. Ривожланган давлатлар тажрибаси асосида Ўзбекистонда солиқ қарзларини ундиришни такомиллаштириш истиқболлари. “Миллий иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси маъруза тезислари тўплами.-Т.: ТМИ, 2013. Б.416.
31. Тўраев Ш. «Хўжалик субъектларининг солиқ юкини оптималлаштириш масалалари». и.ф.н., илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. 2007.
32. Тангриқулов А. Хомма.А. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорликни камайтириш; Т.2010.: Янги аср авлоди.
33. Тангриқулов А. ва бошқалар. Солиқ ва мажбурий тўловлардан қарздорликни камайтириш. Ўқув қўлланма. – Т. 2010: “Янги аср авлоди” наشريёти. – Б.6.
34. Титов А.С. Налоговое администрирование и контроль.– М.: ВК. 2007.– 410 с.
35. Тошматов Ш.А. Худудларда бюджет даромадларининг қўшимча манбаларини аниқлашда бошқарув кадрлари ролини ошириш. Ўзбекистоннинг жаҳон молия бозорига интеграция-лашуви: инновациялар трансфери, халқаро стандартлар, рейтинглар ва индекслар” мавзусида республика илмий-амалий конференция тезислари тўплами. Тошкент: Молия, 2018. 348 б.
36. Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқларнинг роли – Т. 2008.: Фан ва технология.
37. Тошматов Ш, Норқўзиев.И Солиқ қарзи ва уни ундириш; Т. 2010.: Янги аср авлоди.
38. Тошматов Ш., Коике Х., Боймуродов С., Норбоев Н., Жўраев А. Солиқ тўловчилар билан ишлаш. / Ўқув қўлланма. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2010. – 112 б.
39. An Outline of Japanese Taxes. Edition. Tax Bureau, Ministry of Finance, Japan,– 2003. 390 p.
40. Assessing business viability [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://www.ato.gov.au/General/Managing-your-tax-debt/Help-with-paying-your-tax-debt/Assessing-business-viability/>
41. Friedrich Schneider, Andreas Buehn, Cludio E. Montenegro. Policy Research Working 2010. Paper.45-47.

Интернет манбалари

1. www.uza.uz – Ўзбекистон Республикаси ахборот агентлиги расмий сайти.
2. www.mf.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий сайти.
3. www.soliq.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий сайти.
4. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитасининг расмий сайти.
5. www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
6. www.norma.uz - Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар электрон базаси.

Шартли қисқартмалар

1. ЯИМ – Ялпи ички маҳсулот
2. ДСХО – давлат солиқ хизмати органи
3. АҚШ – Америка қўшма штатлари
4. АЖ – Акциядорлик жамияти
5. РФ СК – Россия Федерациясининг Солиқ кодекси
6. ПҚ – Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори
7. ПФ – Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони
8. ҚҚС – Қўшилган қиймат солиғи
9. ЯИТ – Ягона ижтимоий тўлов
10. ЎРҚ – Ўзбекистон Республикасининг Қонуни
11. РФ – Россия федерацияси
12. РФ ФК – Россия Федерацияси Фуқаролик кодекси.

Солиқ қарздорлигининг ЯИМ ва солиқ тушумларига нисбати¹⁷⁹

млрд.сўм

	2014	2015	2016	2017	2018
ЯИМ	144961	171369	199325	249100	407510
Тушум	37579,6	42492,5	48826,8	58930,3	83000,0
Қарздорлик	6992,5	7730,8	9299,5	5938,0	5035,0
ЯИМга нисбатан	4,8%	4,5%	4,7%	2,4%	1,2%
Тушумга нисбатан	18,6%	18,2%	19,0%	10,1%	6,1%

¹⁷⁹ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Солиқ қарздорлиги ҳудудлар кесимида 2017-2018 йй¹⁸⁰

фоизда

т.р.	Ҳудуд номи	01.01.2018 й.	01.01.2019 й.	ФАРҚИ
1	ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ	0,79	1,8	1,0
2	АНДИЖОН ВИЛОЯТИ	2,54	5,8	3,2
3	БУХОРО ВИЛОЯТИ	17,6	3,7	-13,9
4	ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ	1,2	1,2	0,0
5	ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ	47,35	45,3	-2,0
6	НАВОИЙ ВИЛОЯТИ	0,67	1,0	0,3
7	НАМАНҒАН ВИЛОЯТИ	2,2	2,4	0,2
8	САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ	3,55	3,8	0,3
9	СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ	1,16	1,3	0,2
10	СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ	2,12	2,8	0,7
11	ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ	7,44	14,4	6,9
12	ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ	3,69	3,6	-0,1
13	ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ	0,74	0,9	0,2
14	ТОШКЕНТ ШАҲАР	8,89	11,8	2,9
	ЖАМИ:	100	100	100

¹⁸⁰ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

**Вазирлик ва идораларнинг солиқ қарздорлигини
йиллар кесимида жами қарздорликдаги улуши¹⁸¹**

фоизда

Вазирлик ва уюшмалар номи	01.01. 2014	01.01. 2015	01.01. 2016	01.01. 2017	01.01. 2018	01.01. 2019
“Ўзбекнефтегаз” АЖ	41,3	32,	39,7	42,2	44,1	29,7
“Ўзбекэнерго” АЖ	9,5	9,4	8,0	6,6	0,5	0,5
“Ўзкимёсаноат” АК	1,6	2,6	3,3	3,7	1,6	0,2
“Ўзпахтасаноат” АЖ	14,6	17,2	7,0	8,6	5,2	10,3
“Ўздонмахсулот” АК	4,7	5,0	4,5	4,1	6,5	3,3
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	1,2	1,3	1,5	0,6	0,5	0,8
“Ўзағромашсервис” уюшмаси	2,0	1,7	1,6	0,8	0,3	0,4
“Ўзавтойўл” АЖ	0,7	0,1	0,4	0,6	0,3	0,7
Фермер хўжаликлари	13,4	15,8	16,2	14,2	12,1	17,9
Бошқалар	10,9	14,9	17,8	18,7	29,0	36,2

¹⁸¹ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

**Вазирлик ва идораларнинг солиқ қарздорликларини
ўтган йилларга нисбатан ўзгариш тенденцияси¹⁸²**

фоизда

Вазирлик ва уюшмалар номи	Фарқ 2014- 2013	Фарқ 2015- 2014	Фарқ 2016- 2015	Фарқ 2017- 2016	Фарқ 2018- 2017
“Ўзбекнефтегаз” АЖ	73,3	149,6	134,4	49,8	27,1
“Ўзбекэнерго” АЖ	107,8	94,3	98,9	4,4	84,5
“Ўзкимёсаноат” АК	171,8	142,8	133,2	27,3	10,5
“Ўзпахтасаноат” АЖ	129,2	44,8	147,9	38,7	165,0
“Ўздонмахсулот” АК	114,3	101,3	109,9	100,5	42,8
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	118,2	126,5	48,0	58,3	123,7
“Ўзағромашсервис” уюшмаси	91,9	106,4	57,7	22,9	111,9
“Ўзавтойўл” АЖ	19,7	342,3	181,9	32,8	200,3
Фермер хўжаликлари	128,8	113,4	105,4	54,3	123,6
Бошқалар	148,3	132,5	126,3	98,7	104,5

¹⁸² Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

**Солиқ қарзига эга солиқ тўловчи юридик шахсларнинг рўйхатдан ўтган ва фаолият кўрсатаётганлар
сонига нисбати¹⁸³**

минг.ҳисобида

Юридик шахслар сони (минг ҳисобида)	01.01.2015	01.01.2016	01.01.2017	01.01.2018	01.01.2019
Рўйхатдан ўтган юридик шахслар	561	586,7	616,7	619,9	647,1
<i>шундан, фаолият кўрсатаётганлар</i>	302	281,2	323	351,9	436,1
Солиқ қарзига эгалар	101	121,2	132,5	96,7	207,2
Рўйхатдан ўтган юридик шахсларга нисбатан (фоизда)	33,4	43,1	41,0	27,5	47,5
Фаолият кўрсатаётганларга нисбатан (фоизда)	18,0	20,7	21,5	15,6	32,0

¹⁸³ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

**Республика бўйича йиллар кесимида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг турлари бўйича
солиқ қарздорлиги тўғрисида маълумот¹⁸⁴**

фоизда

Т.р.	Солиқ турлари	01.01.2015	01.01.2016	01.01.2017	01.01.2018	01.01.2019
1	Бевосита	35,9	36,8	29,4	23,8	18,2
2	Билвосита	40,8	35,1	40,7	39	23,8
3	Мулк ва ресурс солиқлар	18	23,1	25,8	32,5	16,9
4	ДМЖ ажратмалар	29,1	37,6	39,2	36	39,5
5	Бошқалар	5,3	5	4,1	4,7	1,6

¹⁸⁴ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Республика бўйича мажбурий ундирилган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар таҳлили¹⁸⁵

млрд.сўмда

Йиллар	Мажбурий ундирилган сумма	шундан					
		Инкассо орқали		Дебитор инкассо орқали		Суд қарори асосида	
		сумма	фоиз	Сумма	фоиз	сумма	фоиз
2013	8550,1	4391,5	51,4	1975,2	23,1	2183,4	25,5
2014	6903,8	1874,3	27,1	2418,5	35	2610,9	37,8
2015	8708,8	1277,7	14,7	3156,7	36,2	4274,4	49,1
2016	7860,2	1356,3	17,3	2819,7	35,9	3684,1	46,9
2017	8215,8	1250,5	15,2	3012	36,7	3953,3	48,1
2018	7175,7	1619,7	22,6	1825,9	25,4	3730,1	52

¹⁸⁵ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

**Республика бўйича 2014-2018 йилларда инкассо топшириқномалари асосида ундирилган
солиқ қарзи бўйича маълумот¹⁸⁶,**

млн.сўм

Йиллар	Қўйилган		Ундирилган				фарқи			
	сони	суммаси	сони	%	суммаси	%	сони	%	суммаси	%
01.01.2015	6794185,0	7416274,2	1561678	23,0	1874295,9	25,3	-5232506,795	77,0	-5541978,24	74,7
01.01.2016	5487936,6	7874697,9	1089935	19,9	1277719,9	16,2	-4398001,526	80,1	-6596978,002	83,8
01.01.2017	6538794,9	8370152,4	1039114	15,9	1356329,0	16,2	-5499681,02	84,1	-7013823,398	83,8
01.01.2018	7002139,3	6618867,1	1395093	19,9	1250515,6	18,9	-5636886,574	80,2	-5380013,421	81,1
01.01.2019	9073411	10474164,6	2055231	22,7	1619678,5	15,5	-7018180	77,3	-8854486,1	84,5

¹⁸⁶ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

**Республика бўйича 2014-2018 йилларда дебиторлар ҳисобидан ундирилган
солиқ қарзи бўйича маълумот¹⁸⁷**

млн.сўмда

Йиллар	Қўйилган		Ундирилган				фарқи			
	сони	суммаси	сони	%	суммаси	%	сони	%	суммаси	%
01.01.2015	53993,4	6064500,1	63317,4	117,3	2418551,7	39,9	9324,0	17,3	-3645948,4	-60,1
01.01.2016	82128,5	4208418,9	81317,0	99,0	3156693,4	75,0	-811,5	-1,0	-1051725,6	-25,0
01.01.2017	55341,0	3194535,0	76892,4	138,9	2819743,1	88,3	21551,4	38,9	-374791,9	-11,7
01.01.2018	45363,2	1973686,3	62295,5	137,3	3012018,3	152,6	16932,3	37,3	1038332,0	52,6
01.01.2019	41932,0	1700834,9	55537,0	132,4	1825955,5	107,4	13605,0	32,4	125120,6	7,4

¹⁸⁷ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

10-илова

Республика бўйича 2014-2018 йилларда суд қарори асосида ундирилган
солиқ қарзи бўйича маълумот¹⁸⁸

млн.сўмда

Йиллар	Киритилган даъво		Ундирилган		фарқи		суд ижрочиларида қолдиқ	
	сони	суммаси	суммаси	%	Суммаси	%	сони	суммаси
01.01.2015	106973	8146164,3	2610991,9	32,1	-5535172,4	-67,9	150160,0	3987912,4
01.01.2016	89196	8355464,3	4274364,6	51,2	-4081099,7	-48,8	152067,0	3979672,7
01.01.2017	81284	7728415,0	3684125,3	47,7	-4044289,7	-52,3	140903,0	4672548,7
01.01.2018	97591	6909304,7	3853917,7	55,8	-3055387,0	-44,2	80314,0	2450639,5
01.01.2019	84854	6479580,4	3730117,2	57,6	-2749463,2	-42,4	72825,0	2688775,5

¹⁸⁸ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

**Солиқ қарздорликлари бўйича судларда кўрилган ишларнинг
худудлар кесимида ўтган йилларга нисбати¹⁸⁹**

фоизда

№	Худуд номи	01.01.2015 й 01.01.2014 й		01.01.2016 й 01.01.2015 й		01.01.2017 й 01.01.2016 й		01.01.2018 й 01.01.2017 й	
		сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси
	Республика бўйича	87,5	96,6	83,4	102,6	91,1	92,5	154,9	88,5
1	Қорақалпоғистон	85,5	117,2	74,8	106,1	99,4	69,6	104,8	98,0
2	Андижон вил	109,5	78,7	63,2	67,6	125,0	67,7	369,0	55,8
3	Бухоро вил	87,6	88,2	90,4	177,3	77,2	124,2	91,1	86,6
4	Жиззах вил	104,0	128,4	99,1	87,6	84,4	70,6	277,3	207,5
5	Қашқадарё вил	97,8	122,3	69,2	123,3	81,0	142,7	110,0	94,1
6	Навоий вил	74,0	95,4	80,1	94,2	71,9	73,8	77,2	66,9
7	Наманган вил	102,2	76,2	109,5	84,1	49,9	39,9	152,6	88,1
8	Самарқанд вил	85,9	82,4	90,9	101,5	117,7	54,4	110,7	109,9
9	Сурхондарё вил	107,3	117,1	65,8	111,1	99,1	69,5	161,4	98,3
10	Сирдарё вил	69,7	151,9	82,5	130,7	92,4	71,5	128,9	66,3
11	Тошкент вил	75,1	74,8	96,7	172,9	108,9	105,0	148,7	82,4
12	Фарғона вил	49,8	77,8	119,7	187,1	90,3	90,1	75,2	90,3
13	Хоразм вил	99,2	97,2	81,3	93,7	76,7	47,4	106,9	103,4
14	Тошкент шаҳри	121,7	106,0	78,1	66,5	91,6	93,1	127,1	79,8

¹⁸⁹ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

**Айрим хориж давлатларида мавжуд бўлган ҚҚС ставкалари
тўғрисида маълумот¹⁹⁰**

Т.р.	Давлат	Асосий	Пасайтирилган				
			1	2	3	4	5
1	Венгрия	27	5				
2	Дания	25					
3	Швеция	25	12	6	0		
4	Норвегия	25	14	8			
5	Исландия	24,5	14				
6	Румыния	24	9	5			
7	Финляндия	24	14	10			
8	Греция	23	13	6,5			
9	Ирландия	23	13,5	9	4,8	0	
10	Польша	23	8	5	0		
11	Португалия	23	13	6			
12	Уругвай	23	14				
13	Италия	22	10	6	4		
14	Словения	22	9,5				
15	Хорватия	22	0				
16	Бельгия	21	12	6			
17	Испания	21	8	4			
18	Латвия	21	12				
19	Литва	21	9	5			
20	Нидерланды	21	6				
21	Чехия	21	15				
22	Аргентина	21	10,5	0			
23	Австрия	20	12	10			
24	Болгария	20	7				
25	Великобритания	20	5	0			
26	Словакия	20	10				
27	Франция	20	10	5,5	2,1		
28	Эстония	20	9				

¹⁹⁰ https://www.norma.uz/raznoe/stavki_nds_v_mire

29	Албания	20					
30	Белоруссия	20	10				
31	Молдавия	20	8	6	0		
32	Сербия	20	8	0			
33	Украина	20	0				
34	Германия	19	7				
35	Кипр	19	8	5			
36	Чили	19					
37	Мальта	18	5				
38	Азербайджан	18					
39	Грузия	18	0				
40	Израиль	18					
41	Македония	18	5				
42	Перу	18					
43	Россия	20	10	0			
44	Турция	18	8	1			
45	Люксембург	17	14	8	3		
46	Босния и Герцеговина	17					
47	КНР	17	2	3	4	6	13
48	Мексика	15	0				
49	Новая Зеландия	15					
50	ЮАР	14	0				
51	Сальвадор	13					
52	Индия	12,5	4	1	0		
53	Казахстан	12					
54	Киргизия	12	0				
55	Филиппины	12					
56	Эквадор	12					
57	Венесуэла	11	8				
58	Австралия	10	0				
59	Вьетнам	10	5	0			
60	Ливан	10					
61	Парагвай	10	5				
62	Республика Корея	10					
63	Швейцария	8	3,8	2,5			
64	Таиланд	7					
65	Сингапур	5					

